


Рустамжон УММАТОВ

# ОДАМ БОРКИ...

Ҳикоялар, ҳажвиялар,  
ҳангомалар



ТОШКЕНТ  
«DAVR PRESS»  
2009


84(54)/6 Үзб. араб

Китобхон Рустамжон Умматов асарларини ўқир экан, инсон қадрининг ниҳоятда буюклигини яна бир бор юракдан ҳис қилади. Тупламга кирган ҳикоя ва ҳажвиялар содда, ширали тилда ёзилгани билан киши эътиборини тортади. Куз унгингизда содда, хокисор ва самимий қишлоқ одамлари намоён бўлади. Ўқувчи узи ҳам уша инсонлар қаторига сингиб кетади. Ота-онани ниҳоятда ҳурмат қилиш қондаларини маҳкам ушлаган, аجدодлари анъанаси, урф-одатларига содиқ булган бағрикенг, меҳмондўст ўзбек миллатининг фарзанди эканидан фахр туйғусини туяди. Қолаверса, «Одам борки...» тупламида яна халқ оғзаки ижодининг баъзи намуналари ҳам борки, ўқувчи беихтиёр халқ — буюк донишманд деган хулосага келади.

Барча ҳуқуқлар амалдаги қонунларга асосан ҳимояланган.  
Китобдан кучириб босиш нашриётнинг ёзма рухсати билан  
амалга оширилиши лозим.

10 35565  
2

ISBN 978-9943-370-25-8



© Рустамжон УММАТОВ, 2009  
© «DAVR PRESS» нашриёти, 2009

## ҲИКОЯЛАР

### Қоронги боғ

Шукуржон сочларига оқ оралай бошлаган она-сига сирли илжайиб олди-да, ерга қараб чой хурил-латаверди.

– Нима гап? – сергакланди Ҳанифахон.

– Бир нарсани айттайми деб...

Ражабали қаттиқ хумрайди:

– Туйдан бошқа гапга қулоқ йуқ.

– Мен ҳам шу ҳақда...

Ота ўглига тикилганича тек қотди, она эса ҳовлиқиб ўрнидан туриб кетди:

– Демак, тўйни?...

– Сизларни кутишяпти, – қизаринди ўғил.

– Узиям хонзодадир ё маликами? – қувончини ошкор қилмай кесатди Ражабали.

... Олдинига бир шифокор қизга умид сақлаб юришган эди. Шукуржон тушмагур иккинчи учрашувдан айниб қайтди:

– Худди ёш болани етаклаб юрганга ўхшайман...

Дарозгина ўғиллари ёнида унинг митти буй – бастини кўз олдига келтириб, ичи чиқмайроқ турган ота-она ҳам ортиқ қисташмади. Қишлоқ мактабидаги янги муаллимани кўрган она ўглини қистовга олди.

– Булмайди, – деди бўшашиб қайтган Шукуржон. – Кузлари қисиқ экан.

Куп ўтмай яхшигина бир номзоднинг дараги чиқди, аммо ўттиз тўққизинчи размерли туфли кияркан. Ҳеч тақдир битмади, — учинчисининг сочи сариқ, бешинчисининг кўзи кўк, ўнинчисининг бўйи дароз.

– Сен бола уйланасанми ўзи? – хуноби ошди Ражабалининг. – Танлаб-танлаб тозисига учраб қолмагин...

Бу қанчаси ўтиб, қанчаси тинчиган хонаки дилсиёҳликларнинг охиргиси эдики, ота-она ушбу масалада анчадан буён оғизга толқон солишган эди. Мана энди Шукуржоннинг узидан олов чиқди.

– Ҳайтовур яхши қиздир? – Ҳанифахоннинг жони ичига сигмади, унга қолса, бугун унашиб, эртага тўй қилса. Ўғил жилмайиб ерга қаради.

– Нима иш қилади, болам?

– Ўқийди, институтни битиряпти.

– Хайрият...

Ишга шошиб турган Ражабали хотинини имлади.

– Бугун бир бориб, сўраб-суриштиргин, – тайинлади у. – Шокирга айт, онамларни олиб келсин, кечқурун бафуржа маслаҳатлашамиз.

Ўғлининг қизтанлайвериши неча ойдан буён жонини ҳалқумига келтирган Ражабали шу топда ўзи билан борми-йўқ эди. Уйда ичидагини ташига чиқармаган эса-да, терисига сигмай қолди. Хурсандчилик боис, эски шўхликларини қўмсаб, таниш рақамга қўнгироқ қилди.

– Алло.

– Бормисиз оламда? – ҳаяжонланган Ражабали саломни ҳам унутганди.

– Ўзингиз-чи? – нозланди у ёқдаги жон олувчи овоз. – Агар сиз экангизни билганимда телефонни олмасдим.

– Гуноҳимиз нима экан?

– Жудаям катта.

– Масалан?

– Юз йилдаям бир марта йўқламайсиз.

– Қаранг-а, – яйраб кулди Ражабали. – Унда каминангиз юз ёшдан ошган бобой эканмиз-да, а?

– Бобой? – хушомад қилди аёл. – Йигитсиз, Ражабали ака, йигит, сиз ҳеч қачон қаримайсиз.

– Ёлгонниям боплайсиз-да, Машҳурахон.

– Буни бошқа биров билмасаям, мен жуда яхши биладан, – аёл овозига сирли тус берди. – Жудаям яхши биладан, ахир.

– Бугун бирга тушлик қилайлик, жоним.

– Ҳо-о, тушлик баҳона-ю, а?

– Чой дамлаб турасиз, – дея амр қилди Машҳуранинг пишиб бўлганини фаҳмлаган Ражабали. – Ўтган галдагидай калитингизни унутиб юрманг тагин. Дарвоқе, нима оборай, сомса бўлаверадими?

– Сиз нимани маъқул кўрсангиз уша-да...

Учинчи қаватдаги бир хонали бу уй фақат Машҳура учун олинган, икковларидан булак ҳеч ким бу манзилни билмайди. Ражабали анча пулга таъмирлатди, қозон-товоқ, чойнак-пиёла олди, икки кишилик дивандан тортиб, музлатгичгача келтириб қўйди. Бир таниши бунақанги хоналарбоп шундай суратлар топиб бердики... Ражабали қай бир йили таътилнинг ярмини шу ерда ўтказди, деярли кўчага чиқмади, аммо денгиз бўйидаги ҳордиқдан ортиқ ҳузур қилдики, кам бўлгани йўқ. Машҳура эрталаб келади, оқшом чоғи кетади...

Халта кўтариб, остонадан хатлаган Ражабаланинг таниш ифорлардан боши айланаёзди. Қаршисида я-ял ёниб турган Машҳурага боқиб, кўзлари қамашди.

– Жудаям соғиниб кетдим, – арз қилди бағрига сингиб бораётган аёл.

– Мен ҳам, – Ражабаланинг овози титради.

– Секин, секинроқ, ҳозир суякларим синиб, ерга тўкилади, – шивирлади ўз ҳисларидан маст аёл. Висолдан сархуш Машҳура ҳозиргина юмган кўзларини очмоққа мадор топмасди. Бақувват ва тизгинсиз қўллар ҳаддидан ошиб, чўгдай жуссани тобора қийноққа соларди.

– Ўлгудай очман, акажон, – шивирлади у. – Ё тушликка чақирганингиз эсдан чиқдимми?

– Менинг эса қорним тўйди, – баттар ёпишди Ражабали. – Анави суратдагиларни қаранг, ахир.

– Вой шармандалар, – юзини ёлгондакам пана қилди Машҳура. – Намунча беҳаё бўлмаса буларингиз? Ҳар гал ҳаммасини ёқиб ташлайин дейман, кейин ёдимдан чиқиб қолади.

– Уларнинг ўрнигаям мени ёндириб кетасиз, – томоқ остига лаб босди Ражабали.

– Бўлди, бўлди, жа-а ҳаддингиздан ошаверманг, – аёл бевош изғиётган қўлларни беҳол қайирди. – Ахир, сомсангиз совийди...

Машҳура анча йиллар бурун бева қолган. Камондай қошлари зулукдай қоп-қора, қўш кокили тақимини ўпаман дейди. Гунчадек лабларида эҳтирос ва лаззатлар ваъдаси яхширин. Нимаики либосни кийса, қуйиб қуйгандай ярашаверади. Аслида палаги тоза деган гап мана шу аёлгагина айтилгандай. Негаки, Ражабали биринчи марта кўрганида уни йигирма ёшларда бўлса керак деб ўйлаганди. Кейин билса, ўшандаёқ ўттиз учга чиққан, ўн тўрт яшар қизи ҳам бор экан (ҳозир шаҳардаги институтда ўқийди). Нимадир сабаб билан паспортига кўзи тушиб, роса ҳайратланганди. Бу аёлнинг кап-катта қизи борлигини, ёши ўтинқираганини қайта-қайта кўнглига келтириб, ўзини-ўзи айнигиб ҳам кўрди, бўлмади. Мана энди келинчақлардай диркилаган Машҳураҳон қирқни уряптики, ҳалигача Ражабалининг ақлини олгани-олган. Кўнгли тусаганда кўнгироқ қилса бас, висолхона обод...

Ҳаммомчанинг эшигини қиялатиб қўйган аёл нимадир деди. Сувнинг шовиллашидан товушни англаёлмаган Ражабали эшикни ланг очди. Артина бошлаган Машҳуранинг сутдай баданига тизилган сон-саноқсиз гавҳар қизил лампочка нурида ёқутдай товланарди. Ражабали борлиқни унутиб суқланиб боқди, кўзларида олов чақнади.

– Уялмайсизми? – дакки берди у. – Бақрайиб туришингизни-чи, қочинг, кийиниб олай. Бозорга ташлаб ўтасизми дедим, эшитдингизми?

Ёнабошлаганйигитбир зумдабушашди. Ҳанифанинг ишхонаси қурмагур бозор билан девордармиён. Худо кўрсатмасин, кўзи тушиб қолса борми? Ўзи шундоғам айбим очилмасин деб уззу кун юрагини ҳовучлаб яшайдиган одам... «Йўқ» деса, Машҳура хафа бўлади.

– Супермаркетгача элтиб қўйсам, – чайналди у юмшоқ овозда.

– Машинангизга у ёғиям бир қадам-ку, нима қипти? – зарда билан қошини чимирди ойна олдида соч тараётган жувон.

– Шунақа-ю..

Хуллас, Машҳура супермаркет билан бозор ўрта-сида қолди. Аммо машинадан тушаётиб «ҳақини» қўймади:

– Энди уятсиз суратларга тўлган «дом»ингизга сираям бормайман. Ишингизни битириб олгач шунақа экан-да.

Ражабали «Жигули»нинг эшигини очиб, самимий илтифот қиларкан, лўмбиллаган сонларга тирсагини босиб шивирлади:

– Эртага, худди мана шу пайтда кутаман...

Унинг кўнгли ниҳоятда тўлган, вақти чоғ, кайфияти яхши эди. Фақат иш кунни охирлаганда эълон қилинган мажлис хабаридан юраги сиқилиб қолди. У савил ҳам олтиларга яқин бошланиб, чўзилгандан чўзилди.

Ражабали ҳовлига кириб борганда ташқаридаги биттагина чироқ учирилмаган эди, холос. Ҳанифахон ҳам ухлаб бўлган шекилли. Катта хонанинг чирогини ёқиб, диван устига папкасини қўйган Ражабали телевизорни уламоқчи бўлди. Бироқ узатилган қўли ҳавода муаллақ қолди, қаттиқ сесканиб олди. Экранинг қўйисига суялган кафтдай суратда икки ўрим сочини олдига ташлаган Машҳура ним табассум билан сирли боқиб турарди, ёнида қизи ҳам бор (Ражабали уни икки-уч бор кўрган).

– Қалай?

Расмга боқиб нест бўлганидан ётоқхонадан чиқиб келган хотинини ҳам пайқамаган эр музлаб қолди. Аёлига зимдан назар солди. Юзи салқиганроқ, қовоғиям шишганми-ей, роса йиглаганга ухшайди. Қошлари чимирилган кўринади.

– Нега индамайсиз?

Ражабали аввал гулдор шифтга, сўнг девордаги ранги унниқа бошлаган гиламга тикилди:

– Анавининг эскириб қопти-да.

– Гапни айланторманг, – тиргилди Ҳанифахон. – Йўлингизга қарай-қарай кўзим илинибди, ойим ҳам нариги хонада уклаб қолганга ухшайдилар. Расмининг кўриниши, бир нарса десангиз-чи, инсон.

Шу лаҳзада Ражабалини кўриқдан ўтказган духтир ҳеч иккиланмай руҳий хаста деган хулосага келарди. На кўзи, на ақли, на хаёли бир жойда қўним топмаётган эр хотинига анграйиб деди:

– Бошлигимиз мажлис қилди. Ўшанга...

– Ие, ўғил уйлантирадиган одамга унақа жойда нима бор, демадингизми? – кулимсиради аёл.

– Қанақа жойда? – Ражабалининг кузлари хонасидан чиқиб кетай деди, юраги қулоғи остида дукурлай бошлади.

– Мажлисда-да.

– Йў-у, рост айтяпман сенга.

Ҳанифахон энди чинакамига қошларини чимирди. Телевизорга суюнганича турган суратни қўлига олиб, эрига тикланди.

– Қанақа одамсиз, ҳой хўжайин? – шу топда малайлардан абгор ҳолдаги «хўжайин»нинг эса ичи тутдай тукилиб, оёқлари қалтирамоқда эди. – Қизининг ширинлигини кўринг, онасидаги сочи қаранг.

– Мени бундан хабарим йўқ, – бўзарди Ражабали.

– Мен-чи? Мен ҳам шу бугун билдим-да, ўзингиз бор эдингиз-ку?

Қачонлардир телевизордаги томошада кулфатзада бир аёлнинг армонлари Ражабалининг қулоқларида

жаранглаб кетди: «Пинҳона лаззат богида фақат қалампир ўсаркан». У шу топда хотинининг чангал солишини, фарёд кутаришини кутарди. Эридаги гайритабий суслиқдан тоқати тоқ бўлган аёл эса бир бошдан тушунтириш учун бидирмай кетди:

– Эрталаб сиздан сўнг Шукуржон мени кўчага бошлади, қаёққалигиниям айтмади. Тўғри суратхонага бордик. «Расмга тушамизми?» десам, «Йўқ, расм кўрамиз» дейди ишшайиб. Қисқаси, сураткаш бола шу суратни кўргазмасига осиб қўйган экан. Ўглингиз «кўринг» деди, «кўрдим» дедим. Манави қудангиз, буниси келинингиз» дейди. Сизгаям кўрсатайлик деб сураб олдим-да, энди тушунгандирсиз?

Ражабали шу лаҳзада ўзини тубсизликка тушиб кетаётгандай ҳис қилди, қулоғига битта ҳам сўз кирмай қолди, кўксига қаттиқ огриқ бошланди. Хотинига маъносиз тикилди-да, кўзининг қораси бир-икки айланди ва гурсиллаб ағдарилди.

Эсхонаси чиқиб кетган Ҳанифахон овозининг борича чинқириб юборди. Бир зумда болалари, уларнинг ортидан қайнонаси кириб келишди. Қий-чув бошланди, Шукуржон телефонга ёпишди...

– Миокард инфаркти, – дейишди врачлар.

Уларнинг уринишларидан ҳеч наф бўлмади. Ражабали шу ётганича қайта кўз очгани йўқ, тонгга яқин бир сўз демай онасининг қўлида узилди...

Қабристон узра қорининг шикаста овози таралган маҳалда «тиқ» этган товушга интизор Машҳура висолхона эшигига кўз тикканича ўтирарди. Қизи эса не сабабдирки кечикаётган Шокиржоннинг йўлига мунтазир...

*1992 йил, сентябрь.*

## Шубҳа

Осмон ҳам Алижоннинг ўйларидай хира. Ўркач-ўркач булутлар юлдузлар юзига парда тортади. Мана Чорбоғсой қирғогидаги тераклар устида жавдираётган

тулин ойнинг чироги ҳам сунди. Атрофга зулмат чўқди...

У қаршисидан келувчи шарпани четлаб, ўзини симёғоч панасига олди. Дарвозанинг ёнидан деворга тирмашди, енглариининг ичига шувиллаб тупроқ қуйилди, «дуп» этиб кўчанинг ўртасига кесак думалади. Йигитнинг юраги ортига тортиб, кўзлари олазарак бўлди: дарвоза счилиб қолса-я? Аммо энди қайтиш йўқ, нарироқдаги харсангни ҳалиги жойга сурди. Бир нав қилиб деворни минди-ю, ичкаридан тушар жойини мўлжал қилди. Одам бўйи ўтин тахлами устида узунлиги бир қулоч келадиган жомашов тўнкариглик. Шу топда бутун вужуди қулоққа айланиб кетди гўё. Ҳамманинг кўксига турадиган юрак Алижоннинг қулоқлари остида темирчининг устахонасидай тарақларди. У ичкарига туша бошлади. Шох-шабба аввалига қисирлади, сўнг нимадир қарсиллаб синди, омонатгина гарам чайқалди. Йиқилишдан эҳтиётланиб ўтириб олган эди, ҳалиги тоғора гумбуллаб ерга тушди.

Ичкаридан чиқиб келган кўйлакчан жувон қоронгиликка ҳадик аралаш тикилди. Айвон устунига қул чўзганди, «чиқ» этган товуш чиқиб, ҳовли ёришиб кетди. У ёқ-бу ёққа қараб дарвоза томон юрди. Оёғининг тагидаги тоғорани четроққа олиб қўйиб, дарвозанинг зулфинини пайпаслаб кўрди...

У кириб кетгач, Алижон гарамнинг орасидан зўрга чиқиб ўйга толди. Дарвоқе, нима воқеа бўлди ўзи! Воқеа бўлса майлийди, қиёмат қойим бўлди, аросат бўлди, дунё остин-устин бўлди. Айтиш тугул, ўйлашнинг ўзи дўзах азобидан минг карра ортиқ. Битта бўлимда ишлайдиган ошнаси Карим тунги сменадан қайтса... Шу кунгача эр бўлган йигит қаро ерга баробар бўлди. Ахир Алижон ҳам кўпинча тунги сменада бўлади. Устига-устак ишхонасида нима кўп — хизмат сафари кўп. Хотини ёлғиз...

Кўксига санчиқ турди. Ўзиям Қумрининг ҳасратида «оҳ» деганлар сочининг толасидан ҳам кўп эди-да. Ҳеч

кимга қиё боқмаган дўхтир қизга кечагина ҳарбийдан келган йигит бир мартагина «гаҳ» деди, холос.

– Мен «юрадиганлар»дан эмасман, – деди Алижон.

Қиз сукут сақлаб ер чизаверди.

– Мен шартта уйланиб қўя қоламан, – деди йигит яна ҳам дангалига кўчиб.

Ерга боқиб кўзлари толган Қумри ахийри калимага келди:

– Мен... Билсангиз, бошимда отам бор, онам бор. Ва ҳоказо ва ҳоказо, – у дейдиганини деди, фақат «йўқ» демади.

Хуллас, бу ёғи Алижонга тушунарли эди. Энди темирни қизигида босса бўлгани. «Туй қилайлик» деб бир-икки айтиб, дами қайтган отасига рўбарў келолмадию, онасига арзу ҳол қилди:

– Бир гап айтсам, эшитасизми?

– Сузлай қол, болам.

– Сиз ичкарида турасиз, мен айвонга чиқиб гапираман-да.

– Во-ой...

Боласи айвонда қолди, онаси уйга кирди — иккала табақаси ланг очиқ дераза тилмоч эди. Ўғил деди: «Гап шуки, хуллас, шундай-шундай». Она деди: «Тилларингдан ўргилай». Масала аниқ эди, ечими ҳам равшан бўлди.

Алижон битта «гаҳ» билан Қумрини қўлига қўндирди-кетди. Унинг дардида кўксини заҳга босган не-не ҳасратзадалар йиглаб-сиқтаб қолаверди. (Жуда шунчалик бўлмаса-да, ҳар ҳолда шунақароқ бўлганди-да).

«Ҳа-а, хушторлари кўп эди бунини». У боядан бери юқори кўтарилиб, энди томоғига келиб қолган азобни «ғўлт» этиб юборди. Алижон ўзи билан ўзи курашгани тушди:

– «Чиройли хотинлар бевафо бўлади».

– «Астағфируллоҳ, шуям гап бўлди-ю».

Алижон буш келмади:

– «Каримнинг хотини ҳам чиройли эди, ахир».

– «Чиройли бўлса нима қипти? Узинг танлаб олгансан».

Алижон ерга қаради:

– «Карим-ку яхшиликча ажрашди-қўйди. Мен... Мен шундай қиламанки...»

Унинг мушталари тугилди. Аста-аста юриб айвондан утар экан, оёқ остидаги тахталар гижирлади.

– Нима, ойи? – оҳанграбодай бу овоз мумдай эриб, юракларига сингди.

– Ухлайвер, Балижон. Мушук ўлгур юрибди. Боя тогораниям ўша қуриб кетгур тарақлатди, шекилли.

«Мушук?!» У гижиниб деразадан мўралади, угли онасиниг тиззаларига бош қўйиб ётибди, бир ёшдан энди ўтди-ю, тиллари бурро...

... Тўйдан сўнг ота-онаси билан кўп туришмади, ёғоч-тош тайёр эди, тезгинада уй тикланди-ю отаси кўчириб келтириб қўйди. Мана икки йилдирки, янги рўзгор бўлиб олишган... У хаёлан Қумрининг нуқсонларини териб-термалашга тушди.

Ишхонаси — пундоққина кўча бошидаги икки хонали оқ бино. Бор-йўғи уч киши ишлашади: олмишларга борган врач, Қумри — ҳамшира, битта фаррош кампир бор. Тушга бормаёқ бош оғриги, кўз оғриги дегандай навбат кутувчилар сафи тугайди. Шў билан Қумрининг иш куни ҳам ўтди ҳисоби. Гоҳо дафтар кўтариб маҳалла айланади, мактабда болаларни эмлашга чиқади. Илгарилари касалхонага навбатчиликка бориб турарди. Болали бўлганидан буён у ҳам тугади.

Алижон Қумрининг борар жойларини кўнглидан ўтказди. Баъзида ота-онасини йўқлайди, унда ҳам кўпинча бирга боришади. Узоқ-яқиндаги ўртоқлари билан борди-келдиси йўқ, ҳисоби. Пулини бузмай олиб келади.

... Ху-уш, кейин-чи? Боши қотган Алижон яна деразага аланглади. Қумри унинг костюмига тутма қадаб ўтирибди. Пайваста қошлари устидаги қизил дурраси шунчалар ярашганки, анави кинодаги Кумушбибининг ўзгинаси. Валижон уйқуни бошлаб

юборибди. Хотини ўрнидан туриб қўлидаги костюмни иларкан, бир ҳидлаб олди. Бошидаги дуррасини ечиб силкитганди, сочлари орқаси билан битта булиб тўкилди. Қаршисидаги Алижоннинг кулиб турган суратига узоқ тикилди. Уни қўлига олиб рўмоли билан артди, силаб-сийпади, сўнг авайлаб юзига босди.

Йигитнинг юраги вужудига, вужуди эса дунёларга сиғмай кетди. Негадир титрарди, негадир лабларининг таноби қочиб, ўзидан-ўзи илжаярди. Англадики, йиғламаслик учун кулмоқда эди.

– Дадам келмаллами, оий? – сўроқлайди кўзи очилиб кетган Валижон.

– Ҳозир келадилар.

Сўнг қўшиқ эшитила бошлайди. Ҳазин-ҳазин бу нола Қумрининг алласи, илгари ҳам бир-икки бор қулоғига чалинган. Ҳамма «алла, болам» деса, бу «ёр-ёр» айтади.

*Бог тўрига эқдим палак ёр-ёр-ей, эқдим палак,  
Ишқ кўйида жоним ҳалак, ёр-ёр-ей, жоним ҳалак.  
Алижоннинг қоши қаро, ёр-ёр-ей, қоши қаро,  
Куйдиради ўтлар қалаб, ёр-ёр-ей, ўтлар қалаб...*

Алижоннинг юраги шу топда эгалари минг йил бурун кўчиб кетган ҳовлидан ҳам ҳувиллаган бир хароба эди. Вой-вуй, деворлари нураган, дарчалари парча-реза, ақалли мўрисида тутун, ўчоғида кули ҳам йўқ. Ҳалидан бери ўзини инсофга чақираётган шарпа (балки у Раҳмондир) ўнг қўлининг кўрсатғич бармоғини чеккасига бураб қўйди, надомат билан бошини чайқади. Чамаси афтини бужмайтириб, тилини ҳам чиқарди:

– «Бу кунингдан кўра ўлганинг яхши эмасми!»

У Қумри билан қачон сўзлашганди? Эрталабми? Йўқ-йўқ, асло эрталаб эмас, ундан буён неча замонлар ўтиб кетди-ю. Адоқсиз соғинч жонини ўртаб, борлигини ҳолсиз қилди. Алижон хотинини ҳозиргидай соғинганини ҳеч-ҳеч эслолмади.

– «Ҳе-е, падарига лаънат!»

У кимни сўқди, нега сўқди — ақли етгани йўқ. Аммо зинҳор-зинҳор Қумрини эмас!..

Алижон оҳистагина йўлкага ўтди. Аввал чироқни ёқди, сунг оёғини «тап-тап» қоқиб, йўталиб қўйди. Эшикни қия очиб мўралаган Қумри яшнаб кетди:

– Вой-й, чақирсангиз-ку...

Алижон бир сўз демай хотинининг икки юзидан ушлаб, ўзига қаратди. Қумри унинг елкасига ёпишган гарду губорни сидирди.

– Чарчаган одам девор ошиб юрганингизни-я. Дарвоза ўлгурни очардим ахир, – темирдай қўллар уни ортиқ гапиришга қўймади.

Алижон жоду кўзларга сассиз-садосиз тикилди. Унинг юраги сим-сим бўлиб парчаланди-ю ерларга сочилиб битди. Қоп-қора сочларнинг тўлқиндай тўзгиган ифорлари орасига кўзларини яширди.

## ТУШЛАР ВА ЯНА ТУШЛАР

Тошмат ҳожи умр бўйи далада ишлади. Шу топда ёши етмишдан ошибдики, ҳануз кетмони қўлидан тушган эмас. Ўғил-қизлари, набиралари ёмон болалар чиқмади, қуда бўлишга арзийверадиған одам.

Ёлгизгина амакисидан бу таърифларни эшитган Орифжоннинг боши қотди.

– Билмасам, – бўйинини қисди у. – Ҳали қиз узатиб, ўғил уйлантиришининг кўчасидан ўтмаган бўлсам...

– Қўрқмайсиз, – дадда берди амаки. – Кўнгил чопса, қиз рози бўлса бўлди-да. Ҳожи яхши одам, меҳнатқаш. Фақат жиндай ёлгончилиги бор, ҳар тўкисда бир айб-да. Мана кечқурун ҳам бир гап қилди. Акам раҳматлини тушида кўрибди, «Ғанижоннинг ўғлига неварамни олаверасиз, Орифжон ўзи билади, мен тайинлаганман» деганмишлар...

Ҳовлиққан Орифжон шоша-пиша луқма солди:

– Рост, дадам шунақа бир гапни айтгандилар.

Ҳайратланган Қоровой амакининг оғзи очилганича қолди:

– Акамнинг ўтганларига қанча бўлди?

– Йигирма беш йил.

– Ҳамидангиз нечага кирди.

– Йигирма иккига.  
– Унда қанақасига?..  
– Қизик, – Орифжон ўзи ҳам ҳайрон бўлди. – Дадам вафотларидан беш-олти ой бурун қаттиқ ётганлари эсингиздами?

Қоровой чол бош ирғади.

– Ўшанда аввалига васият қилгандай бўлиб, ортидан тушларини айтган эдилар. Хаёлимдан чиқиб кетган уша гап мана ҳозир эсимга тушди.

### Уста Қурбоннинг туши

– Умр омонат, аммо ким олдин, ким кейин ўтади — у ёғи ёлғиз Аллоҳга аён. Отанинг улмоғи — мерос, ҳеч киши фарзанд доғида куймасин. Агар менга сендан буюрса, билиб қуй, бировдан бир мири қарзим йўқ, кимлардадир беш-ун сўмим бор, лекин ҳаммасидан фисабилллоҳ кечдим. Сенга икки ишни айтаман, шуни бажаришинг зарур. Аввало, онангга менинг ёнимдан бир газгина жой олиб қуйгин. Иккинчиси шуки, дунёдан ўгил кўрмай ўтаётган укам Қоровойга ўтилдай хизмат қилгин. Билиб турибман, юракларингни қон қилиб юбордим. — Уста Қурбон ютиниб олди. — Аммо бандаси доимо ўлимни ўйлаб туриши керак. У ёғини сўрасанг, тушимда дадамни кўрибман, поёнсиз бир боғда мени имляптилар. Боғ ичига қараб юравердилар, мен ҳам эргашдим. Катта бир издиҳом, ўртадаги тобутда мен ётибман. Ҳамма вазъонлик қилади: ўрисча, ўзбекча, полякча, украинча, бир немис роса жавради — тушунмайман. Барчаси таниш, урушда кўрганман шекилли. Шунда кимдир эълон қилди:

– Эндиги сўз Тошмуҳаммад ҳожига.

Мундай қарасам, ўзимизнинг Тошмат лоф.

– Уста Қурбон қудам эмас, туғишгандан афзал биродарим эди, – дейди у. – Мана шу инсон туфайли ҳажга бордим, бир оғиз сўзимга неварасини келин қилиб берган жигаргинам, вой жигарим...

Хўнг-хўнг йиглайди, худди унгимдагидай. Мен эса тобутда ҳайронмишман: «Вой ёлғончи-ей, ҳажга бордим дейди-я, қуда бўлиб олгани-чи!»...

– Ё қудратингдан! – ёқасини ушлади бу гапларни эшитган амаки. – Мана ўтган йили ҳажга борди, энди қудачиликка келганига нима дейсиз?

– Отам бу тушни айтганларига йигирма беш йилча бўлди.

Меҳмон бошини сарак-сарак қилиб давом этди:

– Бу ғалати гапларингиз опам уруш пайтида кўрган бир тушни эсимга солди.

### **Қсравой амаки ҳикояси**

Акам ҳарбийга ўттиз тўққизинчи йили кетгандилар. Бутун-эрта келади деб турганимизда уруш бошланди. Шу-шу қирқ учинчи йил баҳоригача биттаям хат-хабар бўлмади. Дадам «оҳ» деявериб, қоқ суяк бўлиб қолгандилар. Худони берган хуни почтачи Ҳайдархошимникига югуртирадилар, бир зумда шуппайиб қайтиб келаман.

– Йўқми? – дейдилар.

– Йўқ, – дейман.

Йиғлагани тушадилар. Отам ўшанда бир кам саксонда эдилар. Тўйгунча йиғлаб олгач, намоз бошлайдилар. Бир фотиҳа қилсалар, дуонинг охири бўлмасди, баъзан мен ҳам қўшилиб қолсам, қўлларим толиб кетарди. Кафтларини юзларига босиб дод дердилар: «Эй Худо, боламини бағримга келтир!»

1943 йил 1 май эди, опам кириб келди, унгаям роса ҳасрат қилдилар:

– Қурбоналидан ҳеч хабар йўқ. Золимлар қўлига топширганимда тўрт мучаси бут эди.

Опам йиғлайди.

– Эй Худо, отамга раҳминг келсин, субҳоноллоҳ суриб келгин, алҳамдулиллоҳ олиб келгин. Қўлсиз, оёқсиз бўлсаям, дийдор қиёматга қолмаса бўлгани...

– Ҳой бадбахт... – отам сўкинадилар, бошидаги заранг ҳассани кўриб, опам шўрлик ерга қапишади. – Ахир, унинг гўрт мучаси бут эди, Яратган эгам омонатга хиёнат қилмайди.

Сўнг мажолсиз ўтириб қоладилар, кўзларидан ёш қуйилиб, яна пичирлайдилар: «Яратган эгам омонатга хиёнат қилмайди». Абсиз айбдор опам эса дадамга жавдирайди.

– Бир туш кўрибман, дада, айтиб сизни хурсанд қилгани келувдим. Укагинам поёнсиз ўрмонда юрганмиш. Мен ҳарчанд чақираман, эшитмайди. Кейин олдимда деворлари баланд, эшик-туйнуксиз қўрган пайдо бўлди. Шунда кунчиқар томондан девор ўпирилиб, Уста Қурбон кўринди.

Дадам опамнинг пешонасини силадилар.

– Ичим тамом бўлган, қизим, – кейин чўнтақларидан қизил ўн сўмлик чиқардилар. – Яхши тушгаям, ёмон тушгаям садақа лозим.

... Алҳамдулиллоҳ, ёмон кунлар ўтди. Худога шукур, акамни соғ-омон кўрдик. Кейин яна галати ишлар ўтган, жиян.

– Айтинг-чи?

– Сталин ўлган йили саратон кунлари эди. Дув-дув гап тарқади: урушда йўқ бўлиб кетган Бойхон келган эмиш. Бу гапни эшитиб, акам ўзларини йўқотиб қўйдилар, у кишини ҳеч бу аҳволда кўрмаган эдим...

Бойхон асир тушиб, Францияда экан, 1945 йили уларни кемада Одессага олиб келишибди. Сўнг поезд Коми деган жойга элиб ташлабди. Хулласи калом, немисга хизмат қилган деган айб билан саккиз йил ўшағларда юриб келган экан.

– Мендақалар сон-саноқсиз эди, – дейди у надомат билан. – Икки еримдан яраланиб, беҳуш ётганимда тутиб олишган. Уста Қурбон бўлмаганда, алақачон ўлиб кетган бўлардим, ошнам бечора ярамдаги қуртларни битталаб терган. Асирликда иккимиз битта ушоқниям бўлиб баҳам кўрганмиз...

Акамдаги бояги ҳолатнинг сабабини энди англагандай эдим. Демак... Бунинг устига Бойхон аканинг

гапини кўпчилик эшитди. Негадир руҳим тушиб кетди, юрагимга гашлик чўқди...

Эртасигаёқ Холмат чақириб келди. Тагида яп-янги «Ирбит», бошида қизил шапка, ёнида наган. Гапинг рости ундан қўрқмайдиган одам йўқ эди.

– Аканг қани? – удагайлади менга.

– Даладалар.

У сўкинганича мотоциклга ўт бераётувди ҳамки, акам келиб қолдилар.

– Ҳормасинлар, партизан.

Акам раҳматли Холматнинг кесатигига парво қилмадилар, индамай қўл узатдилар.

– Келинг ҳам демайсан-а, герой.

– Келинг, Холматвой. Гапингиз бўлса, тўтриликча айтаверинг. Дарвоқе, урушга борганингизда сиз ҳам герой бўлардингиз.

– Сизга ўхшаб лагерларда немиснинг хизматини қилганимдан кўра бормаганим дуруст бўлган экан, герой. Бойхон ҳамма гапни айтиб берди.

– Тугадими? – дедилар акам бепарво оҳангда.

– Йу-уқ, партизан, энди бошланади, қолган гапни идорада гаплашамиз.

– Овора бўласан, Холматвой, 46-йилиям ҳеч нарса қилолмагансан, эндиям қўлингдан ҳеч нима келмайди.

– Кўрамиз, – хириллади Холмат. – Ўртоқ Сталин «бизда асирлар бўлмайди, фақат хоинлар асирга тушади» деган. Сени Бойхон сургунда бўлган Северга жўнатмасам, Холмат отимни бошқа қўяман. Анави орден-медалларинг жонингга оро кириб бўпти энди!

Акам қўлларини белга тираб кулдилар:

– Осмон қўлингда бўлса ташлаб юбор, аммо буни эплотмайсан. Сенга осонгина иш айтаман: битта пичоқ оласан, чархчига олиб борасан, яхшилаб ўткирлаб беради, – раҳматли акамда юрак отнинг калласидай эди, гапниям боплардилар. Менга бир қараб олдилар-да, дедилар: – қўй, укамнинг олдида ёмон гапни айттирма. Хуллас, сен ўша пичоқни оп келавергин. Нимани қирқиб олишингни айтаман...

Холмат сўкиниб-сўкиниб кетди. Акам чиндан ҳам асирликда бўлган эканлар, аммо кейин партизанларга қўшилиб кетганлар. Немис лагерида ётганлари ҳеч бир ҳужжатда йўқ.

– Ҳалиям бор шекилли Холматингиз? – сўради Орифжон.

– Ёмонга ўлим йўқ-да, ўзиям тўқсондан ошди, кўр бўлиб қолган. Аммо умр бўйи акамдан қўрқиб, писиб яшади.

– Бу гаплар нега керак деб, ҳайрон бўлаётгандирсиз. Сизга ҳали асосийсини айтганим йўқ. Акам Бойхон билан Польшада битта лагерда бўлиб, кейинроқ уни Францияга кўчиришган экан. Буларни бир куни немис ўрмонга дарахт кесгани олиб боради. Акам пайт пойлаб, бир дарахтга тирмашиб чиқиб оладилар. Ҳеч ким кўрмай қолади. Бўлмаса соқчилар кўп, итлари ҳам етарли экан. Ярим кечада дарахтдан тушиб, ўрмоннинг ичига кетаверадилар. Очлик ва чарчоқдан толиқиб, беҳуш ётганларида партизанлар топиб олишади. Бу қачон бўлган, биласизми?

– Биладан, 43-йил, 1 май куни, кўп бор айтиб берганлар.

– Худди ўша куни акамнинг ёругликка чиққанларини опам тушида кўрган. Бунисига нима дейсиз?

– Аммадан буни эшитмаган эканман.

– Унда сиз туғилмагандингиз-да, акам урушдан келганларидан сўнг эслашиб турардик. Кейинчалик унутилиб кетган экан.

– Чиндан ҳам буни билмасдим. Лекин دادам ҳожи бобом кўрган бир тушни айтиб бергандилар.

### **Уста Қурбон ҳикояси ва яна бир туш**

– Ғарбий Украина ўрмонларида немиснинг додини бераётган пайтимизда бу ёқдан бизникилар етиб борди, армия билан қўшилдик. Алоҳида хизмат курсатган партизанлар Киевга жамланди, улар орасида мен ҳам бор эдим.

– Корбан, – деди бўлинма командиримиз Николайчук (у «Қурбон» дея олмасди). – Худога шукур, тирикмиз.

– Худога шукур, – дедим мен ҳам.

– Энди ўлмаймиз, – дея мени бағрига босди.

– Ахир ҳали уруш... Олдимизда Берлин бор.

– Сен билан мен у ёққа бормас эканмиз.

– Нега? – ҳам хурсанд, ҳам ҳайрон эдим.

– Кейин биласан...

Эртаси кун бизни Крешчатик кучасидаги беш қаватли бинога тўплашди, кино кўрдик, зиёфат булди. Кейин йигирма тўрт кишининг фамилияси ўқилди, жумладан, мен ҳам Киев милициясида ишлар эканмиз. Генерал Сабуров қабулига кирдим, бу иш қўлимдан келмаслигини айтдим, саводим йўқлигиниям яширмадим.

– Ўзбекистонга жўнатамиз бўлмаса, – деди у.

Бу гап менга кесатикдай туюлди. Ахир, 1944 йил май ойи, уруш тугамаган-да. Йўқ, генерал рост айтган экан, ҳужжатларимни тўғрилаб беришди, икки кун деганда Москвага етиб келдим. Бошимда Польша ҳарбийларининг бурчакли шапкаси, чаккамда партизанлик белгиси — қизил лента бор. Оёғимда немис этиги, шим ва кителим ҳам жуда антиқа нусха, елкамда нон тўла икки тўрва. Кўринишим ҳалигиндай, шубҳали бўлганидан ҳар қадамда ҳужжатимни текширишади. Кексароқ бир аёлдан йўл суриштирдим.

– Қаёққа борасан? – деди у менга бош-оёқ қизиқиб қараб олгач.

– Тошкентга.

– Агар нонингдан иккита берсанг, Қозон вокзалига олиб бориб, поездинга ўтқазиб келаман.

Мен рози бўлдим. Метрога тушдик.

– Нонни бер, – деди аёл. Бердим, у йўл-йўлакай еб боряпти.

Негадир аёл кўзимга таниш кўриниб кетди. Тикилиброқ қарадим, ҳеч ҳам эслай олмадим. Турган

жойимизга қараб, яна ҳайрон бўламан, қачонлардир шу ерга киргандайман...

Қаранги, «Москва-Тошкент» поездининг жунашига ярим соатгина вақт қолган экан.

– Ота-онанг борми? – сўради кампир.

– Отам борлар.

– Мана бунни отангга олиб боргин, – дея ўзим берган ноннинг бир буханкасини қайтарди. У вагондан тушар экан, бошимда чақмоқ чақилиб, кўз ўнгим ёришгандай бўлди. Ахир бу ҳолатни отам тушларида кўрган эдилар-ку.

...1931 йили нон танқис бўлиб кетганди. Дадам томорқадан бир қучоқ сабзи юлиб келиб, дастурхонга қўйдилар. Энг каттаси жимжалоқдай бўлган экан. карсиллатиб еб-еб, орқасидан олмачой ичилди.

– Ҳали яхши кунлар олдимизда, – дедилар дадам. – Тушимда Қурбонали қопда нон олиб келди. Бир нотаниш шаҳар эмиш, баланд-баланд иморатларнинг саноги йўқ. Қурбонали шунақанги кийинганки, оёқларидаги этигида одамнинг акси кўринади. Елкасида қоп-қоп нон, гурс-гурс қадам босади. Бир малласоч кампир билан етаклашиб олганмиш. Ерости узундан-узоқ сарой, у ёқдан-бу ёққа поездлар гизиллайди. Қараб турсам, ҳалиги кампир «дадангга берасан» деб қопга нон сояпти. «Оч ухласа, нон кўради» деганлари шумикан?

...

Метрода юрганларим, елкадаги қоп, малласоч кампир. Унинг нонни қайтариб бериши — булар худди отам тушда кўрган нарсаларнинг ўзгинаси эди...

\*\*\*

Орифжон амакисини кузатди-ю, ўтган гаплардан мутаассир бўлиб, анчагача ухлолмаб ётди. Тонгга яқингина кўзи илинганди, остонада отаси кулиб турганмиш:

– Қудалар муборак, ўғлим...

## Қарз

Ота соқолини тутамлади, икки марта ёнбошлаб, икки марта тикланди, аввал секин, кейин қаттиқ томоқ қирди. Жавоб бўлмагач, зардали овоз берди:

– Ҳо-ой, қайдасан?

Даҳлиз эшигида кампири кўринди, оҳиста юриб келиб, дераза рўпарасига ўтирди. Мўйловини бураётган чолидан ҳам, боши букик тўнғичидан ҳам садо чиқавермагач, ўзи сўз қотди:

– Нима бўлди, Қодиржон?

Йигит баттар кўнишиб олди.

– Қарзи бор эмиш.

– Қарз? – она илон кўрган девонадай тўлғониб кетди. – Қанча?

– Сўроқ-саволингни қўйиб, тур, онаси, кечаги сигирнинг пулини бу ёққа ол, – ҳожибува боши елкасига тобора ботиб бораётган ўғлига тикилди: – Доллар деганинг шу топда неча пул туради?

– ...

Ота жавобни ҳам кутмади-да, кампирининг кўлидаги тарвуздай тугунни ўртага ташлади.

– Қанча керак бўлса, санаб ол...

Отаси шу пулни бермаганда, уриб-сукиб ҳайдаганда ҳам Қодиржон бунчалар эзилмасди. Тили танглайига ёпишиб, бир сўз айтолмай ўрнидан қўзғолди. У ўрта эшикнинг остонасидан хатлар экан, амирона овоз таққа тўхтатди:

– Укаларингга айтганмидинг?

Қодиржон бош чайқади.

– Бўпти, – қўл силтади чол. – Эртага шомдан кейин ҳаммасини чақариб кел. Бор-бор, тезроқ қутул, йигит нарса бошингни эгиб юрма.

\*\*\*

– Нега утирибсан ҳамманг! – ушқирди ҳожибува.  
– Тур ўрнингдан!

Бирин нон кавшаётган, бошқаси чой хуплаётган етти ўтил дик этиб ўрнидан қўзғолди.

– Сенлар йигитмисан? – чол тобора тутоқиб борарди.

– Сенлар ака-укамисан? Рост айт, хотинингдан қўрқасанми, йўқми?

– Ие, дада, анов-манов...

– Мингирлама, бадбахтлар. Хотиндан қўрқмаган одам одаммас. Ҳар доим хотинингни ўйла, қўрқиб тургин. Нимага? Нимагаки, хотин хоҳласа сени эр қилади, хоҳласа қаро ер қилиб қўяди. Эркак бўлсанг, хотинингдан қўрқиб яшагин.

Ота бир лаҳза жимиб қолди, пашша учса эшитиладиган бу сукунатни бузишга кенжа ўтилгина журъат этди:

– Начальнигимдан зўрга сўраб келганман, дада, нима гап? Тезроқ айта қолинг.

Отанинг газаб ўти алангаланиб кетди:

– Бу ерда милисалигингни йигиштир, бола. «Нима гап?» эмиш. Мен билган нарсани нега сен билмайсан? Сен чекист бўлсанг, мунақанги гаплардан ҳаммадан бурун хабар топишинг керак. Ахир, аканг қарздор бўлиб юрибди-ю, номард!

– Қанча?

– Ҳой зумраша, қанчалиги билан нима ишинг бор, а? Сендақа терговчини қара-ю... Акангнинг боши эгилган, шуни тушунасанми-йўқми?

Кенжанинг таноби тортилгач, бошқа бировнинг сўз айтишга ҳадди қолмади. Ҳаммасининг юзига синовчан қараб олган чолнинг ўз ҳукмидан кўнгли тўлди, юзидаги тундлик жиндай чекинди. Оталик ҳузури билан босиқ овозда ола кетди:

– Йўлнинг бу бетида сен кетяпсан, у бетида хотининг келяпти. Шунда хотининг сен тарафга ўтадими, йўқми?

– Ўтади-ўтади.

– Ҳа-а, балли. Чунки у сенинг хотининг, сенга ҳисоб бериши керак. Хўп, ана энди ўша йўлда сенга қарз берган одам қаршингдан чиқиб қолди. Сен унинг олдига ўтасан-да, тўғрими?

– Тўғри-тўғри.

Бобо хонтахтага қарсиллатиб мушт урди, қошлари чимирилиб, овози таҳдидли тус олди:

– Қодир аканг худди шу ҳолга тушиб қопти, аллакимнинг олдда ялтоқланиб юрибди.

– Айтмайсизми, ахир? Кимдан оптилар, қанча экан, қачон тўлаш керак?

Ҳожибува шундай ўқрайдики, гапга от солган терговчи ўғилнинг дами ичига тушиб кетди. Йилдай узун туюлган бир лаҳзалик сукунатни яна чолнинг ўктам овози бузди:

– Ҳали мен тирикман, – ота ўнг қўлини кўксига ниқтади. – Сенларга қараб қолган қарз йўқ, кеча ҳаммаси текисланган.

Қодиржоннинг кўзларидан ёш қуйилди. Бу дағал сўзларнинг ҳар бири унга мойдай ёқиб бораётганди. Отасини бағрига босгиси, оппоқ соқолларини юзига сургиси келарди. Чолнинг оёқларига йиқилишдан, сахтиён маҳсиларни ўпиб-ўпиб олишдан базур тийилиб турарди. Боши-кети йўқ телба-тескари ўйлар биттагина сўзга жамланди:

– Мени кечиринг, дада.

Ҳожибува бу ҳолдан мутаассир ва оталик мартабасидан роҳатда эди.

– Утир, – амр қилди у. – Йигитнинг эгилгани – улгани. Мен ота бўлсам, сенлар ўғил бўлсанг, бошингни баланд кўтар. Эсингда бўлсин, ҳеч қачон қарздор бўлма, бир-бирингни ёлғизлатма!

– Хуп, дада.

– Мен мана шундай одамман, ўғилларим, – ота тамоман юмшаб, ҳалим бир мўйсафид қиёфасига кирганди. – Худодан тилайманки, ҳаммангиз орқамда қолинг, жонсиз танамни кўтариб бораётганингиздаям бошингиз баланд бўлсин. Одамлар Давлат ҳожи чинакам ўғилларни боққан экан, десин. Акангиз қимор ўйнамаган, ёмон кўчаларга кетмаган, насияга мол олган. Савдо ишида буп туради-да. Қарз ёмон, болаларим. Қани, энди ҳамма иш-ишига.

Угиллар узун-қисқа бўлиб чиқишар экан, ота кулимсираб чақирди:

- Ҳой милиса.
- Ҳа, дада.
- Тушундингми?
- Тушундим, дада.
- Намани тушундинг?
- Қарздор бировнинг хотинидай гап экан.
- Ана шунақа...

## Жиян

Чоғроққина хона. Маҳалланинг катта-кичиги Тошмирзанинг огзига тикилган.

– Биласизлар, – деди у. – Мен мунақанги ишлардан четда турганмасман. Сув келтирамиз деб, бутун маҳалла ҳашар қилса, албатта, ёрдам бераман-да.

– Балли, отангизга раҳмат, – мамнун томоқ қирди оқсоқол.

– Бўлмаса гап бундоқ, синглим, сиз ёзиб туринг, – буюрди Тошмирзабой бурчакда қоғоз қоралаётган жувонга. – Ўн кило гурунч, уч кило гўшт, уч кило ёғ, олтишта нон, сабзи-пиёз ва ҳоказо мендан.

У папкасидан бир боғлам минг сўмлик олди-да, «топ» эткизиб стол устига ташлади.

– Фақат бир-икки кишини бозорга юборасизлар, элик литр соляркани кечқурун ўғлим келтириб беради. Энди менга рухсат, ишларим бор эди.

Унинг бу гапи илтимосдан кўра буйруққа ўхшарди. У бошини баланд кўтариб, эшик қабзасини ушлаган маҳал ўртароқда ўтирган мўйсафид сўз қотди:

– Тошмирзажон.

– Ҳа, ота.

– Темиржоннинг ҳоли тангроқ, ўғлим, бир хабар олиб қўйинг.

Йигит чолга хушламай тикилди, лаблари уча бошлади. Хонага ноқулай сукунат чўқди...

Санамхон музболтадай эди, ётмади, турмади, бир кечада болаларини етим қилиб кетаверди. Йигирма саккиз яшар жувоннинг ортида уч етим чирқиллаганича қолди. Ҳулқар холани кун тиккага келган маҳал қабристондан топишарди. Уни бу ёққа тортадилар, кампир бир уюм тупроққа ёпишиб фарёд уради:

– Чиқмайсанми, Санамжон, жоним болам...

Бало келса — шуқур, қазо келса — сабр. Банданинг иложи йўқ, барибир кўнади. Бир ой ўтди, бир йил ўтди, ўттизга етиб-етмаган куёв уйланди. Ҳулқар хола ўзи бош бўлди, йиғлаб-сиқтаб кўрпалар қавиди, анави норасидаларга она керак-ку...

Ярим тунда нимадир гупиллагандай бўлди, кампир тимирскиланиб, у ёқ-бу ёқни азмойиш қилди, кўройдинда ҳеч балони кўзи илғамади. Эрталаб қўйларига хашак солгани сомонхонага кириб, не кўз билан кўрсинки, ун яшар Тошмирза беданинг орасида ухлаб ётибди. У шарпадан кўз очиб, бувисининг этагига ёпишди. Боланинг аҳволини кўриб эсхонаси чиққан кампир дод солди, Санамхон гўё бошқатдан ўлди. Шунинг устига Темиржон чиқиб келди:

– Нима гап?

– Жон тоға, шу ерда юраверай.

– Отанг-чи, онанг-чи?

– Мени онам йўқ, – боланинг кўзларидан дувва ёш қуйилди.

Тошмирза уч кун юрди, кийим-боши ювилиб, нон-ош еб, бироз ўзига келди. Ҳулқар хола кечки пайт Темиржонни олдига ўтқизиб изилади:

– Битта товўғи йўқолган одам етти маҳаллани титкилайди. Қара-я, уч кундан бери бирортасидан дарак йўқ, бу бола уликми-тирикми демайдиам.

– Куёвингиз ишдадир-да, – онасини юмшатмоқчи бўлди Темиржон.

– Анавиниси-чи, мен мундоқ умидларда эмасдим, уканг раҳматли тахмондан олмаган болишларни бошига қўйиб бердим, болам...

Тошмирзани базур кўндиришди, учовлон Санамдан қолган ҳовлига кириб бордилар, куёв ҳам уйда экан. Дастурхон солиниб, жиз-биз қилинган бўлса-да, орадан гап қочди.

– Нима қилай? – кампирга ўқрайди қизининг кундоши. – Ўн ёш боланиям бетини ювиб қўяйми, ўзининг қўли бор, оёғи бор.

– Кийим-боши-чи, қизим. Ҳай, буниси катта экан, анави уч яшар қизнинг юзига қачон сув теккан — Худо билади...

Аммо бу ҳали бошланиши экан, кейинги гал Тошмирза кенжа укаси билан кириб келди. Уч кун ўтгач, наригисини ҳам келтириб қўя қолишди. Булар борган бўлди, улар келган бўлди, лекин ора ҳеч исимади. Ўгай она эгиз тўққач, ота уйининг эшиги уч етимга тамом бекилди.

х х х

Ҳулкар кампир тўқсондан ошди, ҳамон қулоғи динг, жағи бутун, оёқ-қўли чаққон, суяги енгил эди. Ёлғиз ўглини ёнига ўтқизди:

– Темир эмас, пулат экансан, болам. Сендан минг-минг розиман, илоё камлик кўрмагин, дадангнинг арвоҳлари қўлласин. Одамлар ўзиникини удалолмай турганда, уч етимни уйли-жойли, болали қилдинг, тупроқ олсанг, олтин бўлсин. Худо хоҳласа кўрасан, ҳали куп яхши кунларни кўрасан. Аммо Парвардигордан сўрайманки, фарзанд доғини ҳеч-ҳеч кўрмагин. Бу кулфат менинг бошимга тушди, етти пуштингнинг бошига солмасин.

Момонинг қоқсуяк елкалари силкиनावерди, секин-секин айтиб йиғларди: «болам, болам, болагинам». У сал ўзига келди:

– Бу алам суягимда кетади, мана бу еримда кетади, – Ҳулкар хола чап куксига шапатилади. – Оғзимдан жоним чиқаридаям «Санам» деб уламан.

Сочлари оппоқ Темиржоннинг ҳам ҳам кўнгли бузилди. Орадаги эзгин сукунатга яна аламзада онанинг овози аралашди:

– Етим боққанга жаннатнинг етти эшиги очиқ экан, Темирвой. Боқдинг, кўрдинг, хўп хизматни қилдинг, миннатни билмадинг. Хўп, иккала сингиси бировнинг хасми экан, уй-жойини топиб кетди. Тош қаёққа боради энди? Битта боласи яқинда иккита бўлади, бошида ватани йўқ. Ота бўлмай ҳар бало бўлгур шу чоққача «болам» деб, қиё боқмади, эндиам боқмайди. Шурпешона Тош беватан-да, болам.

Темиржон мард эди, онасининг нима демоқчилигини билиб турарди.

– Ҳеч қаёққа бормайди! – деди у қатъий. – Менга ини туғиб бермовдингиз, осмондан тушгандай укали бўлдим. Қаёққа борарди? Шу ҳовли иккаламизники-да.

Кампир дик этиб ўрнидан туриб олди:

– Ўргилиб кетай.

Юраги мумдай эриган фарзанд она дуоси билан сархуш эди.

– Шу бугуноқ ҳовлини бўламиз, ўзингиз бош бўласиз...

х х х

Хафаланиб кириб келган зрига чой узатган аёл мингирлади:

– Ерни бекорга бермайди-да, хужайин, соддалигингиз ҳеч қолмади-я.

– Ҳе-е, – қўл силтади Темиржон.

– Анави қўчқорнинг иккаласиниям сотинг, оладиган балохўрни топинг, томогини ёглаб қўйинг эди, дарров «мана ер» дейди.

Икки йилдан бери ер ололмай хуноби ошиб юрган эр индамай чой хўпларкан, хотин яна тилига зўр борди:

– Хўп десангиз, бир гап айтаман.

– ...

– Тошмирза билан гаплашиб кўрмайсизми?

– Нимани гаплашаман?

– Ўзи тарафдан икки-уч сотих берса, ҳовлимизни иккига бўлардик. Сиз амалдорлар эшигида саргайиб

юрмасдингиз, мен катта келинингизнинг димог-фирогидан қутулардим.

– Эсинг жойидами, хотин? – чўрт кесди Темиржон.

– Ўзингизга отамерос ер-ку, углимиздай Тошмирза йўқ дермиди? Бир айтаверинг-чи.

– Ҳеч қачон! Бу гапни қайта оғзингга ола кўрма! Гапимдан қайтайми? Ундан кўра анави румолингни бошимга ўратиб қўймайсанми?

Энди аёлники тутиб қолди:

– Ҳамма айб ўзингизда. Оғзингиздаги ошни олдириб, мана энди дуппидай каталақда икки келин билан тиқилиб ўтирибсиз. Ўшанда озрогини бера қолмай, теппа-тенг бўлиб нима қилардингиз? У ёгидан келсангиз, Тошмирза шу топда пулингнинг ҳисобига етолмай ётибди. Оламан деса, биттамас, унта ҳовлига қодир. Яхши жиян бўлса, даладаги кошонасига кўчиб, бу ерни сизга ташласаям бўларди. Биттагина ўгли бор, нимасига етмайди?

– Ер-ер, дейсан, – насиҳат қилди Темиржон. – Бу жой отамдан, онамдан қолди, эртага сенданам, менданам қолади, онаси.

– Кимга қолади? Болагамас, жиянга қоладими?..

Аёлининг диёдиёси сабаб Темиржоннинг бошига бўлакчароқ фикр келиб қолди. Чиндан ҳам ҳовлини бўлса буларкан: иккала ўглига беш сотихдан тегади. Фақат дарвоза масаласи бошни жиндай қотиради. Манавини кунботарга кўчирса, бир қулоч жой очилади, Тошмирза ярим метр ер берса бўлди — катта ўглигаям эшик ўрнатади, олам гулистон...

Куча тараф очилди. Худди буюргандай тоғанинг дарвозаси олиниб, девор бузилгач, жияннинг деворидан ҳам икки-уч қарич йиқилиб кетди. Уста куча тарафга ип тортиб, ўлчаб чиқди.

– Ака, – деди у. – Тошвойникидан ярим қулоч қўшилса, олти метр бўларкан, деворларнинг ҳақидан ташқари беш метрдан ортиқроқ қолади. Ҳамма гап келинлардан чиқади, ака, униси катта, муниси кичик

деб, кейин ҳам бошингизни қотирмасин. Яхшиси, манавинингиз яп-янги экан, шартта сотинг-да, икки ярим метрликдан иккита янги дарвоза...

Шунинг устига вагондай ваҳимадор «Алка» келиб, шофёрнинг ёнидан Тошмирза тушди.

– Ҳа-а, тога?

Унинг «ҳорманг, ишлар илгари» дейишини кутган Темиржон устанинг олдида ўзини ноқулай ҳис қилди.

– Акам ақлли одамлар-да, ҳовлини бўламан деб хуб иш қилибдилар, – уста бор гапни Тошмирзага тушунтирган бўлди.

Йигит режа бўйлаб бир сидра юриб утди-да, ўзи тарафдаги темир қозиқни суғуриб осмонга улоқтирди, ип чувалди, чала пишган урик дув тўкилди.

– Тога, мендан сўрадингизми?

– Сўрардим, жиян, бир ҳафтадан буён йўқ эдинг, мана энди гаплашамиз-да.

– Хўп, сўраганингиздаям мен уни сизга берманми?

Темиржон ҳуши бор-йўқ қолга тушиб, устанинг эса оғзи очилиб қолди.

– Тошмирза, одамга бунақа муомала қилманг. Менку, майли, бу киши сизнинг отангиз, ука.

– Отам? – йигитнинг қошлари чимирилди. – Менинг ота-онам гўрда ётибди. Бу ерни бувимдан олганман, бошқа ҳеч кишининг ҳақи йўқ.

Кулфатдан баттар кўргуликни ошхонада кузатиб турган аёл индамай келиб, эрини ичкарига бошлади. Устанинг олдида етганда ўзини туюлмамай тилининг учидаги гапни айтиб юборди:

– Кўрдингизми, ука, одамнинг бетини ит емайди.

– Ҳо-ой, янга, – қўлини пахса қилди Тошмирза. – Эркакларнинг ишига аралашиб нима қиласиз?

– Уялинг, ука. Сизга сут бермаганман, холос. Жоң бермаганман, холос. Буни ҳамма билади. Ўз болаларимдан кам кўрганмидим сизни? Ўғлим дегандим, ука. Ҳай майли, мен янга эканман, тоғангизнинг ҳурматлари йўқми? Эркак-эркак дейсиз,

мана шу одаммасми сизни эркак қилиб элга қўшган? Ерингиз ўзингизга буюрсин. Тошмирзажон, илло-билло кераги йўқ...

Уша уни шомдан кейин Темиржонни духтирлар оп кетишди. Бир ой қимирламай ётди. Қирқ кун деганда юраги иккинчи марта ушлади. Тирикчиликдан маза қочди, бузилган дарвоза, йиқилган девор кузгача қолди. Бу уч йил бурунги гап эди.

Кореяга бораман деб юрган кичик ўғилга кузда хат келди. Ана иннайкейин, бозорга дўкон қурилди, келинбола тижоратга унади, «Дамас»га ёлланган шофер Худонинг берган куни пул олиб келади, «Тико»да катта ўғил куну тун кира қилади. Янги ҳовли олишган. Хориждан яна «салом» келиб турибди, банкда ой сайин «кўки»дан беришади.

Аmmo отанинг мазаси уша қочганича ўзига келмади. Духтир — табибнинг ҳаммасига олиб боришди, барибир касалманд. Бир ойдирки, астойдил ётиб қолган...

Маҳалланинг ҳашарига юз минг ҳадя қилган жиёнга тоғанинг ана шу ҳолидан сўз очишганди. Бироқ Тошмирза мажлисхонадан чиқиб, Темиржоннинг олдига кирдими-йўқми? Буни ҳеч ким билмайди.

### **Қарғиш билмас Қамбар чол**

Буйи салкам икки газ келадиган Қамбар бува ҳайбатининг аксича беҳад ҳалим бир инсон эди. Унинг «сен» деган сўзини биров эшитган эмас, ўз фарзандларини ҳам сизлаб гапиради. Ҳар қандай йиглоқи гўдак ҳам қариянинг қучогида юпана қолади, тўпигигача тушадиган оппоқ кўйлагининг кўжрак чўнтагидаги соатнинг кумуш занжирини уйнагани тушади. Қулогига Қамбар бува азон айтган чақалоқларнинг сони Худодан ўзгага маълум эмас.

— Аллоҳимнинг неъмاتي, жаннат боғининг райҳони кел, кела қол, — дея гўдакни бағрига босган чолнинг

кўзларига милтир-милтир ёш келади. – Дунё шу болага қолади, дуо шу боладан боради...

Аллоҳ бизга ҳам фарзанд берди, тўнғичимиз дунёга келди. Қундузой иккимиз буванинг ҳузурига кириб бордик. Ушанда «Гўрўгли»га муккасидан кетган кунларим бўлиб, Авазхон исми кўнглимга ўрнашиб қолган эди.

– Илоҳим Чамбилбелнинг ўша номдор баҳодиридан кам бўлмасин, – дуо қилди Мулла Қамбар Охун. – Биларсиз ҳамки, бу Рустами Достон, Гўрўглибек, Авазхон, Широқ — бари дини исломгача ўтганлар. Мусулмон фарзандининг исми ё Парвардигорнинг, ё жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг отларига монад, яъни китобий бўлгани дуруст. Унинг униб-ўсишига, умр-ризқига фойда-да, болам. Маъқулми?

– Маъқул.

– Унда Авазмуҳаммад қўйсақ...

– Сиз нима десангиз-шу.

– Омин отини мен бердим, ризқи билан ёшини Аллоҳ берсин...

Орадан йиллар ўтиб ана шу бикир жумлани, Қамбар ота тилидан қўймайдиган яна алақанча ҳикматларни «Қўрқут ота китоби»да кўрдим. Қаттиқ ҳайратландим. Ахир, бу китоб ўзбекчага ўтирилганида Қамбар бувам оламдан ўтиб бўлганди-да. Демак, ойнаванд токчалардаги саноқсиз китоблар орасида «Қўрқут ота» ҳам бўлган, аммо қайси тилда?..

– Вой болам-ей, беш яшарида савод чиқарган буванг ҳалигача китоб деса ўзини томдан ташлайди-да, – деди бир гал Мастон момо. – Мардикорликдан қайтаридаям китоб тўла қоп орқалаб келса-я. Бирортасига ўзидан бўлак одамнинг тиши ўтса-чи. Китоб ўқиганни гуноҳкор қилган замонни ўшанда кўрдим. Мулла Ҳалилни билмайсан, болам, Худо раҳмат қилсин. Қамбар бувангдан уч кунлик кичкина эди, мактабдаям, мадрасадаям бирга ўқиган. Бир кун илгари Ҳалилжонни қамашди. Буванг йиглаб келди,

китобларини кучага тўплаб ёндиришибди. Мениям ичим ҳеч ёришмайди, кунглим ёмон нарсадан дарак бериб турарди.

– Болам, кета қолгин, – дедим.

– Қаёққа? – дейди.

Борадиган жойлари кўп эди. Қашқарда Камар бойвачча, Афгонда Мулла Маҳмуд, Мадинага кетсаям бўларди, тоғаваччам Мамадалихон бор эдилар.

– Мулла Ҳалилни қамаб, сени омон қўйишмас, – дедим йиглаб.

– Сиз-чи? Сизни ташлаб қаёққа бораман? Эринг қани деб, келинингизнинг қўлига кишан урсинларми? Мени мана шу тупроқда туққансиз, нима бўлсам шу ерда, ёнингизда бўламан, – деди.

Эртага арафа деган кун эди. Менга деган маҳсининг игнадан чиққан бир пойини кечқурун қолиплаб қўйганди. Туни билан китобларини алақайга ташибди, ухлагани йўқ. Ҳалиги маҳсининг иккинчисини қолипга тортиб бўлганда кириб келишди...

Мастон бувининг елкалари силжина бошлади, тўлиб-тўлиб йиглайверди:

– Момом унчага кирди, мунчага кирди, деб ўйласизлар-да, болаларим. Мен худди ўша куни улганман. Кўзимни қаратиб туриб қўлларига кишан уришди. Ахир, нина-бигиздан, қалам-қоғоздан бошқа нарса ушлаганмас-а! Баъзи бир чаламуллаларга ўхшаб Аллоҳнинг каломини пулга сотмаган, нима топса, косибчиликдан ҳалол топган. Қамбаралим — тегирмон тош, ўшандаям «миқ» этмади, «Алҳамдулиллоҳ» деди. Аммо оғзига қора латта тиқишганда, юрагим ўртаниб кетди. Жон болам, уша оғиз етти яшаридан Каломуллоҳ ўқиган, ахир! Локигин Қамбархон мард бўлганда, мен номард бўлмадим. Золимларни кўз ёшимга зор қилдим. Тепамда ҳақни ноҳақ қилмайдиган эгам турганда, бандасига йиглайинми? Келиним дод солди, «раҳм қилинглар» деди. Қайтардим:

– Жон болам, эсингиз борми, дедим, кимсан Мулла Қамбар Охунни хотинисиз-а, Худодан қўймасин, ялинманг буларга, – дедим.

Уша кетганича ун икки йил деганда юз кўришдик, икки ўглини уйлаб, уч қизини чиқардим. Кенжаси Турғунбой ун тўрт ёш бўлганда кириб келди...

х х х

Мулла Қамбар Охун Наманганнинг Кўприкбоши-сидаги авахтаҳонада олти ой ётди.

– Бу нима? – зугум қилди бир кўзини боғлаб олган терговчи.

– Китоб.

– Кимни китоби?

– Меники.

– Ким ёзган деяпман? – У кишанни силтаб тортди, шилинган билаклардан қон томчилади.

– Астағфируллоҳ, – дейди Мулла Қамбар ўтли хўрсиниб. – Жулқунбой ёзганлар.

– Яъни Абдулла Қодирий. Сен эса ўшани қўлидан олгансан, шундайми?..

Бу гап тўғри эди. Ўттизинчи ё ўттиз биринчи йили Камар бойвачча билан Тошкентга тушдилар. Исми Исҳоқ ҳожи бўлган бойваччанинг шаҳарда ҳам оиласи, Сассиққовуз деган жойда ҳовлиси бор эди. Бир оқшом тошкентлик қайнота Камар бойвачча ва Мулла Қамбарни Жулқунбойникига бошлади. Бойвачча китобга хуши йуқ одам. Аммо Қамбаралига Худо берди. Отабек ва Кумуш қиссасини ёзган улуг инсоннинг хокисорлиги Мулла Қамбарни шундай таажжубга солдики...

– Шермат кўр билан қаерда танишгансан? – қийқирди бир кўзли терговчи.

Шермуҳаммад билан танишлиги ҳам рост. Аммо у ҳали қўрбоши бўлмаган, «босмачи» деган гаплар чиқмаган замонларда эди. Муҳиддин Шоҳимардонов Чортоқда «Қўшчи»га раис бўлган йиллари Акмал Икромов билан ҳам кўришган. Унда Мулла Ҳошим Мучумдаги жамоага раис эди. Булар ҳаммаси тўғри, бироқ Мулла Қамбар Муҳаммад Аминбек билан Бойтуман ҳожининг, Холхужа қўрбошининг номини эшитган холос. Амири Бухоро Саид Олимхон Афғон

сафари олдида ноиб қилиб Иброҳимбекни Кулобдами, Шерободдами қолдирганини ҳам биларди. Анвар Пошшонинг номи ҳам қулоғига тушган. Улар нима қилган, нима қўйган – Мулла Қамбарга қоронгу.

– Ҳалидан хабарим бор, бу одамларнинг номайи аъмолидан хабарим йўқ, – чин сўзлади у.

– Сен ошиқма, – вишиллади терговчи. – Ҳалининг хабари осонгина келиб, мендан қутулиб бўлсан!

Каталақдай бадбўй камерада кундузлари жиндай тинчлик бор. Аммо тунда...

... Хуфтон ўқиётган «халқ душмани» қараб ҳам қўймади, «сўқир»нинг қаҳри қаттиқ келди. Ҳозиргина очилган эшик ваҳима солиб гумбурлади, терговчи алам билан чиқиб кетди. Зум ўтмай жаллод кириб келди. Бир парчагина оқ латгадан иборат жойнамоз қонга беланди. Темир қўллар бурнини бетонга ишқаб, хумордан чиққач, азот кўтариб ўзига қаратди ва бор кучи билан чотига тепди...

Бир кўзли терговчи эртаси куни ҳам атай хуфтон чоғи «ташриф буюрди». Мулла Қамбарнинг юраги титради, аммо намозини бузмади.

– Аблаҳ-ей, – сўкинди у. – Ақлинг кирмадими?

Тагин «ақлини киритиш» бошланди. Ўзи тенги девдай йигит анча «меҳнат қилди»... Эртасига, индинига, бириси куни хуфтон чоғи шу аҳвол. Мулла Қамбар ахийри бомдодга қўзғалолмай қолди, пешин ҳам қазо бўлди. «Ҳеч бўлмаса бир маҳал» дея хуфтонга ўзини чоғлаб кўрди. Бироқ туриб азон айтишга мажоли етмади, ўтирган кўйи ибодат бошлади.

Калитлар шиқирлади, қўшқават эшик гумбурлади, тарақлаб кимдир кирди. Шўппайиб турди-турди, шаҳд билан изига қайтар экан, қичқирди:

– Сволочь, фанат, бугун ана шу жойнамозингда тамом қиламан сени!

Мулла Қамбар ўзини улимга чоғлади, негаки, энди бошқа муштта ортиқ чидай олмасди. У ҳозиргина ёпилган ваҳшат остонаси ортида кушандаси пойлаб турганини, лаҳза ўтмай кириб келишини биларди. Пулат эшик

гийиллаганда у тақдирига тан бериб бўлган, ўлимга тайёр эди. Камеранинг бурчагида қаққайган «Азроил» эса жонини олишга шошмасди. Мулла Қамбар юзига фотиҳа тортиб, «меҳмон»га салом қилди:

– Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ.

– Ваалайкум ассалом, – алик олди у .

Жаллоднинг ҳам юзига фотиҳа тортганига кўзи тушган маҳкум бу жавобдан тамом таажжубда қолди. Ер остидан зиндонбонга разм солди: қовоқлари салқиган, кўзлари қизарган. У сукут сақлайвергач, Мулла Қамбар «далда берди»:

– Бошламайсизми, начальник?

Зиндонбон ерга қаради, синиқ овозда тилга кирди:

– Худодан гуноҳларимни сўранг, тақсир.

Мулла Қамбар ҳилвираб қолган вужудигаги жон олгувчи оғриқларини унутди, уларнинг ўрнини таърифлаб бўлмайдиган роҳат эгаллаб олди.

– Аллоҳ кечирувчидир, – дер экан иккала кўзи жиққа ёшга тўлган раҳмсиз ғарибига юраги ачишди. – Сизга нима бўлди, биродар, мазангиз қочдимиз?

– Менга раҳмингиз келсин, – астойдил йиғлашга тушди қуввати ганд берган муштумзўр. – Кечалари бир лаҳза ором йўқ, кун бўйи қарахтман. Анави лаънати келганда ўрнингиздан туриб кутиб олинг. Сиз Худони суйган бандаси, менга шафқат қилинг.

Шу топда кишанбанд Мулла Қамбарнинг руҳ қуши тоғ бургутидай озод ва қудратли, ҳумо мисоли бахтли, давлатли эди. У голибларга хос ўктамлик билан неча кундан бери жонини олиб, энди оёқлари остига тупроқ бўлиб тукилаётган кимсага самимий жилмайди:

– Хўп, у кишини ўрнимдан туриб кутиб оламан...

Сибирь — поёни йўқ қабристон эди. Лак-лак ўзбекнинг хоки уша ёқда қолди. Қанчасини Мулла Қамбар ўз қули билан тупроққа қўйди. Ўзининг эса умрида бор экан: кўз-кўзга тушди, онаси, оиласи омон, қўша-қўша келин-куёвлар, набиралар кутиб олишди. Мусофиротда ўлиб кетмаганига, қабри музлаган

урмонзорларда қолмаганига, соғ-саломат келганига шукур қилди. Иккинчими, учинчими куни эрталабда кириб келаётган меҳмонни дарҳол таниди ва кўзлари катта-катта очилди.

– Оламан десангиз, бошимни берай деб келдим, – арз қилди меҳмон укинч билан.

– Ҳай-ҳай, унақа деманг, – кулиб қучоқ очди Мулла Қамбар. – Мен сизга жаллод бўлдимми?

– Мундоқ юзиқоралиқдан сизни Худойимнинг ўзи паноҳида сақласин. Мана мен эдим-ку ўша жаллод.

– Ҳар кимнинг насибаси бир ҳунардан-да, сизга Худо ўша ишни буюргач...

– Йўқ, – кескин эътироз билдирди меҳмон. – Худонинг буйругини қилмаганимни кейин англадим. Сизни қийноққа солганимга ўн икки йил бўлдими?

Мулла Қамбар бош ирғади.

– Ўн икки йилдан буён қабристонда гурковман, охун ака.

– Анави вазифангиздан...

– О-о, уердан осонликча бўшатишарканми? – меҳмон ун қулини кутарди. – Манави икки бармоқни жодида шартта қирқиб ташладим, иннайкейин хизматларига яроқсиз бўлиб қолдимки, жавоб беришди-да.

– Бу ишингиз чакки бўпти, – бош чайқади мезбон. – Ахир бу қул-оёқ, бош — ҳаммаси сиз билан менда Худонинг омонати, холос.

– Бошқа илож йўқ эди-да, мени кўзим сизни кўрганда очилди. Мана қаранг, жароҳатим битган, аммо жоним ҳамон қийноқда. Бу қул қанчаларга азоб берган эди... Сизни кўрмай қоламанми деб кўрқардим, тушларимга кириб чиқардингиз. Кептилар деб эшитдим у чопа қолдим.

– Жуда яхши қилгансиз-да, – суюнди бу гаплардан яйраган Мулла Қамбар.

– Сиз у ёқларга кетдингиз, – давом этди меҳмон. – Мен уйингизни топиб келдим. Мастон момом мени жуда яхши биладилар. Мулла Қамбар билан дуст тутинганмиз дедим...

«Дўсти»нинг ўкинч тўла кўзларига қараган Қамбарали ўрнидан туриб қучоқ очди:

– Дўстиммас, иним бўлинг.

Мастон момонинг оғзидан бол томди:

– Дўст деган шундай бўлсин-да, илоҳим мингга кирсинлар, доим биздан хабар олиб турдилар. Қадамларига ҳасанот...

Сўнг кампиршо икковга нон тишлатди ва дуо қилди:

– Машойихлардан гап борки, тутинган туғишгандан аъло, Худо икковингиздан ўлимни узоқ қилсин, тиригингизда жудо бўлманглар.

Тутинган биродарлар узоқ йил борди-келди қилишди. Мулла Қамбар Охуннинг қамоқхонада орттирган «дўсти» Тошкентда ер қимирлаган йили қаза қилди.

х х х

Қишлоқнинг фариштасига айланган Қамбар буванинг онаси ўзидан ҳам ажойиб. У ёруғ дунёда Мулла Қамбарни «сен» дея оладиган ягона инсон. Кампиршонинг ўз иқрорича, туғилганидан буён ўн мучал ўтган. Анча йил бурун тақвосидан путур кетди, яъни пешинда асрга ният қилиб, хуфтонда шомни ўқиворадиган одат чиқарди. Ўглига йиглади:

– Юз йиллик ибодатим бугунги гуноҳларимга каффорат бўлади энди. Китобларда мени бадбахтлигимдан ҳеч сўз борми, Қамбархон?

– Ўқийверинг, дил эътибор, – тасалли берди бува. Яшайверганидан бир ҳовучгина бўлиб қолган она пешонасига шапатилайди:

– Намозга ярамайдиган бўлгунчаям ўлмайманми-я! Оёгимни гўр тортгандан бағига неварам тенгилардан қанчаси кўклаб чиқди, ахир. Менгинага улим йўқ, умр деганиям ўн мучал бўладими, а? – Бу гапларни эшитиб турган мулла Қамбар кўзларини катта-катта очиб, бош чайқайди, момо тилини тишлаб истиффор айтади. – Астағфируллоҳ, берган умр-ризқингга ҳазорон шукур,

астағфируллоҳ. Гуноҳкор бандангман, ўзинг кечир, ўзинг кечир...

«Қиш ўлдирма, ёз ўлдир, оч ўлдирма, туқ ўлдир» деб тилайдиган кампиршо бир куни қўчқор сўйдирди, бугун бир тўйнинг бозор-ўчарини қилдирди. Қозонларда шурва қайнади, палов дамланди. Сон минг одамни тўплаган момо буюрди:

– Қани, йиғланг.

– Вой нега? – чувиллашди оқсоч – қорасоч неварачеваралар.

– Мاستон кампир хубам яшади, энди ўлди-кетди. Қани бўл ҳамманг, энг яхши йиғлаганга сарполарим бор.

Ёш-яланг қиқирлади. «Ош берди»нинг маъносини яхши билган келини бошлади:

– Суянган тоғим қулаб, ман қолдим тоғ остида. Тогдан баланд тоғим онам, ҳаргиз сўлим боғим онам, онам-мо онам...

Бошқалар унга эргашдилар, қий-чув, дод-фарёд авжига чиқди. Энамлаганларнинг сон-саноғи йўқ. Сўрининг тўрида хотиржам чой ичаётган «марҳума» ҳассакашлардан бирини «балли болам, сендан айланай» деб мақтаса, бошқасини тергаб қўяди: «Ҳа, тиригимда арпангни хом ўрувдимми, кўзларинг қуп-қуруқ».

– Во-ой, буви ҳали ўлганингиз йўғу, — лабини буради неварасига невара бўлмиш жувон. – Ўлганингизда кўрасиз қанақа йиғлашимни. Иннайкейин, дийдам қаттиқроқ...

«Сен зумрашани кўз ёшинггаям зор бўлдимми-я», деган Мاستон момонинг ори келади. Ичида «сенларга бир кўрсатиб қўяй» деб, юз йил бурун қазо қилган волидасига аза очади».

– *Олмани шохи ларзон, вой онам,*

*Одамни жони арзон, вой онам,*

*Қаро ерда ётган онам, вой онам,*

*Ёнига тош ботган, вой онам.*

Алқисса, «азадорлар» қора қўчқорнинг гўштини еб битиришди. «Тарқалмаларинг» деб амр қилган момо

ҳаммани «жонбозлиги»га яраша тақдирлашга киришди. Юз йиллик бисот-бағалини тамом улашиб, бушаган сандиқларгача унга-мунга топширди. Гилам, кўрпача, эски-янги либослардан сўнг гал идиш-оёқларга етди... Хуллас, момонинг ўз таъбирича, бандаси билан ҳисоб-китоби битди, Аллоҳнинг омонати қолди, холос. Ва дедики:

– Болаларим, мана мендан қутулдиларинг, маъракам ўтди. Кун-сувим тугаб, кўзим юмилгудай бўлса, тўй қилинглар. Токи, эл-юрт Мастон момо бир юз йигирма йил яшаб, ҳаммани зор йиғлатиб кетди демасин.

... «Маърака»нинг эртаси куни эди. Ҳовлида Мулла Қамбар бувадан бўлак ҳеч ким йўқ, кампири неварасиникига кетган. Дераза беҳол тиқирлади. Сўрида китоб варақлаётган Қамбар бува бошини кўтарди, ойна ортидан онаси имлагандай бўлди.

– Келинг, Охун, – ёнидан жой кўрсатди қария. Қамбар чолнинг эти жимирлади:

– Нега сизлайсиз, ойи?

– Шунча йил тузингизни ичибман, шунча йил сиздай улугни «сен» деб гуноҳга ботибман, етар! Ҳамма соянгизга кўрпача солганда, Мастон кампир «сиз» дейишгаям ярамасинми? Ўғлим эдингиз, отам бўлдингиз. Менга, Худо раҳмат қилгур отангизга нима қилган бўлсангиз, ўзингизга қайтди, иншооллоҳ, яна қайтади, онам деб, болам деб чеккан меҳнат-машаққатларингиз, ганимлар бошингизга солган кўргуликлар у дунёда роҳат бўлсин, мулла болам, – онанинг нурсиз кўзларига ёш пардаси тортилди.

– Илмингиз ҳурмати Парвардигор етти пуштингизни гуноҳидан ўтиб, етти пуштингизга ҳидоят берсин. Бир парча эт эдингиз, мана қаритдим, мендан рози бўлинг энди. Ёруғ дунёга келиб сизни топдим, умримдаги биттаю битта гавҳарим эдингиз, мингтага татидингиз. Мен сиздан минг-минг розиман, ҳаммаларига айтинг, онам сизлардан рози бўлиб кўз юмди денг.

Қамбар буванинг танида титроқ турди, ичи бум-бўш бўлиб қолди. Беихтиёр чой қуйиб тутди.

– Алҳамдулиллоҳ, – тамшанди кампир. – Худога шукур, ўзингиздан буюрди. Биласиз-а, олти калимани ўзим ўргатгандим. Бир бошдан ўқинг, охири «Ёсин»га утинг...

Мулла Қамбар Охун ҳаётининг энг оғир кулфатига ўзини чоғлади. Орада ўкраб-ўкраб олса-да, калима ўгиришдан тўхтамади. Юраги ҳам соқолидаги томчилардай тўкилиб, сочилиб борарди. Мастон момо дунёга тўймаган кўзлари билан ўглига боқар экан, гайритабиий овозда деди:

– Йиғламанг, мулло болам, кеча нима дедим? Хул яшадим, энди алvido, бир огиз розиман денг.

Қиблага юзланиб, Малакулмавтнинг йўлига кўз тиккан волидаси Қамбар буванинг биргина шу сузига илҳақ эди. Ўғилнинг оппоқ соқоллари тебранди, чўнг елкалар илож топмай силкиनावердилар. У совий бошлаган қўлларга юзини босди, боядан бери нафас олдирмаётган кулфат луқмасини базур ютди:

– Оқ сутингизга Сиз рози бўлинг, онажон. Мен нега рози бўлмайин, Худо шоҳид, минг-минг розиман! Ахир Сиз...

Мастон момонинг огзи очиди: «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ». Бир юз йигирма йиллик кўзлар юмилди... Бобоқуёш Ойқироннинг адирларига бош қўяр маҳал Қоравулота хобхонасида намхуш тупроқ дуппайди...

Ушанда бир газ пастлаган қишлоқ кучалари Қамбар бува қазо қилган куни терак бўйи чўккандир...

Рамазоннинг йигирма еттиси бўлиб, кунига жума эди. Саҳарлиқдан сўнг бува уйнинг тўрига жойнамоз ёзди. Бомдод олдидан «Ассалому алайкум, болаларим», дейиши ҳам галати бўлди. «Ва алайкум», дейишди чала йиғиштирилган дастурхон теварагидагилар таажжуб ичида. Кампири эса ниҳоятда бесаранжом бўлиб, аланглаб қолди, ақли шошди. Аммо то у эсини йиғиб олгунча... Мулла Қамбар Охун сўнгги саждадан бош кўтармади. Раҳматли икки кам юз йил умр кўрибди.

Ёз чилласи, иссиқ заптига олган пайт бўлса-да, уша куни ниҳоятда салқин бўлди, соат унларга борганда ёмғир томчилаб ўтди.

– Тобутга ўзим бораман, – деди Уста Раҳим ёшларни йўлдан қайтариб, аммо у келтирган «чўбин от»нинг яп-янгилиги ҳаммани ҳайратга солди.

– Қамбар бувамга фақат умр тилаганман, – изоҳ берди у. – Аммо барибир улим ҳақ-ку. Башарти бувамга мендан буюриб қолса деб...

Оппоқ «Тико»нинг издиҳомни назар-писанд қилмай дарвозахонагача келаверишига қараб, у гапини тута-толмади ҳам. Лекин ҳайдовчи боланинг кўмагида орқа эшиқдан тушган оқ ёпинчиқли аёлнинг фарёди одамларни ҳовуридан туширди.

– Зубайда экан-да, – деди кимдир.

Зубайда янга Қамбар буванинг кенжаси Тургунбой аканинг кўз очиб кўргани. У келин бўлиб тушганда мен ун икки ёшларда эдим. Янга бир йил ҳам турмуш қилмай кетиб қолди. Уч қатла бош эгиб борган мўйсафиднинг ори келди. Ахир кимсан Мулла Қамбар Охун-а! Элчи бўлиб минг эшикка кирса, бировидан қуруқ қайтмаган, қиз хонзода бўлсинки, қулбаччага бошини боғлаган одам-а! Келиб-келиб ўзининг келинига хор бўладими?!

Бириси куни хабар келдики, Зубайда янга қизли бўпти. Қамбар бува бозордан у-бу олди, кампирига суюнчи узатди:

– Битта қизимиз иккита бўпти, отин, – деди у насиҳатомуз. – Қарс икки қўлдан, биздан ҳам ўтгандир. Нима бўлгандаям кечиринг, сиздан, мендан қолмасин. Бориб неварани қуллуқланг, отам келсин деса, бошим билан юриб бораман.

Йўқ, Қамбар буванинг эмас, Аллоҳнинг айтгани бўлди. Зубайда янга оёқ тираб туриб олди. Ойлар ўтди, йил ўтди. Ёшгина Зубайдага, тирик етим бўлаётган неварасига юраги ачишган Қамбар бува янги келин туширди. Эри уйланганининг иккинчи йили Зубайданинг кўзлари кўрмай қолди. Югуриб-елган қудалар ҳар кўчага кириб чиқишди. Аммо...

Ёзнинг иссиқ бир кунда буйни қисилган қудалар, кириб келишаверди. Бир қўйни судраб олишибди, орқада Моҳирани етаклаган Зубайда. Қамбар Охун тез қўзғалиб пешвоз чиқди, Моҳира бўйнига осилди.

– Дада, – деди Зубайда гам куйдирган овозда ва ўзини ерга ташлаб қайнотасининг оёқларини улаверди. – Сиздай отага қиз бўлолмаган мен бадбахтни кечиринг, ё ўлдириб савобимга қолинг.

Тўлиқиб кетган Қамбар бува Зубайданинг елкаларидан ушлаб ўрнидан тургизди, бошини силади. Оппоқ лунгини кўзларига суриб деди:

– Унақа деманг, болам. Сиз ўлиб, мен ўлиб, ер тўярканми? Умрингиз узун бўлсин, манави қизимнинг орзу-ҳавасини биргаллашиб кўрайлик.

Кундош — Тургунбой аканинг аёли солган кўрпачага ўтиришгач, бува узундан-узоқ дуо қилди. Зубайда янга яна ҳиқиллади:

– Мен бахтиқарони кечиринг, ота.

– Сиздан ҳеч-ҳеч норозимасман. Тақдир шу бўлгач, сизда, менда не ихтиёр? Чангалзордаги бор жонзотга ваҳима солган арслонга сайёднинг бир қарич ўқи кифоя. Энди ўша овчиниям жимитдай чаённинг бир қатра заҳри адо қилишига нима дейсиз? Магарам, анави қўй гўштхўр махлуқ бўлганда бўридан фарқи йўқ эди-да. Дунёнинг ишларини кўринг: инсон ўлмаса, қабр туғиладими? Мана шуларнинг ҳаммаси тақдир китобида ёзиб қўйилган. Битта қизим эдингиз, энди яна бир қизимга она бўлдингиз. Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ, Аллоҳнинг тақдирига сабр лозим, болам.

Ўша кун Зубайданинг отаси ўзи етаклаб келган қўчқорни сўйиб маҳаллага едирди, хонадоннинг, қўшнилариинг катта-кичигига узр-маъзур айтди.

– Ожиза қизингизни дуо қилинг, Охун ака, – деди у кетар чоғи йиғлаб...

Мулла Қамбар Охуннинг таъзиясига тўпланганлар ана шу гапларни эслашди.

– Ёшгина жувон-а, – кимдир ачинди.

– Қамбар бувамни норози қилиб кетган, қилмишига яраша-да, – деди бошқа биров. – Қарғиш урганга дуо тегармиди?

Аммо бу гап кўпчиликка ёқмади, биттаси астойдил хафаланди:

– Қамбар бувамни билмасангиз гапирманг, биродар. Турмада қийноққа солган душмани билан ини тутинган одам ҳеч замонда келинини қаргайдими? Худо раҳмат қилсин, деб гапиринг, Қамбар бувам қарғиш нималигини билмаганлар. Бунақа инсон дунёга бошқа келмайди энди...

Мен ўз отамдан айрилгандай эдим: азахонада қолгим ҳам бор эди, аммо одам кўплигидан менга жой етишмади. Қамбар бувани ўйлайвериб уйқум қочди. Чиндан ҳам у киши бир келди, бир кетди. Донишмандликни кўринг:

– Ўқишдан аввал бир ҳовуч майиз еб олинг, – деганди бир гал китоб излаб чиққанымда. – Яхшироқ тушунасиз, каллангизда узоқ сақланади.

Қария вафотидан олдинроқ яна бир яхши гап айтди:

– Ибн Сино, Беруний, Саъдийдақа ҳазратлар кўзойнак тақишмаган. Нега десангиз, муттасил Қуръони Каримни ўқишган, кўз нури нури илоҳийдан қувват олган-да, у замоннинг қоғозлари оппоқ эмасди, шундаям иш бор...

Тонгга яқин кўзим бир оз илинди. Тушимга Қамбар бува кирибди. Бирданига икки қизли бўлганмишман. Буванинг қўллари дуога очилган:

– Фотимаю Заҳро деб отини мен бердим, ризқи билан ёшини Аллоҳ берсин. Уй таянчи бўлган яхши хотин Ойша онамизнинг, Биби Фотиманинг авлодидандир. Ҳўзгорларга шундай аёллар буюрсин, шундай аёлнинг болалари кўпайсин.

Қаёқдандир Зубайда янга пайдо бўлиб қолармиш, шаҳло кўзлари чарақлаб турибди.

– Мени қарғамаганмидингиз, ота? – дермиш у ерга боқиб.

Қамбар бува унинг пешонасини силайди:

– Үз боламни нега қаргайин? Ҳар қизки тунда йиглабди, иншооллоҳ, тонгта етади. Ахир бандалари учун Қуёшни яратган Эгам униям унутмаган. Уша Қуёшда сизнинг ҳам ҳаққингиз бор, Зубайда қизим.

### Нажот куни

Кўзлари жиққа ёш аёл эрини четга тортиб шивирлади:

– Ҳглингиз ўлмагур яшамайман деяпти.

Ун фарзанди тиниб-тинчиб, уч кун бурун ўн биринчи бор элга ош берган Тоживой ака ташвишда қолди. Бетини сидирган ота ранги синиққан куёвга рўпара келди.

– Мени йигит бўлсин, боши эгилмасин деб боққанмисиз, ахир? Йўқ десангиз...

Бир дунё койишни тилига чоғлаган Тоживой ака бу гапдан сўнг оғиз очолмади. Уят — ўлимдан қаттиқ: қирқ бир кун деганда онаси ўлмаган келин туширди, ўғилнинг эгилган боши тикланди. Аммо битта тўйга ҳозирланиб, қўшалогининг устидан чиққан ота гарданига анчагина «лимон»ни илиб олди...

– Эй Парвардигор, ҳалол молим наҳсга совурилади, ўзинг нажот бер.

Хуфтон чоғи Худога нола қиларкан, тўлиб-тошган Тоживой ака шундай йигладики, уйнинг бурчидаги аёли ҳам ўзини тўхтатолмади. Дардинг бўлса бўлсин дебилар, ахир, ҳазил гапми? Дунёси қоронғи қария ҳамма қатори телевизорга термидди: «Оталар сўзи», қарз ҳақида экан. Ундан сўнг бир фермер йигит чиқиб сайраб кетди:

– «Болтавой ҳожи» дейишимизнинг сабаби отамиз Болтавой Умаров...

Телевизорда кетмон кўтарган оқ ятакли одам пайдо бўлгач, Тоживой ака қийқириб юборди:

– Болтавой дўстим, Болтавой-ку...

Ҳамма ҳайрон, кампири чўчиб тушди:

– Нима деяпсиз, дадаси?

– Адресини, адресини ёзиб олинглар.

Оёқ-қўли чаққонгина янги келин қалам-қогоз олди.

– Икки-уч кунда келаман, – эълон қилди тонг саҳарда Тоживой ака...

Автобус Қорасойга кириб борганда вақт шомга яқинлашиб қолганди. Кун бўйи йўл босиб толиққан Тоживой ака чойхонада ўтирган уч-тўрт мўйсафидга салом бериб, Болтавой ҳожини суриштирди.

– Ана, гулдор дарвоза, – деди улардан бири.

Бу бораверди, ичкаридан ёши ўтганроқ оқ яқтак киши оқсоқланиб чиқиб келди. Кафтини соябон қилиб илқис қаради-да, тўхтаб қолди:

– Ё Аллоҳ, Тоживоймисиз?..

Ўз ҳолидан, шу топдаги дийдорлашувдан мутаассир меҳмоннинг кўзларидан ёш қуйилди, мезбоннинг ҳам елкалари силқинди.

– Қирқ йил-а, жон дўстим, – дерди Болтавой ҳожи яқкаш.

Гузардагилар қизиқсиниб етиб келишди.

– Қирқ йиллик қадрдоним, – дея таништирди Болтавой ҳожи. – Намангандан, ҳарбийда битта майизни бўлиб еганмиз.

Ҳожи яна қучоғини очди:

– Қадамларингизга ҳасанот, омонмисиз, ошна, уй ичи, эшик-эл?.. Хуш кепсиз. Қани, ҳамма бизникига.

Дарвозахонадаги қўшалок машинани айланиб ўтиб, меҳмонхона эшигига етганларида, мезбон «тўхтаг» ишорасини қилиб ҳайқирди:

– Онаси, ҳой онаси, бу ёққа қара! – Эллик беш-олтмиш ёшлардаги аёл зипиллаб етиб келди. – Пойандоз оп чиқ!

– Э-э, Болтавой...

– Йўқ-йўқ, – қўлини кўтарди ҳожи. – Сенга минг марта айтган дўстим Тоживой шу киши.

Бир зумда қайтиб чиққан аёл чамаси икки қулоч келадиган қизил хонатласни узатаркан, чин дилдан деди:

– Хуш кепсиз, бу кишини армонлари эдингиз. Худони ўзи етказди сизни.

Бир пиёла чой ичилди ё ичилмади: бир яшар бузоқдан чоғроқ қора қучқорнинг шохидан тутган йигитнинг ёнида Болтавой ҳожи кўринди:

– Мана шунга фотиҳа берасизлар.

– Ҳай-ҳай. Ҳожати йўқ. – Астойдил эътироз билдирди Тоживой ака.

Аммо ўзи билан борми-йўқ мезбоннинг қулогига гап кирадиган сиёҳи йўқ эди... Қўшнилар алламаҳалда қўзғалинди.

– Бола-чақалар омонми, ўзингиз тинчмисиз, ўтилқиздан тингандирсиз, неваралар кўпайишиб?... – саволни ёғдирарди Болтавой ҳожи. – Зап кепсиз-да. Хўп келдингиз-да.

– Худойимга шукур. Ўзингиз-чи? Қайдан топди десангиз...

– Телевизорни отасига раҳмат, – илиб кетди мезбон. – Эрталаб ўтиллар хабар қилдики, анув куни олган нарсасини бугун қўяркан. Ишонасизми, кўнглимдан ўтувди, дўстим кўрсалар эди деб ўйлагандим.

– Кўрдим, дарров танидим.

– Телевизорни отасига раҳмат, – такрорлади ҳожи. – «Оталар сўзи» қарз тўғрисида экан, униям кўрдингизми? Ичимдан зил кетдим, уша заҳоти келинингизгаям эслатдим. Ахир ушанда сиз булмасангиз...

Тоживой ака «қўйсангиз-чи» деди-ю, вужуди иссиқ-совуқ бўлиб олди. Орадан шунча вақт ўтган, далил-гувоҳ йўқ. У башарти кўнглида булса қирқ йил ичида қидириб топмасиди деб ўйлаганди ҳам.

– Бу бошдан не ишлар ўтмади дейсиз, – хўрсинди ҳожи. – Қирқ йил аввал сиз қалқон бўлиб турманинг эшигини тўсганингиз билан қамалиш пешонамда бор экан, бир эмас, икки марта-я!

Тоживой аканинг кўзлари катта-катта очилди, ёстиқни нари суриб ўтириб олди.

– Йўғ-эй...

– Ҳа, биродар, ун тўрт йил утириб чиқдим. Иккаламиз Тошкентда хайрлашгач, уйга келсам отам қаттиқ бетоб эканлар, мениям таниб-танимадилар. Эртаси куни қазо қилдилар. У кишини йили утмай онамданам айрилиб, уч укам билан сўққабош қолавердим. Амакиларимни маслаҳати билан аввал синглимни узатдик, отмиш тўртинчи йили 1 сентябрда бояги келинингизни тушириб келдик. Бечораниям пешонасида шўри бор экан... Фалакнинг гардиши билан дўкондор бўлиб қолсам денг. Мен энди уша узингиз билган одам: ростни рост деб қўйибман-да. Каттамиз билан орадан ёмон гап қочди: «Ҳап саними!» деб қўйган экан, бир оқшом тафтиш босди. Дўконни муҳраб, эрталабдан иш бошланадиган бўлди. Тонг қоронгисида чақир-чақир бўп қолди, машинага солиб дўконга юргизишди. Не кўз билан кўрайки, дўконим алангаси осмонга чиқиб ёниб ётибди... Дарвоқе, аллақанча ҳужжатларим, сиззи адресингиз бор эди — ҳаммаси ўшанда кўйиб кетган.

– Анавини кўринг, – луқма солди жон қулоғи билан тинглаётган меҳмон. – Мендаги адрес ҳам 76-йили 1 майдаги тошқинда йўқолган.

– Сизники сув балоси экан, – давом этди Болтавой хожи. – Хуллас, уни-буни сўраб-сўраб, қўлимга кишан уришди. Мен ҳам ўт балосига, ҳам туҳмат балосига гирифтор бўлдим. Камомадни яшириш учун ўзим ўт қўйган эмишман, гувоҳларниям топиб қўйишибди. «Ҳе» йўқ, «бе» йўқ, гарданимга етти йилни илиб кетавердим. У кунларни душманимгаям раво кўрмайман...

У ёқдан қайтгач, аёлим оёқ тиради, савдода ишламайсиз деб туриб олди. Далага чиқиб кетдим. Худойим ёруғ кунларини берди, экин-тикин баравж бўлди, мол-қўй қилдим, қўлим пул кўрди. Тўртинчи йили бригадир бўлиб қолдим. Кейин билсам, ўшанда яна балога тиқилган эканман...

Тоживой ака ҳасрат дафтарини ўқиётган дўстига ачиниб кетди. Ўзининг ҳаёти уникадан кўра анчайин

силлиқ эканини ҳис қилди. Кунглидан ўтказдики, шу топда бошига тушган кечаги гапларни айтиш ортиқча. Ранг кўр-қол сўр: Болтавойнинг кўргуликлари олдида...

– Эсингиздадир, ўн олтинчи пленум деган балойи азим бўлди, ҳамма ёқни алақаёқдан келган тил билмас бошлиқлар босиб кетди. Сибирнинг қайси қишлоғида ўсган бола райкомга кеп қолганди. Қама-қама бошланди, бир кечада мениям опкетишди. Раисга пора берганман, пахтани қўшиб ёзганман деб гувоҳлик беришим керак экан. Тепамда Худо турибди, бўлмаган ишни қанақасига бўлган дейман?

– Шундай қилсанг чиқариб юбораман, бўлмаса турмада чирийсан, – деди ўрис терговчи.

Бировга қандоғам туҳмат қиламан? Хўп, бу дунёда ўзимни аздаганим билан Аллоҳни олдида нима дейман? Мен кўрган азоблар...

Ҳожининг елкаси силкинди, овози титради:

– Манави оёқ ўшанда чулоқ бўлган. Ҳаммасиям майли, иккала оёғимни кесиб олсаям «гилинг» десам отамнинг ўгли бўлмайин. Келинингизни қўлига кишан солиб, Тоштурмада йигирма икки кун сақлашибди... Ахир, унда нима гуноҳ, айтинг-чи, ошна? Айби умр бўйи хизматимни қилганими, бола боққаними, тезак ёққаними, пахта терганими? – Ҳожи ёмон сўкинди, бақариб юборай деди. – Шунисига ҳеч-ҳеч чидолмайман. Манави ердаги олов дарё-дарё сув сепинг ўчмайди, – у тугмаларини ечиб кўксига шапатилади...

Орага эзгин сукунат чўқди, аламзада мезбон лунгисини кўзларига суриб давом этди:

– Саккиз йилга ҳукм қилиндим. 91-йил сентябрида Олма-Ота яқинидаги лагерда эдим. Биз гумроҳ бўлиб қолган эканмиз, Ўзбекистон Мустақил бўлди дегандан кейин энди қайси лагерда ётарканмиз деб ўйлабман. Мустақиллик туфайлигина бизгаям рўшнолик тегди, – Болтавой ҳожи чуқур тин олди. – Бошингизни оғритиб юбордим-а?

– Йўқ, йўқ, – эътироз қилди Тоживой ака. – Ахир кўриб турибмиз-ку, ўзбек энди ўзига бек

бўлди. Шу топда бизни уйдаям етти келин қамалиб, аёлим Фармонбиби бўп қоларди. Яхшиям халққа ер берилди.

– Ҳа-да, мана биззи утиллер фермер бўп кетди.

х х х

Кечаги қўшнилари нонуштага ҳам узун-қисқа бўлиб кириб келишди.

– Энди меҳмонни бизга берасиз, – деди маргилон дуппили мўсафид. – Тагимиз Маргилондан ахир, водийлик деган номимиз бор.

– Ўзимиздан ортса-да, – кулди ҳожи.

– Битта майизни қирқ бўлиб еган ўзбекмиз-а, ҳожим, унақа торлик қилманг. Бу киши бус-бутун одам-ку.

– Ейман десангиз ўзлари билан битишаверасиз, Жаъфарали ака, – оғаётган пайровни йиқитди Болтавой ака.

– Башарти сиз тўйган бўлсангиз-да, – фаргоначасига олди қария, ҳаммани қаҳ-қаҳ урдириб.

– Биз бир-биримизга асло тўймаймиз, аммо сизга бир савол бор, – деди уй эгаси жиддий тортиб.

– Қани?

– Олтмиш иккинчи йили минг сўмга нима берарди?

Жаъфарали ака ўйланиб қолди.

– Ўшанда бўлса керак, аниқ йили ёдимда йуқ, амакимнинг Тошлоқдаги олти сотихлик ҳовлиси тўққиз юз йигирмага савдо бўлган. Уч хона эски уйи бор эди.

– Ҳозир қанчаларга олади?

– Қайдам ўн миллионларга борар.

– Олтмиш тўртинчи йили чорвада ишлардим, – гапга қўшилди ўрта ёшлардаги киши. – Гўшт мажбурияти бажарилмасдан бозордан бешта катта буқани бир минг элик сўмга олиб топширганмиз. Шу топда ўшайам саккиз-ўн миллион туради-да.

– Ўзи нима гап, қўшни? – дея гап қотди ҳамсоялардан бири.

– Олтмиш иккинчи йили Тоживой иккаламиз Одессада аскарликда эдик, – дея кўп куттирмай жавоб қилди мезбон. – Бир куни шаҳар айлангани чиқдик. Бу ёғига кулмайсизлар, мен ҳам ёш бўлганман, шўхлигимиз ҳам бўлган. Бир матрос билан гижиллашиб қолдик, кейин тасира-тусур муштлаш бошланди, идиш-товоқ синди, милиция аралашди.

– Мени зараримни ким тўлайди? – дея милиционерларнинг йўлини тўсди рестораннинг каттаси.  
– Ахир ...

Ёнимдаги уч-тўрт сўм майда пул у муттаҳам айтган йигирма-ўттиз баробарлик даъвога урвоғам бўлмасди.

– Мен тўлайман, – деди Тоживой. – Фақат патруль чақирмай дўстимни қўйиб юборасиз.

Мудир милиционерларнинг каттасини четга тортди, анчагина шивирлашгач, қайтиб келиб деди:

– Мардликка-мардлик: пулни санагину тезда туёгингни шиқиллатларинг...

– Агар патруль аралашса борми? ... Дўстим Тоживой ана шунақа одам, – гурур билан меҳмон тарафга бош ирғади Болтавой ҳожи. – Мен эса ўша яхшиликни қирқ йилдаям қайтаролмаган бир нотавон.

Ҳамма жим қолди. Тоживой ака ҳам айтарга сўз излаб, дам дастурхонга, дам уйнинг гулдор шифтига боқарди.

– Яхшилик қилган эмас, яхшилик кўрган гапирсин деганлари шу бўлади, – сўзланди Жаъфарали ака.  
– Эслаган сизга раҳмат, излаган меҳмонга қуллуқ. Сиззиям бошингиздан не ишлар ўтмади, ҳожим...

– Энди бу ёққа юрасизлар, – дея Болтавой ҳожи дастурхондан турилгач ҳаммани оғилхонага бошлади.  
– Биласиз, бу моллар ўтиларники эмас, ўзимники-а?

– Ҳа, ҳа...

У икки буқа, бир сигир ва панжара ортидаги бир жуфт ҳисори қўчқорни кўрсатиб сўради:

– Чамангизда буларни ўша пулга оладими, Жаъфарали ака?

– Бемалол, – деди қария.

– Олади, олади, – қувватлашди кўпчилик.

– Булмаса, пулини сананглар, мен қиёмат қарзидан халос бўлайин.

Ҳеч кимдан садо чиқавермагач, яна Жаъфарали ака жўяли гап қилди:

– Аввало, бунча пул ҳеч кимни ёнида йўқ. Бу дейман меҳмонни бутун кузатасизми?

– Ҳеч-да! – бош чайқади ҳожи.

– Ундай бўлса, отанг — бозор, онанг — бозор. Эрта ўтиб, индинга якшанба. Бунақанги тани тоза молларни дарвозани олдидаёқ жаллоблар ўраб қолади. Унгача Тоживой билан бир-икки кун чойлашиб турамиз..

Шу топда Тоживой саҳрода тилмо топган ўтинчининг ҳолига тушиб қолди. Кечагина дарду дунёси қоронғу шўрлик бугунги мўъжизаларнинг ўнгида булаётганига ишонгиси ҳам келмасди. Отаси раҳматли «замондан волима, замон ҳам Аллоҳники» дегувчи эди. Қаранг, унинг бир кунда шунча фазилат, бандаси уни сидқидилдан сўраб олса, тутиб қолса бас!

### Берлиндаги нос дўқони

Ҳалим буванинг урушга боргани рост, Берлинда бўлгани ҳам ҳақиқат. Аммо ўз хотиралари билан сархуш бобой гапга тушиб қолса борми... Беғараз кулгига мазахўрак ёш-яланг у кўринди дегунча ўртага олишади.

– Бир куни «ё пирим» деб Берлинга кетиб турсам..

Ўспиринлар маънили кўз уриштириб, бир-бирини туртади: «бошланди».

– Рўпарамдан сон-саноксиз немис чиқиб қолди, автоматиям бор, замбараги, танкасиям бор, осмонда олақаргадай самолётини кўр. Наганимда битта ўқ қолган, уни ўзимга атаганман. Башарти қўлга оламан деса, шундай пешонамга тирайман, – чол ўнг қўлининг кўрсаткич бармогини чаккасига қадади. –

Паққа отаман-қуяман, қа-да, пленга тушадиган гүсхур борми?

– Кейин нима булди, бува?

– Кейинми? – бобой тили остига носвой ташлайди. – Мана шунақанги қовогим бор эди, ўзиям зигир ёгида пишитилган, ҳақиқдай қип-қизил. Ҳшани баланд кутариб, оғзидаги михчўпини сугурдим-да:

– Тухта, бадбахтлар! – деб ҳайқирдим.

Зангарларнинг юраги ёрилиб кетди, оёгимга йиқилиб, тавба-тазарру қилгани тушди. Кузига носдан сочиб-социб ташладим, биттасининг белига шунақанги тепдимки...

– Ҳалим бува, фронтдаям нос булганми, а ?

Чол савол берувчига тикилди:

– Э сенми, Шокарим? Аммо мен немисни белига тепганда, сен гапнинг белига тепдинг-да. Ёнингдаги йигитча ким булди? Танайроқ турибман.

– Бу киши мухбир, радиодан келган, сиздақа фронтвиклар билан суҳбатлашаман деб юрибди. Маҳалладан менга тайинлашувди.

– Шунақами? Кел, болам, бу ёққа утир, – Ҳалим бува меҳмонга ёнидан жой курсатди. – Исминг нима?

– Равшанбек, – дея ўзини таништирган мухбир микрофон тутди. – Урушда кўрганларингиздан айтиб беринг, бува.

– Уруш ёмон нарса, ўғлим. Уни Гитлер деган қизиталоқ бошлаган, одаммас, мўйлов ўстирган шайтон эди. Мана шу кўчанинг ўзидан ўн беш йигитнинг бошини еб кетди.

Магнитофон ишга тушди. Ҳалим буванинг бир гала немисни ёлғиз ўзи қўлга олгани, полковникни сазойи қилиб, эшакка тескари миндиргани лентага ёзилди. Жасоратлар қиссаси носқовоқни граната деб ўйлаган гестапочиларга етганда мухбир тоқатсизланди.

– Бирорта жанг эпизодини айта қолинг, ота, – ўтинди у.

– Иписотинг нимаси?

– Ўзингиз қатнашган аниқ бир воқеа.

– Э-э, унақанги воқеа сон мингта, мухбир болам. Варшавадами ё Киевдами битта ротасини саройга қамаб қўйдик. Баччагарлар бир қозонга шўрва солиб, бир қозонда ош дамлаб, бўзага бўкиб ётган экан. Пахса деворнинг рахнасига бешотаримни тираб, чаққон соллотларимдан биттасига буюрдим, шўрвага данақдай нашани ташлаб чиқди. Чиллайи зимистон дегин, болам, изғирин қулоқ-бурунни узиб кетай дейди. Белимгача қорга ботиб, ҳаромиларнинг ухлашини пойлаб ётибман, бадбахтларга нашаям кор қила қолмайди. Бир маҳал ўнг оёғим жаз-жаз қилади, қорни аққа-бақа суриб қарасам, билагимдай келадиган чипор илон. Болдиримга ўралиб сиқиб қопти. Шартта ханжаримни олиб, кесиб ташладим. Азбаройи жаҳлим келганидан улоқтирвордим, туппа-тўғри шўрва билқиллаётган қозонга бориб тушди. «Ана санларга колбаса» дедим ичимда...

Йигитчалар пиқир-пиқир кулишди, мухбир Шокаримга қаради, Шокарим мухбирга. Икков бобой билан хайр-хуш қилиб йўлга тушишаркан, Равшанбек ҳамроҳини туртди:

– Чиллайи зимистон бўлса, қор одамнинг белигача келса, бўгма илон қоладими, ака?

– Жони қаттиқроғидан бўлса керак-да, – ҳузурланиб кулди Шокарим.

– Бу ота урушга борганлар-а?

– Борган, борган, – бош силкиди Шокарим. – Хужжати етарли, кўриб турибсиз-ку, ёши тўқсондан ошган, қулоқ динг, жағ бутун, аммо гаплар ана шунақароқ. Сиз ҳали Берлиндаги носвой дўконига кетаётганда бўлган хангомаларни эшитмагансиз.

– Унақасиям борми?

– Ундан зўрлариям топилади, – кулди маҳалла фаоли. – Барибир, шуларнинг бориға шукур, бу одамлар ғанимат, ука...

## Кино

Муҳаммад Аюбхон Тошкентга келган ё Гагарин ракетада учган йиллари Чортоқнинг туйларида бўлганмисиз? Бўлмаганмисиз? Э-э, ундай бўлса дунёга келмабсиз.

Томошанинг зўри кун ботгач бошланарди. Ҳовлининг тўрига қора ҳошияли оппоқ экран осилади. Ахир кино қўйилмайдиган тўй тўй эканми? Башарти Ҳиндистонники бўлса, берди Худо, етмиш маҳалладан томошабин дарёдай оқиб келаверади. Ҳамма икки-учтадан рўмолча гамлаб оладики, Ҳиндистоннинг киноси йиғлатмай қўймайди-да ...

Ана, бўйи бир газдан мўдроқ ошиқ йигит сон-саноқсиз барзангини дўппослай кетади. Ҳар зарби бомбаниг гумбуридан зўр, бир мушти билан бир гала ганимнинг жони узилади. Ағёрлар тутқуни бўлмиш маҳбубасининг зебо чехрасида лахта-лахта қон. Азроилдай жонига қасл қилаётган кушандалардан зигирча қурқмайди ва ҳаёт қўшигини куйлайверади, қаёқдадир машшоқлар мусиқа чалиб беришади.

Тўйхонага тўпланган бола-бақра, йигит-қизлар гаддор дунёнинг ҳиндистонлик ошиқ-маъшуқлар бошига солаётган зулм-ситамидан уртаниб, кўз ёшини сел қиладилар. Намози қазо бўлаётган чол-кампирлар золим Чопрани қаргайдилар, аввал ҳам сиқиб олинган рўмолчалар шалаббо бўлади, тагин сиқиб, ҳавога силкиб оладилар.

Шу пайт экранда мўъжиза рўй беради, ҳиндистонлик Мажнун оқ пайпогининг қаватига яширган тўппончасини олади, калтак еб ўлмай қолган ёвларга қургошин йўллайди. Сўнг пашшанинг ўлигидай еру кукка сигмай ётган жирканч мурдаларни тепиб ўтиб, Лайлисини бағрига босади, қошларининг ўртасида холи бор, ўрама кўйлакли маҳбуба унинг бўйнига чирмашади. Икков қоп-қора «Мерседес»га утирадилар, машина қанот чиқаради ва Лайли-Мажнун саодат манзилига парвоз қиладилар. Қувноқ қўшиқ бошланиб,

деворга михланган экранда «THE END» ёзуви пайдо бўлади.

Бундоқ томоша эс-ҳушидан жудо қилаётган меҳмон-мухлислар мутаассир ҳолда бир зум тошдай қотадилар. Зум ўтмай ҳамма гувранади, тўйхонада гулдурос қарсақлар янграйди, олқишлар авж олади. Киночи барчага таъзим бажо қилади, чаккаси пулга тўлиб кетади. Тўй эгаси уни бағрига босиб, устига тўн ёпади.

Чортоқда тўй қилдим деган одамга бундан ортиқ обрў борми?

... Мана Одил новвой ҳам кенжасини суннат қилдирадиган бўлди.

– Биринчи ўринда кинони гаплашиб келгин, болам, – деди етмиш йил бурун паранжи ташлаган Фарқи момо маслаҳат ошида.

– Ҳа, ҳа, – деди Бувамирза чол. – Албатта, киносиз тўй булармиди?

Гап яна Фарқи момода кетади:

– Сталин ўлган йили кенжамни ётқизганман. Тўйларга кино олиб келишни ўшанда ўзим урф қилгандим. Номини қўриқ «Бутинким»ми ёки «Потинкам»ми эди-да. («Потёмкин» бўлеа керак – муаллиф). Пошшонини замонида Дарёини шўрдаги беш-олтита кемачи қўртлаган гўштини еб ўлган экан, эсласам ҳалигача ўқчийман, кинонинг қўрсин.

– Кенжангизни қўлини ўзим ҳалоллаганман-да, – луқма ташлайди Ҳусайн кал.

– Вой кал ўлмагур-ей, – койийди Фарқи момо ўсма қўйган қошларини билагузукли сўл қўли билан сийпалаб. – Қарисанг ҳам ёлгончилигинг қолмайди-да! Ўзи мусулмонча қўнғироқ билан тўғилган-ку. Нимасини ҳалолларкансан, отиям Суннатилла-ку, билмайсанми?

– Билама-ан, хола, ўшандаям барибир етти қават кўрпага ётқизиб ўртага олинади. Қора чироқнинг мойли пилигига ўт ёқиб, боланинг қўлига бир жуфт тухум берилади. Ана ундан сўнг кесса-кесмаса

«булбулча»га устара ва тутакни теккизиб, «куллалош» деб қўйилади. Билмайсиз-да, Суннатилангизнинг ана шу иримини ўзим қилганман, ахир...

Кампир яна мингир-мингирини қўймайди. Одил новвойнинг юраги сиқилади: алмисоқдан қолган бу чол-кампирлар юз йилги гапни топиб олиб, минг йил чўзади. Мен нима гамда-ю...

Кинонинг каттакони сочлари жингалак ёшгина йигит экан.

– Хўп-хўп, берамиз, ака, – деди у Одил новвойнинг арзини тинглаб.

– Энди, ука, ун йил деганда бир тўй бошлаб қолганмиз. Уруғ-аймоқ, ёр-биродар, қўни-қўшни дегандай, ўзингиздан қолар гап йўқ. Бир йўлини қилинг, индийский бўлмаса иложи йўқ. Хом сут эмган банда, эл-юртга шунақа деб катта кетганман.

Бошлиқ девордаги пистоқи тугмачани босган эди, малласочли бир қиз кириб, остонада гоз турди. Жингалак соч бижир-бижир қилди, униси гужур-гужур қилди. Одил новвой ўрис тилини билмаслигидан шу топда жуда ўкинди. Агар йигит бўлиб уйланишини, тўй қилишини, алаоқибат тақдири азалий манави чугурчуққа дуч келтиришини барвақтроқ билганида-ку...

Лекин барибир фаҳми етди, униси «индийский» деганди, буниси ҳам «индийский» деб калима ўтирди. Демак, ўзининг масаласи. Ҳа, ана малласоч патта ёзди. Одил новвой пул узатди. У раҳмат устига раҳматни ёмгирдай ёғдириб, минг бир қуллуқ қилди. Ўрнидан тураркан, сўл қўлидаги нарсани унги томонга олди-ю «шу озгинани...»

– Ҳай, ҳай, биз хизматда, ака!

– Ўзи жиндайгина, тўйдан насиба деб...

Жингалак соч қўлини куксига қўйиб кулди:

– Тўйларингиз яхши ўтсин. Жуда ҳам атаб юборган бўлсангиз, киночи боланинг кўнглини оларсиз.

– Ишонаверайми, ука? – ўтинди новвой.

– Қизиқмисиз, гап битта — Худо битта!..

– Ҳе-е, отанга раҳмат! Мана энди хотиржам туйни бошлайверамиз.

Хушxabарни эшитиб уйдагиларнинг оғзи қулогига етганини айтмайсизми. Зиём қулоқ кўк эшагини миниб жарлагани тушди:

– Одил новвойникига туйга-а.

Уч бақирқдан бирида «индийский кино келган, икки серияли» дейишни ҳам унутмади. Чунки туй эгаси шуни жуда қаттиқ шарт қилган.

Ортиқбой ошпаз иккинчи қозондаги ошнинг дамтовогини кўтарганда «келди-келди» бўлиб қолди. Боядан бери ҳаловати йўқолиб, оёғи куйган товўқдай питилаб турган Одил новвойнинг юзи яшнаб кетди. Тишлари сўйлоқ, чўтир йигитни қувонч билан бағрига босди.

– Келинг, ука, балли, балли, – сўнг аста шивирлаб қўйди: – Индийский-а?

– Албатта, ака

– Ҳа, отанга раҳмат.

Новвой тайин этган бир гала ўспирин уларнинг ашқол-дашқолларини кўтариб ичкари бошлайди. Киночилар таъзимдаги мезбонларга сиполик билан бош силкиб борадилар. Чўтир йигит нақ бир сўрига жой бўлган даҳмазаларига беш-олти кишини қоровул қўйиб, икки ёрдамчиси ва уч шоғирди билан ўзлари учун махсус тузатилган хос хонага кириб кетади. Киночиларнинг кўнгли нозик-да.

– Баччагарлар патифонини айлантириб қўйганда эшитиб турардик, – гўлдиради Эшмирза мўйлов папиросини бурқсиратиб.

– Унгача «қулоқчўзма»ни бошлайлик – деди кимдир. – Болалар «қулоқчўзма» уйнамаган туй туй бўлармиди?

Ғўзапоялар устида палов ошаётган болакайлар ёғли қўллари билан чапак чалиб юбордилар. Шинаванда йигитлардан бири пул тугилган рўмолчани осмонга отди: «ол, болалар».

Кимдир қочди, кимлардир қувди. Босди-босди, қувди-қувди, чўз-чўз авжига минди. Тенгқурларидан бўйи

бир қарич паст Обид қулоқларини иддиз-пиддизи билан юлиб олишганда ҳам ганиматдан бир марта ҳам кечган эмас. Бу гал ҳам лойга беланган гулдор латта ахийри унинг қўлида қолди. Аммо рўмолча ичидаги икки донагина сариқ чақани кўрган боланинг ҳафсаласи пир бўлди, чуқур хўрсинди. Индамайгина бориб тангаларни пул туккан йигитнинг оёқлари остига ташлади. Болалар бирваракайига «ҳе-е» деб юборишди.

«Ху пул туккан қўлингга...» деди битта новчароги, катталар ҳам жуда ранжишди.

– Бир етимчани шунчалар алдайдими?

– Қулоқларининг гўшти чиқиб кетди-я.

Туйхонадаги борлиқ одам Обиднинг тарафида эди. Қолаверса, «қулоқ чўзма»нинг қоидасига кўра танга тугилмаслиги лозим-да.

– Кел, болаларим, мана пул, – деди Нормирза новвой ва ўз режасини уларга тушунтира кетди. «Урра» дея қичқирган бир тўда йигитча икки кун бурун кесилган теракнинг танасига ёпишди. Одамнинг қучоғи етибетмайдиған ходанинг пусти бир зумда шилиниб, оппоқ, серсув танаси ялтираб қолди. Нормирза новвой бир бурчига битта элик сўмлик тугилган қарға шоҳи белбоқни теракнинг учига маҳкамлаб тангиди. Томошатаблар ҳаш-паш дегунча ходани қозони олинган ерўчоқ ичига тиклашди, болалар унинг ҳам тагини шиббалаб ташладилар.

– Ким мард бўлса теракка чиқади. Эплаган қандини урсин — пул ҳам, белбоғ ҳам уники, – деди Нормирза новвой. Тўй эгасининг ҳам сахийлиги тутиб кетди:

– Терак ҳам ўша болага, уйига олиб кетаверади.

Ерда ихчамгина бўлиб ётган ёғочнинг қад-қомати тиклангандан сўнг кўринди. Сирпанчиқ танаси қўл теккизсангиз «чилп-чилп» қилади.

– Чиқса бўлади-ю, аммо тушиш қийин, – деди Акрам жужа.

– Э-э-э, оғзингдами ошми? – укасига танбеҳ берди Икром жужа. – Чиқишам жа-а осонмас.

Чиндан ҳам ялт-юлт қилаётган сирпанчиқ теракка бир-икки бола қўл теккизди-ю, дами ичига тушиб, ўзини четга олди. Шу пайт даврада ҳалидан-бери кўринмай қолган Обид пайдо бўлди. Қўйни дўппайиб турган бу жиккак болани кўриб, ҳайбаракаллагилар жунбушга келди:

– Мана шу чаён чиқмаса, ҳеч ким чиқолмайди.

Катталарнинг фирибидан аламзада Обид шаҳд билан теракка тирмашди.

– Тирмизак эплайди, – деди кимдир.

Обид эса мушукдай ёпишиб, тобора баландлаб борарди. Ҳар галги сидирилишидан илгари енгини силкири, ундан шувиллаб тўкилган тупроқ теракка ёпишарди. У тупроқ теккан жойдан ушлаб юқорироқ жилиб борарди...

Тўйхонада бор одамки турган ерида қотди. Меҳмонхонадагилар ҳам товоқни четга суриб, дераза олдига тўпланишган. Самоварчи чой сураб келганларни жеркади:

– Шошмасанг-чи, анави болани кўр...

– Ишқилиб йиқилиб ўлмасин-да, – нафас қилди Сотиболди кўса.

– Қанақа одамсиз, ошна, иссиқроқ гапингиз йўқми? Аслида битта етим болани томошақовоққа айлангириб инсоф қилмадик, – силтаб солди уни ёнидаги патак соқол қария. Чўтир киночининг очилган оғзи юмилмас. «Куйлайвериб» адоий тамом бўлган грампластинка яккаш «севаман, севасанму»ни такрорлайдики, чўтир уни тузатишни хаёлига ҳам келтирмайди.

Обид эса аллақачон теракнинг учига чиқиб, ўз иши билан банд эди. У белидаги чилвирнинг тайёр сиртмогини теракнинг учига солди. Қўйнини дўппайтирган нарса арқон эканлигини билгач, кўпчилик бош чайқади: «вой балойи азим». Аммо уларни янада ҳайратга солган нарса кейин содир бўлди: болакай на белбоғ ва на пулни олмай қайтаверди. У арғамчига осилиб жуда хотиржамлик билан тушиб келарди. Оёғи ерга тегишига бир одам бўйи қолганда

«тап» этиб сакради-қўйди. Сув сепгандай жим турган оломон яна жунбушга келди:

- Нега пулни олмадинг?
- Белбог ҳам қолаверди-я?

Обид уларга парво ҳам қилмай аргамчининг учидан тутиб тортқилай кетди. Хода аввалига тебранди, сўнг бир тарафга сал оғди-ю, аммо йиқилмади.

– Нима қилмоқчи ўзи? – ҳайрон бўлди Сотиболди кўса.

– Ходаниям олиб кетади-да, – деди Сайдулла қассоб.

- Албаттасига олиб кетаман, – чинқирди Обид.
- Боплайсан, бола.

Аммо тўй эгаси жириллашга тушди:

- Қани пул, қани белбог? Олиб тушдими, ахир?
- Ҳа-я, рост...

Яна алданаётган боланинг кўзларида газаб чақнади:

- Ўзингиз айтдингиз-ку, ё гапларингиз ёлгонмиди?
- таҳдид билан сўради: – Олиб тушайми?

Сайдулла қассоб унинг қулидан ушлади:

- Қуй, уғлим, албатта, сен ютдинг...

Шу топда тўйхонадаги ҳамма уялиб кетди, Обидга қарши ҳеч ким бир сўз айтолмади.

– Ҳазил-ҳазил, – чайнади ҳижолатда қолган тўй эгаси. – Гапим гап. Аммо барибир олиб кета олмайди-ку?

- Албаттасига олиб кетаман, – яна чинқирди Обид.

Тўйхона сув сепгандай жимиб қолди. Сукунатни ширакайф Умар Полвоннинг ҳайқириги бузди:

– Э, қуйинлайе. Ҳаммангизга шадқайи одамгайчилик, – у оғзидаги носини зарда билан пурқаб, оёқлари остида уралашган болаларга ўшқирди. – Қоч ҳамманг!

Унинг зугумидан катталар ҳам орқага чекиндилар: полвоннинг бундай пайтда учраган одамга мушт солиб юборадиган одати бор. У Обид ҳозиргина қўйиб юборган арқонни ушлаб, бир «ҳайт» деганди, зилзамбил ёғоч гурсиллаганича қулади.

– Ол, уғлим, ёғоч ҳам сеники, – деди ҳижолат бўлган Одил новвой Обиднинг бошини силаб.

Боланинг кўзлари жиққа ёш эди. Кимнингдир «ҳа, болалар кўтардик» дейиши билан ёшу қари хомага ёпишди. Аммо тўйхонадаги болалар унинг икки тарафида ҳар қаричга биттадан тизилишиб олганидан катталарга сон ҳам қолмади. Азибой тракторчи даранг-дурунг билан аравасининг ён эшигини очди:

– Юкланглар, обориб бераман.

Аммо болалар у томонга қайрилиб ҳам қарашмади: туппа-тўғри Обидларнинг уйига жўнашди. Бири унинг йиртиқ пальтосини қўлтиқлаб олган, бирининг қўлида Обиднинг онасига аталган насиба. Шу пайт ҳай-ҳайлаб келаётган ўрта ёшлардаги аёл қўлидаги бир жуфт нонни товоқ тўла ошнинг устига ёпди ва тайинлади:

– Ойингга салом айтгин.

– Қулогинг ёмон огрияптими? – сўради болалардан бири ачиниш билан. Обид «ҳе-е» дея қўлини силтади.

– Ойингга айтсанг ёг суртиб қўядилар, ошна...

Шу топда Обид барча болалар учун гўё бир қаҳрамон, катталарнинг бўйнини эголган баҳодир эди. Унинг ёнидаги ҳар бир бола узи ҳам теракка чиққандай мағрур борарди. Йигитчалар қўлтигидаги ёғочнинг учигина кўринарди, холос. Улар Обидларнинг уйи томон бурилганда, тўй эгасининг қичқириви эшитилди:

– Кино кўргани қайтиб келинглар-а, уғилларим.

Болалар таклифга парво ҳам қилмай йўлда давом этишарди.

### Менга қолган юлдузлар

Ҳовлимизга кираверишда бир туп гаройиб беҳи кўчати бор эди. Меваси бир йил тукли, бир йил туксиз бўларди. Унинг остига отам хом гишдан супа кўтаргандилар, ёнидаги ариқчада сув оққани-оққан. У киши шу жойни ёқтирганларидан ёз ўтиб бўлганида

ҳам ичкарига кучмасдик. Узун-узун мезонлар эшилиб учган оқшомлари олтинранг беҳилар дастурхонга тўкилган дамлар қанча, бир гал шовла тўла товоққа «топ» этиб тушгани эсимда...

ТошМининг ётоқхонасида ўша масъуд кунларни қумсаб яшардим. Имкон топилди дегунча шу муъжаз ватанга чопардим, ота-онамнинг дийдорларига тўйиб, дунё ғамларидан хабарсиз укаларим билан вақтимни хушлардим. Супада юдузлар суҳбати ила тонглар отган ўша тунлар ҳаётимдаги энг саодатли онлар эканини кейинроқ пайқадим.

х х х

Ўтган асрнинг элигинчи йилларида Тошкент бугунгидай эмасди, албатта. Аммо ҳавойи ҳисларга тўлиб-тошган талаба халқи барибир излаганини топа оларди. Тақиқланган, титилиб битаёзган китобларни ўқишнинг ўзидан оламча лаззат топганмиз. Увадаси чиққан «Ўткан кунлар» мутолааси бутун бир саргузашт бўлиб ўтганди, уни менга Эргашали домла бергандилар. Ҳамхонам Самад ноёб китобни кўриб, терисига сигмай кетди. Уни навбатма-навбат ўқиб, дарсга жўнашдан аввал яшириб қўярдик. Бир кун жуда хунук воқеа бўлди. Романнинг бир варагини тушириб қўйибмиз, тўй оқшомидаги Отабек ва Кумушбибининг илк висоли тасвирланган саҳифа ҳеч қаерда йўқ.

– Домлага нима дейман? – қайғу тоғининг остида қолдим.

Самаднинг ваҳимасига эса чегара йўқ эди:

– Уша варақ бировнинг қўлига тушиб қолса-чи?!

Топдай қотиб қолдим. Ахир «Ўткан кунлар»ни ўқигани учунгина қамалиб кетганларни, отилган одамларни эшитганман-да. Эргашали домлага «хўп» дея қолмаганига афсусландим. У киши:

– Бу китобни кўтариб юриш қалтис иш. Яхшиси шу ерга келиб-кетиб ўқий қолинг, – дегандилар.

Боз устига Сталин ўлиб, Берия отилган ваҳимали кунлар эди. Ҳатто бизнинг институтда ҳам душманлар

фош этилиб, яқинда битта домламиз қамалганди. САГУдан талабалар авахтага солингани ҳам ёлгонмас. Аниқки, шундай шароитда Абдулла Қодирийнинг китобини ўқиган одам асло раҳмат эшитмайди...

Уша кунлардаги аҳволимни эсласам, ҳозиргача қўрқиб кетаман. Ҳайтовур, ҳаммаси яхшилик билан тугади...

Эргашали домланинг тавсияси билан илмий иш бошладим. Дарсдан сўнг лабораторияга бориб, тажриба ишлари билан шугулланаман. У ерда домланинг яна икки шогирдлари бор.

– Ие, Миролимбой, соғинтириб юбордингиз-ку, – деди Аҳмад ака.

Китоб устида «иш олиб борган» кунларимизда лаборатория ҳам ёдимдан кўтарилиб кетибди. Аҳмад аканинг шериги хоразмлик жуда камгап йигит эди. Ҳар галгидай икковлари бир сумдан пул беришди. Мен «Сельмаш» ёнидаги бозорчадан нон, тузланган бодринг, бир бўлак пишлоқ, ярим сўмлик қанд олиб келдим. Спиртли чироқ билан чой қайнатишга жуда уста эдик. Аҳмад аканинг таъбири билан айтганда, «академический гушлик»дан сўнг ҳамма яна ўз ишига машғул бўлди.

Менинг бир қути қовурга суякларим бўларди. Ушаларни кавлаштиргани тушаман. Устознинг маслаҳати билан аёллардаги камқонлик устида иш олиб бораётган эдим. Қарангки, суяк ичи ва қатламлари орасидаги қуюқ модда, яъни илик қон ишлаб чиқаришнинг асоси экан. ТошМИнинг клиникасига ҳафтада икки марта бориб, беморлардан таҳлилимга материал оламан. Эргашали домла мени у ердагиларга таништириб, таҳлил учун махсус игна ҳам топиб бергандилар. Даволанаётган икки қишлоқ аёли менинг кузатувимда турарди. Қилган ишларимнинг ҳаммасини ёзиб ташлаганман, талабалар анжуманидаги маърузам билан жуда оғизга тушиб кетдим. Институтимиз директори (у пайтларда ректор, дейилмасди) ўз қўли билан ёрлиқ ҳам берган...

Ўқишимиз тугайдиган йили баҳорда домла йўқлаб қолдилар:

– Иш катта, ука, суюнчини бераверинг.

Мен тушунмай ортларидан эргашдим. Бир пайт директорнинг хонасига кирдик.

– Намангандан яна бир академик чиқса чиқибди-да, – дея директор ўрнидан туриб қўл узатди.

– Ажаб эмас.

– Кимлардир сув сойга оқар, бой бойга боқар деб юрмасликлари учун атай ўзим чақиртирдим. Бошимизда қилич қайралган мана бундай кунларда ҳамшаҳрини аспирантурага тиқиштирди деб сизни маломат қиладиганлар йўқ дейсизми, Эргашали ака.

– Ит хуради — карвон ўтади. Бу қилич авваллари ҳам кўп қайралган.

– Аммо у бошни кесгани билан илм қолади-ку. Улугбекнинг қотиллари «Зичи Кўрагоний»дан бирор саҳифани қирқиб ололмаганларини одамзод беш юз йил ичида ҳам тушунмаганига ҳайрон қоламан.

Хаёлимни ҳайрат чулғаб олди, негадир ҳадиксирай бошладим: мени синашмаяптими ишқилиб? Худди фикримни уққандай директор қалтис мавзунини таққа тўхтатиб, бошқа гапга ўтди.

– Биз эртанги кунни ҳам ўйлайдиган бўлсак, мана шундай йигитларга эшиқларимизни очиб қўяйлик. Чақиришимдан мақсад шу.

– Иккаламиз қарийб битта кўчадан. Бу йигитнинг отасини яхши биламан...

Домлам гапиряптилару мен ўтирган курси ер қаърига кетаётгандай. Икки аллома ҳузурида ўзинг ҳақингда мақтов эшитиш галати бўларкан. Уларнинг салобатлари ҳам қўшилиб, устимдаги зил-замбил юк тобора оғирлашиб борарди. Аслида бу гаплар мен учун жуда ҳам қўққисдан бўлаётгани йўқ. Аввалроқ ҳам Эргашали домла шу тўғрида бир нарса дегандилар. Хуллас, сентябрдан аспирантурада ўқишни давом эттирадиган бўлдим...

Ўша кунни бир орзуйим ун бўлиб, жоним танамга сиғмай қолди, ўзимни олимлар қаторига қўйиб, сонсиз-

саноқсиз талабаларга маъруза ўқиётган ҳолимни хаёл қилдим. Қанот чиқардим у бахтиёр бир қуш бўлиб Наманганга учдим. Ўзим билан шунчалар борми-йўқ эдимки, бу хабарни уйдагиларга қандай айтиримни билмасдим...

Онам гуллар қуршовидаги супага отам иккимиз учун жой солиб бердилар. Бошим устида беҳи шохлари эгилиб ётибди. Осмоннинг шу қадар кенглигини авваллари кўрмаган эканман. Тубсиз самодаги сон-саноқсиз юдузлардан энг ёрқинини отам учун атадим, унга яқинроқ яна бирини ойимга танладим. Эргашали домлани ҳам юдузсиз қолдирмадим, албатта. Ростдан ҳар бир одамнинг ўз юдузи бўлармикан? Шу хаёл билан юдузимни қидира кетдим. Менинг юдузим тонгда кўринади. Тонг юдузи — менинг юдузим...

Аmmo ўша тунда уни кўришга улгурмай ухлаб қолибман. Уйғонсам кун ёйилиб кетибди. Ойим нонуштада сут бермаганларига ҳайрон бўлдим.

– Сигирни соғмаяпсизми?

– Баҳорда сотилиб кетган, болам.

Иккимиз ёлғиз қолгач, Тошкентда бўлган гапларни отамга айтиб бердим.

– Устоз – отангдай улуг. Ўшандоқ одамлар шуни муносиб кўришган бўлса, этакларини маҳкам ушлайвер. Пешонангни Худо очсин, мингдан-минг розиман...

Мен отамни қарши бўларлар деб чўчигандим, елкамдан гўё тоғ ағдарилди.

– Яна икки-уч йил ўқийман-да, дада.

– Илм ибодатдан афзал, деган гап бор экан ҳадисда. Пайгамбаримиз «илм Хитойда бўлса ҳам бориб ўрганинглар» деб васият қилганлар. Сенга ёруглик йўлини курсатаётган олимлар у кишининг ворислари-да, хўп деявер.

Мен шу лаҳзада отамни яхши билмаслигимдан уялиб кетдим. Бирор кун ҳам мактаб кўрмаган дадагинам шундай гаплардан хабардорликларини хаёлимга ҳам келтира олмасдим, ахир. Миннатдорлигимдан негадир

юрагим тўлиб-тошар, ич-ичимдан бир нима узилиб чиқмоқчи бўлар, отам гўё буй-бастаи кўз илғамайдиган чўққидай кўриниб, олдиларида ўзимни жуда ҳам пачоқ, забун бир кимсадай ҳис қилдим...

Аммо биринчи чақирган оғайним билан кўчага кетаверибман. Пиён бозорида менинг шарафимга кабобхўрликбўлди, дипломни жиндайгина ювишимизга ҳам тўғри келди, бозор айландик. Энди «дайдиганимиз бўлди» деб кино кўришга келишдик. Вискозанинг клубига борсак, машинадай қилиб «Дайди» деб ёзиб қўйишибди. «Дайдиганлар «Дайди»ни кўрадиган бўлди» дея роса кулишдик... Яна алақайларга бордик. Бунинг ичида кимдир ишга ҳам таклиф қилди, мен Тошкентга қайтиб кетишимни, ҳали яна ўқишим борлигини таъкидладим. Уйга кириб борганимда кун ботаёзганди. Ойим беозоргина койиган бўлдилар:

– Мунча ҳаялламасанг, болам, сени кўргани қанча одам келиб кетди.

– Қўявер, онаси; ёшлик ҳам беш кунлик давр. Ўғилларни уйда ўтириши учун ўстиришмайди, билсанг. Ўғлинг булса, элу халқ ичида бўлсин, одамлар кўрсин, фалончининг ўғли бор экан, десин.

Отамнинг бу гапларидан яна эрталабқи ҳолимга тушдим: «Қандай донишманд отам бор!» Яна юрагим тўлди. Дадам дастурхонга фотиҳа қилиб, хуфтон ўқигани кўзғолдилар.

Супада ойим иккимиз қолдик. Ота-болага ўрин сола туриб сўзландилар:

– Даданга бир нима дебсанми?

– Ўқишим ҳақида гаплашгандик.

Ойим «ҳа-ҳа» деб хўрсиниб дедилар:

– Ер юзида отангдай ҳалим, беозор одам бошқа топилмаса керак. Шу киши бош эгам бўлиб, сен туғилдинг, мана орқангда Худо берган укаларинг бор. Иккимиз ҳам қариб қолдик. Менинг қўлимдан битта нон топиш келмайди, у киши касалманд...

– Нега ундай дейсиз? Қоринлари салгина оғриса, касалмандга чиқариб қўяверасизми? – жерқдим.

Онам индамайгина бош чайқаб, лабларини тишладилар.

– Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак. Бор умидимиз сендан, ўғлим. Бугун-эрта ўқишини битирса, қўлтигимизга киради, отасига суянчиқ бўлади дегандим.

– Ўзлари рози бўлдилар-ку, ахир.

Онам қўлларидаги лўлаболишни тиззаларига босиб мук тушиб қолдилар. Диққатим ошиб кетди. Қараб турсам, елкалари силкина бошлади.

– Қўйинг энди, яна икки-уч йил ҳам утар-кетар.

– Мендан хафа бўлма, болам. Қаерда бўлсанг ҳам, олтин бошинг омон бўлсин. Худойимдан тилайманки, болаларимнинг доғини кўрмайин деб. Дадангга раҳмим келади. Сени аяганларидан ушанақа деганлар. Билсанг, ошқозонларида яра бор экан, баҳорда ёрилиб кетди. Худо бир қайтиб берди.

Борлигим карахт бўлиб қолди. Ўша яранинг ёрилиши нима эканини мен билмасам ким билади? Онамни гўё тушимда куриб турардим, ёнгинамда гапиряптилару, сөзлари жуда олисдан келаётгандай.

– У ёғини сўрайдиган бўлсанг, қирқ кундан буён касалхонада эдилар. Келишингни тусмол қилиб чиқиб турганлари. «Ўзи мусофирчиликда қийналган, менинг касалимни кўриб, кўнгли гаш бўлмасин» дедилар...

Бирданига ақлим тўлишиб, ойим ҳали ҳаммасини айтмаётганларини ҳам ҳис эта бошладим. Мана, сигир сотилган, укаларимнинг уст-боши ҳам наридан-бери, дастурхонлар нурсиз. Бобомдан қолган пахсадевор уй, лойсувоқ том, отамнинг оёқларидаги сири тўкилган сахтиён маҳси — ҳамма-ҳаммасини кундузи кўрмаган эканман. Гўё кузларим чарақлаб очилди-ю, тун қоронғилигида бариси намоён бўлди-қолди.

...Осмон кечагидай тубсиз ва тиниқ, отамнинг юдузлари ҳамон чарақлаб турарди. Илм билан ақл бошқа-бошқа дунёлар экан-да. Ҳар қандай мактаб, у қанчалик юқори мартабаларга етказмасин, илм беради, аммо нодон одамни ақлли қилиб қўя олмайди.

Боши осмонга, оёғи ерга етмас кечаги орзуларим бачканалиқдан ўзга нарсалар эмаслигини фаҳмлай бошладим. Уйимизни меҳмон босиб, ҳамма мени йуқлаган ва ота-онам учун қувончли бўлган бугунгидай бир кунда қорамни кўрсатмай тентираб юрганларимни бориб турган аҳмоқлик деб баҳоладим...

Ҳа-а дадажонгинам, менинг меҳнаткаш дадагинам-а! Ақалли биттагина сўз билан ишора қилмабдилар, мен эса эсини еган бир бола бўлсам. Энг азиз меҳмонларга аталган оҳорли тўшакларнинг қават-қавати тикан бўлиб, юракларимгача санчилиб борарди. Упкам тўлиб кетди, эрталаб ўзлари розилик берганларида қандай тўлиққан бўлсам, яна ўша ҳолга тушдим. Отам юксалгандан юксалардилар, мен эса тобора чуқиб, тупроқ бўлиб борардим. Негадир ҳозир ўзимни отамнинг иссиқ қучоқларига отгим, оёқларига бош қўйиб, «мен сизни яхши кўраман, дадажон, багрингиздан бир қадам жилсам, кўр бўлай, басир бўлай» дегим келарди. Миямни банд қилган ана шундай телба-тескари хаёллар устига оппоқ соқол ярашган юзларидан ўпиб олсам дердим. Уятни йиғиштириб шундай қилавермаганимдан, ганимат дамларни ўтказиб юборганимдан ҳануз ўкинаман...

Астагина оғиб бораётган ой деворлар, дарахтлар ортида кўринмай кетди. Атрофга тонг қоронғилиги чуқа бошлади. Шу онда бир юлдуз учди-ю, қоп-қора осмон дафтарида у қолдирган нурли чизиқ ҳам бир зумда гойиб бўлди. Отамнинг юлдузлари оламни нурга чулғамоқчидай порлаб турибди. Унинг ёнидаги кеча ўз қўлим билан осиб қўйган профессорлик курсиси эса қулай бошлади. Зарб билан ерга тушиб чилчил бўлди-ю, бир парчаси куксимга қаттиқ урилди. Кўзим юмилиб қолган экан, сесканиб қўзгалдим. Уша лаҳзаларда қарорим аниқ ва қатъий эди...

Нонушта чоғи дадамга секин разм солдим, юзларининг ранги кетиб қолибди, елкалари ҳам анчагина чўккандай, пешоналарида чизиқлар қават-қават, қошларига ҳам оқ оралаган. Қараб ўтирибман,

бир бурдагина нон едилар, холос. Онам шокосадаги қайноқ сутни пиёлаларга тақсимлаб бердилар. Сут ҳақидаги кечаги саволимни эслаб руҳим яна ҳам сўнди, аллазамонгача оғиз очишга юрагим бетламай ўтирдим.

– Агар, майли десангиз, Тошкентга бир бориб келсам.

Дадам буни кутмаганларидан ҳайрат нигоҳи билан ялт этиб қарадилар.

– Дарровда зерикиб қолдингми?

– Йу-ўқ, бораману қайтаман.

– Ихтиёринг. ҳали хабаринг булгани йўқ, Худо хоҳласа, синглингни узатмоқчимиз. Бутун-эрта демайман-ку, ҳар ҳолда яқин орада шу ҳаракат бор. Уша куни ёнимда турсанг...

Мен яна ўзим билан олишгани тушдим: «Вой нодон, вой эси йўқ, наҳотки, ёлғизгина синглингнинг буйи чўзилиб қолганига ҳам ақлинг етмайди? Сенга нима булган ўзи?» Бу хаёллар мени поездда ҳам тарк этмаганидан сергапгина ҳамроҳимнинг суҳбатига ҳадеганда ҳушим бўлавермади. У туман газетасида ишларкан. Сўз орасида Ибн Сино ҳам шеърлар ёзганини айтиб қолди.

– Ўзбекча ёзганми?

– У пайтда кўпроқ араб, форс тилида ёзилган.

«Тиб қонунлари» ҳам араб тилида ёзилганини Эргашали домладан эшитгандим.

– Шеър ўқиб берайми?

– Шеър ёзиб турасизми?

У бош силкиди. Шу топда шеърхонликка тоқатим бўлмаса-да, унинг кўнгли учун розилик билдирдим. Буни қарангки, у ота ҳақида шеър ўқий бошлади. Ё алҳазар, бу йигит менинг дилимдагини қайдан топа қолди? Шундан буён эллик йилдан ошиқ вақт ўтди, аммо ўша шеърнинг икки қатори ҳамон ёдимда:

Отасидан юз ўтирган бўлса, ҳар ким ўсмагай,

Бой бўлур балким, бироқ умрида ҳуррам бўлмагай.

... Эргашали домланинг Эски шаҳардаги ҳовлиси ўз уйимдай булиб кетган эди. Бу даргоҳда мени оиланинг бир аъзосидай кутиб олишгани учун ҳеч бир тақаллуфсиз кириб чиқаверардим. Уч йил бурун «бизникида тура қолинг» деб таклиф ҳам қилгандилар. Негадир отам рўйхушлик бермадилар.

– Эргашали — устоз, сен — шогирд. Орада парда бўлиши керак, қолаверса, ҳар ким ўзининг ўрнини билгани маъқул. Аммо яна ихтиёр ўзингда...

Мени арманиларга ўхшаб кетадиган, қирғий бурун, қовоқлари юпқа ёлғизгина қизлари қаршилади.

– Домла йўқмилар?

– Ҳозир келадилар, академиядан телефон қилдилар. Ўзингиз ҳам аспирант бўлиб кетибсиз-ку, значит будуший академик.

Мен индамадим. Шу кунларда у бизнинг институтга киришга тайёрланаётган эди.

– Ўзингиздан сўрасак?

– Уқиб ётибман. Адам «мендан умид қилма» деб, гапларини айтиб қўйганлар. Ҳозир ҳам консультацияга жўнаб турибман. Ие, ана ўзлари!

Домла қўлларимни қаттиқ сиқиб кўришар эканлар, ҳар гал уйдан қайтганимда айтиладиган саволни қанда қилмадилар:

– Номонгонла қалай, жойида турибдими?

– Ҳаммаси яхши, Каримжон акамни кўрдим, салом айтдилар, – Каримжон ака домланинг ёлғиз инилари эди.

– Саломат бўлсин. Тошкентнинг тупроғи жуда оғир-да, ука. У ёқларга бормаганимга ҳам минг йил бўп кетди. Худо хоҳласа, имтиҳонларни тугатибоқ жўнайман, – сўнг қўшиб қўйдилар. – Ҳай, бирга тушлик қиламиз энди. Кеннойингиз ишда. Икки эркакнинг қўлидан нима ҳам келарди, тухум бор, қовурамыз-қўямиз. Биласизми ўзи?

– Биламан, домла, – деганимча ишга киришиб, бир зумда жиз-бизни хонтахта устига қўйдим.

– Энди газак ҳам қилинг.

Яна ишга тушдим. Овқатланишга утирганимизда, домла битта шишани оча бошладилар.

– Аслида дипломингизни бир ювишимиз ҳам керак эди.

Ўзим учун салкам авлиё мақомидаги инсоннинг ҳузурида ичишимни хаёл қилиб даҳшатга тушдим: ҳозир қуйиб узатсалар нима қиламан!

– Кеча ювгандик, домла.

– Кечагини қуйинг, бугунги гапдан гапиринг.

– Иннайкейин, мен ичмайман.

– Мен ҳам ичмайман. Гапнинг ўғил боласини айтсам, мана шу хонадоннинг эшиги сиз учун ҳамма вақт очиқ бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бугун сиз ҳам мен билан тенг ҳуқуқли шифокорсиз энди.

– Э-э, қуйинг, – домланинг сўзларидан қисиниб кетдим.

– Ҳа, врач сифатида биринчи марта келишингиз. Мен кийган, бошқа устозларимиз кийган оқ халат сизга ҳам бахт келтирсин, сираям доғ тегмасин. Бировнинг дардига малҳам қуйишдан савоблироқ иш йўқ оламда. Ҳазрат Луқмони Ҳакимнинг руҳи поклари ҳар қадамингизга қувват, мадад қилсин.

Тушлиқдан сўнг дастурхонни йиғиштириб, идиш ювишга чоғлангандим, кўнмадилар.

– Қўйсангиз-чи, укангиз ювиб қўяди. Дарвоқе, яна Тошкентларда нима қилиб юрибсиз, ё иш чиқиб қолдимми?

Мен ерга қарадим, нима деяримни билмасдим. Ахийри Худо тилга киргизиб, бор гапни айтиб бердим, ҳатто поезддаги шеърни ҳам қолдирмадим. Охириги журъатимни жамлаб:

– Менинг Наманганга мутлақо қайтиб кетишимга рухсат берсангиз, – дедим ва бўйнимни ҳам қилиб утиравердим.

Шу ҳолда қанча вақт ўтди, билмайман, секин кўз қиримни ташласам, устознинг ҳоли ҳам меникидан ортиқ эмас. Анчадан сўнг у киши чуқур уҳ тортиб кўзгаддилар. Дераза ёнидаги жавондан нимадир

қидираётганларини кўриб турибман. Китоблар орасидан бир нарсани топиб, яна жойларига ўтирдилар: бир қути «Казбек» экан. Индамай ошхонадан гугурт келтириб бердим. У кишининг хумори бўлишида ўзимни айбдор билиб, роса койийдилар деган ҳадикдаман. Мен шу кунгача домланинг чекканларини кўрган эмасдим. Қараб турсам, иккита папирос бир зумда кулга айланди. Устознинг доимгидай юмшоққина қилиб — «ука» деганлари эшитилгач, «энди бошлайдилар» деган уй кўнглимдан ўтди. Бошимни яна ҳам қуйироқ эгиб, қўнишиб олдим.

— Намангандан чиқиб кетганимга йигирма беш йил бўп қолди. Энди диссертация тўққайман деб турсам, уруш бошланди, фронтга жўнадим. Умримда бор экан, омон қайтдим. Ишимни якунлаб олай деб, яна Тошкентда қолиб кетдим, йиллар ўтаверди. Дипломларни, орденларни, медалларни, унвонларни олавердим, амал, обрў келаверди. Мени ҳавас қилса бўладими?

Англаб-англамай бош силкидим.

— Дунёни хўб кездим, Америкага бордим, Германияга бордим, Ҳиндистонга бордим, аммо Наманганга оёғим етгани йўқ, Мирolim ука. Менинг соямда қанча-қанча олим бўлди-ю, ёлғизгина укамни ўқитиб қуймабман. Не-не беморларни даволадиму, туққан онамнинг дардига даво топганим йўқ. Мен одамманми?

Бу гаплардан борлигим музлаб қолди гўё. Карахт бир алфозда домлага қарадим, юзларини ювиб ёш оқарди.

— Балки ҳамма одам дер. Аммо мендай нодон, мендай бемеҳр академикдан ўша камбағалгина, соддагина укам Каримжон минг марта аъло. Умридан барака топсин, ота-онамнинг хизматларини қилди, дуоларини олди. Мен-чи? Жаноза ўқилиб, отамнинг тобутини элу халқ бошига кўтаргандагина дод солиб пайдо бўламан, онамнинг қабрига тупроқ тортиб бўлганларида етиб бораман. Акам ўлганларида бундан ҳам баттар булди, дунёнинг нариги бошида тургандим. Бирорталарининг

сўнги нафаслари устида бўлиш, на иссиқ, на совуқ дийдорларини кўриш бахти буюрмаган менга. Ҳа-а, билсанг, ўша лаҳзаларга шоҳид бўлиш ҳам бахт. Ақалли ҳайит-арафада бел боғлаб туролмайман... Яна нимасини айтай? Туй-пуйга борасанми, деб сурагинчи мендан...

Кеча дилимга чўккан тутун эриб, ёш бўлиб кўзларимдан қуйилди. Ахир, ҳамма соясига салом берадиган ва шу топда мискин бир ҳолда титраб-қақшаб йиглаётган мана шу одам менинг устозим, менинг акам, йўқ, отамдай азиз инсон. Қай биримиз кўпроқ йигладик, билмайман. Ўзимни йўқотганимдан папиросга шерик бўлганимни ҳам билмай қолибман. Хона тутунга тўлиб кетди. Орада мен ҳам нималардир деб қўйдим ўзимча.

– Сенга минг-минг раҳмат, ақлингга балли, ука. – Шу сенлаш билан орамиздаги деворнинг қолган-қутгани ҳам йиқилди-ю, устозни яна ҳам яхши кўриб кетдим. – Дунёда ҳамма нарсани топасан, аммо ота-она топилмайди. Уларнинг бағрида бўл, Миробид аканинг хизматларини қил, дуоларини ол, бўйларингни кўриб, ота-онанг қувонсин. Олий маълумот дегани ҳам кичикина илм эмас, маълумотларнинг олийси, ахир. Шу илминг билан ҳам одамларга катта наф келтириш сенинг қўлингдан келади. Бугуноқ қайтавер, ишинг тўғрисида Наманганга қўнғироқ қилиб тайинлаб қўяман. Башарти имкон топиб ўқийман деб келган кунинг, мен бор эканман, сен кирадиган ҳамма эшиклар очиқ...

Шундай қилиб, ўша куни домламдан сўнги сабоқни олдим. Армон ва ўкинчлар, кўз ёши ва аламлар ичида куйиб-ёнган профессор ёлғизгина талабага ўқитган бу дарс жаҳоннинг ҳамма мактабларидаги борлиқ илмлардан аълсроқ эди. Хайрлашув чоғида у киши синиқ жилмайиш билан айтган сўзлар ўша сабоқнинг хулосаси бўлди:

– Домла жинни буп қопти, дегандирсиз. Йўқ, Миролимбой, соппа-соғман. Фақат юрагимдаги зардобларни тукиб, бир енгиллаб олдим. Билиб қўйинг:

олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин, ука. Армон юкидай оғир юк йўқ ер юзида...

х х х

Ариқчамиз ҳамон шилдираб турибди, қанча сувлар оқиб ўтди, неча ўн марта ёз келиб кетди. Пастаккина уйлар аллақачон қаддини ростлаб олган, мен эса тобора букчайиб бораман. Энди супа ҳам, унинг устидаги тубсиз осмон ҳам йўқ, ўрнига тўнғич ўғлим қўшқават иморат солган. «Ўткан кунлар»ни ўқиш жиноят эканидан гапирсам, набираларимнинг ишонгиси келмайди. Шунинг учун улар кўрмаган туксиз беҳи тўгрисида индамай қўя қоламан...

Ҳаётим чирогини ёққан азизларимни қўмсаганимда уша юлдузли оқшомлар ёдимга келади. Кўкларга соғиниб боқаман. Осмон тагин-да кенгроқ, Сомон йўли яна ҳам парокандароқ кўринади кўзимга. Отам, онам, устозим менга қолдириб кетган юлдузлар нурли-нурли чақнай бошлайдилар. Юрагим ёришиб кетади.

### Ким олдин-у...

Одамни ҳам қаритади, деганлари рост экан. Ганижон домланинг қоп-қора сочлари мош-гурунч бўлди-қолди. Анчадан буён ўғилларининг оғзини пойлайдики, бирортасидан садо чиқмайди. Қизларининг рафторига қараса, бегона аёлни яқинлаштиргиси ҳам йўқ.

– Уйлангилари кеп қолган бўлса, ўзлари биладилар...

Отаси ўртага қўйган одамга ана шундоқ дудмал жавоб берган Акбаржон ўзи «дада, нима гап?» деб бир оғиз сўрамади ҳам. Ёлғизлик жонидан ўтган Ганижон домла фарзандларини чорлатиб, ахийри ўзи ёрилди.

– Раҳматли онангиз яхши аёл эди, мен ундан ўла-ўлгунимча розиман, – қизлар пиқирлай бошлашди, ҳар сўзни Кўҳи Қофдан келтиргандай қийналиб айтаётган отанинг овози титради. – Мен нима қилай, болаларим,

ўлимга илож борми? Қариб қолдим, энди ижозат берсаларинг... Хуллас, бу ёққа келмайдиган кўринади, ўзим ўшаққа...

Орага эзгин сукунат чўқди. Бири қовоғини осилтирган, бошқаси кўзини ишқалаган ўтил-қизларнинг бари оғзига толқон солган. Ақалли тўнғичи «бировникида нима қиласиз? Худонинг тақдири экан, мана мен бор, укаларим бор, ўша опани кўплашиб кўндирамыз, шу ерга олиб келамиз, ахир, онам раҳматлидан қолган бу уй-рўзгор бари сизники-да» дейишга ярамади...

Йўқ, болалари ёмон чиқмаган, ақл-ҳуши жойида, оналаридан сўнг оталарини бир лаҳза ташлаб қўйишмади, жойи тайёр, чойи қайноқ, ёқаси оппоқ. Лекин ёнингдаги аёл бошқа экан. Ганижон ака оз кунда яшнаб кетди, рангига ранг кирди. Лекин фарзандлари оталари ҳаётидаги бу янгиликка ҳеч кўниколмасдилар. Айниқса, Акбаржон...

– Одамнинг бошида иссиқ-совуқ кунлар бор, – гап бошлади у ота-бола кўчада учрашганларида. – Бугун пенсиянғизни еб ётган анави аёл ўшанда нима қиларкин, дада? Жамгарган беш-ўн сўмингиз бўлса, менга берманг, майли. Лекин укаларимнинг қўлида турса, ё тайинли бир жойга қўйиб...

Юраги музлаган ота «насиҳат»нинг давомини эшитмади, томоғига нимадир тикилди:

– Онанг ташлаб кетмаса, менга шу кунлар, шу гаплар йўқ эди, ўғлим. Сен нима демоқчилигингни билиб турибман, Худо пошшо...

Ўша куни хуфтондан сўнг муаллимнинг қон босими хуруж қилди, ярим тунда шифохонага олиб кетишди. Ёши бир ерга борганда бахтини топган янги аёли бошида парвона эди. У беморнинг қўлини ювдириб, дастшўйни олиб чиқаётганда ҳаллослаганча кенжа ўгли кириб келди.

– Дадам ухламаяптиларми?

– Киравер, уйғоқман, – овоз берди Ганижон домла.

Кўзлари қизарган йигит отасининг қучоғига отилди:

– Акам...

Домла тошдай қотди:

– Қайси аканг? Нима гап ўзи?

– Акбар акам аварияда...

Сиркори дарвозахонадаги ором курсида мунгайган ота ҳаммага қучоқ очиб ўқрайди:

– Угил отасидан олдинда юрадим, болам! Адашдинг, хатолар қилдинг болам. Мен қалиб, сен кетсанг...

Мотамзада домланинг рўпарасида қора ҳошияли сурат, унда жилмайган бир йигит. Ота ҳар гал суратга боқар экан, қулоқлари остида биттагина жумла жаранглайди: «жамгарган беш-ўн сўмингиз...» У ўша нохуш гапни хаёлидан ҳарчанд ҳайдайдики...

## Апирис

1975 йил. Ота-угил арзонбаҳо машина умидида «Жигули» чиқадиган шаҳарга йўл олдилар.

– Худо хоҳласа, машина нақд, – деди поездда ҳамхона бўлган дўппили йигит.

Чолнинг юраги мумдай эриб, меҳри товланиб борарди. Ўзини Қиличбек деб таништирган ҳамроҳи беш маҳал намозни қанда қилмасди, ичиш, чекишнинг кўчасидан ҳаргиз ўтмаган. Боз устига бора-боргунча ота-болани бир сўм харажат қилдирмади...

– Завод билан эртага гаплашамиз, бугун ўз қўлим билан чойхона палов қилиб бераман, – дея Қиличбек бозорга отланаркан, Нормирза бува чўнтак кавлади.

– Уят бўлади, ота, – қўлини кўксига босди Қиличбек.

Бува яқин орада бундай палов еганини эслолмади ва астойдил дуо қилди:

– Қўлингиз дард кўрмасин, ўғлим.

– Раҳмат, – бош эгди Қиличбек.

Эртасига тонгда бомдодни бобойнинг ортида адо қилган йигит завод қошидаги дўконга отланди. Нормирза бува бир йўла пулни ҳам бериб юбормоқчи эди, у кўнмади:

– Аввал ҳужжатларингизни олиб борай, савдони расмийлаштирайлик. Пулни ўзингиз қўлингиз билан санаб утказасиз, отахон. У ёғидан келсангиз, мусофир жойда мунча нарсани кўтариб юришга қўрқаман.

– Эртага соат саккизда оламиз, – деди у қайтиб келгач.

Нормирза бува Қиличбекнинг елкасини силаб, узундан-узоқ дуо қилди. Икков бамдоддан сунг йўлга шайланганларида ўғил ҳали уйғонмаган эди.

– Ошнам бирга бормайдиларми?

– Э-э болам, бу бенамоз юзини ювгунча машинани гижинглатиб келамиз, шундаймасми?

– Иншооллоҳ, – бош эгди Қиличбек.

Баланд бир бино олдида таксидан тушдилар. Ойнаванд дўконнинг ичкарасида беш-олтита «Жигули» сафланиб турибди.

– Қай бири маъқул? – уларга ишора қилиб мамнун жилмайди Қиличбек.

– Анави аноргули рангдагиси.

– Қани, юринг бўлмаса.

– Йў-ўқ, жон болам, мен шу ерда ўтириб тураман, пиллапояси қургур жа-а баланд экан, ўзингиз миниб чиқа қолинг, – чол қўлидаги тугунни узатди.

Пулни олган йигит юқорига чиқиб, қип-қизил «Жигули»ни бир айланди, пешойнасига шапатиллаб, Нормирза бувага қўл силкиди. Пастда кўриб турган қария кафтларини юзига сурди:

– Илоё эсон-омон оп кетайлик, шу боланиям боши тошдан бўлсин.

Ойнаванд дўконда икки-уч кўринган Қиличбекдан бир соатгача дарак бўлавермади. Бува инқилаб-синқиллаб зиналарга тирмашди. Оёғига калиш-маҳси, эғнига узун қора чопон кийган, дупписи устидан қаргашоҳи белбоғ чирмалган оқсоқолга сиркори дўкондагилар таажжубда боқишарди. У эса парвойи-фалак алфозда ҳайҳотдай зални икки-уч айланиб чиқди, Қиличбек эса йўқ.

– Нима керак эди, ота? – сўради ўрта ёшлардаги бўйинбоғли киши.

Қария саволни тушунди, аммо жавобига қийналди-да, мезбонни бояги аноргули машина ёнига бошлади.

– Я ҳу-у Наманган, – у қўли билан олисларга ишора қилди. – Вот это «Жигули» купил, ақча давал Қиличбек.

– Оқсоқол, – дея унинг елкасига қўл ташлади бобойнинг ниятини фаҳмлаган ҳалиги одам. – Бу ерда янги моделлар намойиш қилинади, машина сотилмайди.

– Жигит Қиличбек...

– Унақа одамни танитаймиз.

– Ақча давал...

Шу можаро устига бир татар жувон кириб қолди, чол арзини айтди, у эса бош чайқади:

– Аферистга учрабсиз-да.

Кейин кўргазмаҳонага милиция чақиринди, қогоз ёзилди, бува бармоқ босди, уни маҳкамагача олиб боришди. Нормирза бува олдига ташланган бир даста суратга ҳайрон тикилди ва улардан бирида сочи елкасига тушган, кўнгиз мўйловли Қиличбекни таниб, эси оғди...

Уни ёнига утқазиб олган сержант бола икки соат шаҳар кезди, қария қаерда турганларини билмасди...

– Қаёқларда юрибсиз? – хуноб ҳолда қаршилади угли. – «Ҳозир келамиз» деб кетганича Қиличбекдан ҳам дарак йўқ. Хавотир олиб...

– Келдими?

– Келиб ушандаёқ кетган, ёнимда борини бердим, узугимниям олди. Пул етмай қолганмиди, ахир?

– О-оҳ, апирис, – ота милициянинг машинасига беҳуш суялди.

### Ҳасан йигит

Дарвозани кимдир тарақлатди-да, ортидан қўшни боланинг овози эшитилди:

– Йигит бува, ҳо-ой Йигитали бува.

– Ҳа, ҳа, мана ҳозир.

Дарвоза остонасида кўринган чақирувчи мўйсафид томон юрди:

– Омонмисиз бува, ассалому алайкум.

– Ва алайкум ассалом, қани, болам, уйга юр.

– Раҳмат, бува, зрталаб намоздан сўнг бизникига ошга чиқинг.

– Хуп-хуп...

Жойига ёнбошлаган бобойни етти яшар набираси саволга тутди:

– Отингиз Ҳасанбой-ку, бува, нега сизни Йигитали дейишади?

Чол кампирига қараб жилмайди:

– Ўзинг айтиб бера қол, онаси.

... Бир кунда гўшангага кирган Ҳасан-Ҳусанларнинг туйидан сўнг 18 йил ўтди. Ҳусанбой яқин орада қиз узатадиган, Ҳасанбой эса... Аёл ёстиқни қучоқлаб йиглай бошлайди. Эр хўрсиниб, кўчага йўл олади.

Ҳасса таяниб кириб келган қайнота обдон гап айлантирди-да, кейин индаллога ўтди:

– Сизга минг-минг раҳмат, углим. Қизимни деб умрингиз ўтмоқда. Энди...

– Тақдиримиз қўшилган куни мана шу қўлларингиз билан фотиҳа берувдингиз, – йигитнинг томоғига алам лўқмаси қадалди. – Мен ахир... Қанақасига?

Қайнотанинг елкалари силкинаверди. Етти ўгли тиниб-тинчиб, аммо ёлғиз қизнинг алами адо қилаёзган қария қиблага қараб кафтларини очди:

– Омин, эй Парвардигор эгам, мана шу углимнинг йигит бошини баланд, анави қизнинг юзини ёруғ қилгин.

Келинининг бошидан сув ўтириб ичадиган, унинг битга тирногини мингта набирага алишмайдиган қайнона ўкраб йиглаб юборди:

– Эй Худо...

Бодом гуллаган кезлари меҳмонга кетган кампир учиб-қўниб кириб келди-да, чорпояда хуррак тортаётган чolini туртаверди:

– Туринг-туринг. Суюнчини чўзинг.

Уйқуси бузилган қария хушламай хўмрайди:

– Энди кўзим илинган экан, ухлаганиям қўймайсанми, а?

– Шу топда ухлаганингиз нимаси? Тезроқ пулдан чиқаринг, қизингиздан хушхабар.

– А-а?

– Бошқоронги, бошқоронги бупти, – шивирлади кампир.

Чолнинг уйқули кўзлари чарақлаб очилди:

– Ўзингга шукур...

Ўксик жувон уч кам қирқ ёшида эгиз фарзанд кўрди: бир ўғил, бир қиз. Икки бешикни ипак-бахмалга чулғаб борган чол-кампир муборакбодга кўмилиб кетдилар.

– Берганга қуллуқ, қадр қилган қудамга қуллуқ, сабр қилган куёвимга қуллуқ, – деди бува. – Йигитмисан йигит эканки, тилагини Худо берди.

Ҳасанбой ўша кундан Йигит бўлди-қолди. Орадан неча ўн йиллар ўтди, уч ўғил, икки қизни уйлаб-жойлади ҳамки, уни ҳануз Йигит, Йигитали бува дейдилар.

## Девор

– Амакингни чақир, – деди кўзлари хиралаша бошлаган ака.

Саломсиз, аликсиз кириб келган ука бемор бошида қоққан қозиқдай қаққайди. Унинг тиканли нигоҳидан «нима гапинг бор?» деган совуқ ифодани уққан ака аламини сунгги бор ичига ютди:

– Ёлгон дунёни деб бир-биримизга кўп беҳурмат бўлдик, ука, ота-онамизнинг арвоҳини чирқиратиб яшадик. Иккимизниям юзимиз қора, кимдан ўтган бўлса – ўтди, энди чин дунёга кўзим очиқ кетмасин, мендан рози бўлгин.

– Ҳеч қачон! – чаққайди ука. – Мана шу девор жилмас экан, асло рози бўлмайман.

– Бир қарич ер улсин, жон жигарим, кўриб турибсан, мен уни гўримга орқалаб кетолмаяпман, бугун мендан қолса, эртага сендан қолади. Шу топда машмашангни кўй энди.

– Нега кўярканман! – уканинг соқоли селкиллади. – Ҳақимни еб қайга борасиз? Тобутниям маҳкам ушлаб...

– Ҳой инсон! – чинқирди амакисининг юзига илк бора тик боққан тўнгич қиз. – Немис ўлдиролмаган отамни энди сиз ўлдираркансиз. Лоақал урушга борганингиздаям одам қадрини билиб келган бўлардингиз.

– Урушга нега бормаганман, биласанми? – хунук кулимсиради ука. – Онанг битта-яримта билан уйнашиб кўймасин деб, пойлоқчилик қилганман.

– Тўхта-а, бадбахт! – хириллади жон бераётган ака. – Тур, ўғлим, деворни буз, тезроқ бўл, гўримда тинч ётайин.

Дик этиб ўрнидан турган кенжа ўғил амакисини туртиб ўтди. Унинг ёнига набиралар киришди, тўрт пахса девор «гуп» этган лаҳзада ичкаридан фарёд эшитилди:

– Вой дадам, жоним дадам...

## Ниқобдор

– Бировнинг шунча омонатини чакки олибсиз, дадаси, – деди Адолатхон отнинг калласидай тугунга қараб.

– Илтимос қилиб туриб олди-да, узи бир ёққа кетаётган экан, эрталаб згасига топшириб қутуламан, – тинчлантирган бўлди Ҳасанбой.

... Унинг уйқуси қочди. Кўзлари ачишиб, боши лўқиллай бошлади, уйқу савил эса кела қолмайди. У санашга тушди: битта сигир, учта сигир, бешта сигир... Йигит шу ётишида анчагина чорвани санокдан ўтказарди-ю, ҳовлидаги шипиллаган товуш янглиштириб юборди.

Зум ўтмай очиқ эшикнинг остонасида қора шарпа пайдо бўлди. Ярим тунда кимнингдир кутиб олишини хаёлига келтирмаган меҳмон бошига тушган гулдоннинг зарбидан гурсса қулади. Ҳасанбой пайтдан фойдаланиб чироқни ёққунча, хотини ҳам уйғонди-да, овозининг бориचा айюҳаннос солаверди. Остонада гумбаздай бўлиб ётган ниқобдор одамни кўриб, аёлнинг эхонаси чиқиб кетди. Сал ўзига келган Ҳасанбой унинг башарасидаги пайпоқни сидириб олганда, икков лол бўлиб қолдилар: инқиллай бошлаган ниқобдор Адолатнинг жияни эди.

– Адол опа, менга нима бўлди? – гўлдиради у.

– Дард бўлди, бало бўлди, опам бечорани ўлдириб қутуларкансан.

– Қўявер, – қўл силтади Ҳасанбой. – Ҳаммаси тушунарли. Ресторанга кириб кетаётганида гаплашувдик. Қўлтигимдаги омонатдан хабари бор эди...

Унинг сўзи тугамасдан дарвоза асабий гумбурлаб, ён қўшинининг ташвишли чақирғи эшитилди.

– Чакки додладинг-да, хотин, – танбеҳ берди Ҳасанбой.

– Манави йигит ўлгур юрагимни ёрворди-ку, илоё жиян бўлмай ҳар бало бўл.

Ҳасанбой дарвоза тарафга борар экан, ўнг қулининг кўрсатғич бармоғини лабига қулф қилди: «тс-с». Сўнг баланд овозда оғриқнинг олдини олди:

– Ким додлади, қўшни?

– Ие, овоз худди сизникидан эшитилди-ку, мен Адолат опамларми деб...

– Йў-ўқ, Худога шукур, бизникилар тинч, иннайкейин, опангизнинг жияни келган, меҳмон билан гурунглашиб ўтирувдик...

### Ҳисобли дунё

Болакай четга тортиб, бир нарсаларни йигламсираб шивирлагач, Одилжоннинг пешонаси тиришиб, юзига

ташвиш аломати ёйилди. Бир дам серрайиб турди-да, углининг ортидан сой томонга чопди.

– Нима гап, тинчликми? – сўрашди ярим соатлардан сўнг шалвираб қайтган Одилжондан тўйхонадаги қўшнилари.

– Қўйларни ўтлатаётган экан, қўчқоримиз сузишиб, ҳаром ўлиб қопти.

Кимдир астойдил ачиниб, «эссизгина», деди, бошқа биров «келган бало шунга урсин, бошингиз омон-ку», дея тасалли берган бўлди...

Аммо галванинг каттаси Одилжоннинг хотини ишдан қайтгач бошланди. Эрига ўткирликда қишлоқнинг пешқадами саналувчи аёл шунақанги тўполон қилдики...

– Ҳалол қўйни нега ҳаром қилиб ўтирибсиз? – чинқирди мол аччигидан кўзига қон тулган хотин. – Мана менга ҳалол...

Боягина «қўйим ҳаром ўлди» деган эр пичоқ-болтани кўтариб хотинининг олдига тушди, ёнига онасидан тарсаки еган ўгли ҳам қўшилди.

Алқисса, марҳум қўй қабрдан безовта қилинди ва хотиннинг амри билан ҳалолланди. Кўп ўтмай бозорбоп қилиб нимталанган гўшт омбордаги қозиқларда илиниб турарди.

– Икки ярим пудча юк қилди, – деди Одилжон шофёр қўшнисининг енгидан тутиб, – Беш-тўрт кило олиб қолсам булар, қолганини бозорга элиб...

– Йўқ! – чўрт кесди қўшни саркашлик билан бош чайқаб. – Машинам ҳаром бўлади.

Тўйхонадагилар ҳузурида ошкора изза булган йигит ерга қаради. Гўшт барибир сотилди. Лекин маҳаллани бу эмас, Одилжоннинг лопиллаб турган сигири эгиз бузоқни ўлик туққани ҳайратга солди.

## Жодугар

Нарироқда алпон-талпон келаётган кампирни кўрган ҳайдовчи автобусни юргизишга шошилмасди.

Иссиқ ва тирбандликда узоқ кутиш кўпларга малол келди.

– Ҳой шофёр, ўлдирасизми? – зорланди олд ўриндикдаги хушбичим жувон. – Битта жодугар кампирни деб шунча одамни йўлдан қўйманг-да.

Ҳалитдан бери унинг мойланган гунчадай лаблариға пинҳона термилган кўзлар афсус билан четга боқдилар. Жувоннинг сўзидан ҳафсаласи пир бўлган йигитлардан бири чопиб борди-да, кампирнинг тутунини қўлидан олди. Ҳамма энди уша «жодугар»нинг тезроқ келишини истарди.

– Сизгаям Худо умр берсин, сингилжон, шу жодугарнинг ёшига етинг.

Шофёрнинг бу луқмасидан жувон қай ҳолга тушди — ҳеч ким билмади. Чунки, ҳамма олд эшикка тирмашган момони кутиб олиш ва ўтқазиш ташвиши билан банд эди.

### Во дариг...

Ўсал ётган Орзумат бобонинг қўл-оёғи тун бўйи неча бор совиб, неча бор илиди.

– Отанг манавиндай ётибдилар, ишинг битиши билан изинга қайтгин, – тайинлади Зеби момо бозорга отланаётган кенжасига. – Дуст бор, душман бор, жон болам, шу бугун ичмагин. Бу уйнинг эгаси сенсан, ахир.

Назармат онасига гуноҳқорона тикилиб, бош ирғади:

– Хуп...

Бироқ у бозорга ё етди, ё етмади, бува омонатни топшириб қўйди. Тумонат дарёдай оқиб келаверди, ҳеч ёққа одам сигмай кетди. Сон-саноқсиз ҳассақаш бел боғлаб отамлайди, ҳаммасининг кўзи кўчада. Бозорга чопар устига чопар қатнайди, бири қўйиб бошқаси сим қоқади, Назарматдан ном-нишон йўқ. Пешин вақти бўлиб, масжид томонидан азон товуши

эшитилгач, издиҳомнинг ярми намозга шошди. Қуёш оғиб, шом бўлаёзганда Орзумат бувани тобутга солдилар. Элнинг боши дарвозадан чиққанда кимдир «хайрият, етиб келди-я» деди, юк босиб ётган эл бир энгилаб олди.

Назармат машинадан базур тушириб олган ёнидаги икки кишини бир силтади-да, фарёд қилди:

– Отам-мо, отам, – сўнг мувозанатини йўқотиб, юзтубан қулади, икки-уч ўқчигач, атрофни қуланса ҳид босди.

Оломон тошдай қотиб қолди, ҳамма беихтиёр ерга боқди, шунчалар оғир сукунат чўқдики, пашша учса эшитиларди.

### Сутдан оғзи куйган

– Тулов дафтарини оп чиқинг-чи, – деди маҳалла айланиб юрган монёр бола Бурузвон холага.

– Ўзингда ҳужжат борми? – буш келмади кампиршо.

– Ие, жон хола, мени танимаяпсизми? Ахир нариги кучадаги Шарофатхоннинг...

– Йўқ, – пинагини бузмади Бурузвон хола. – Танисам-танимасам, ҳужжатинг қани?

Бахтга қарши йигитнинг гувоҳномаси ёнида йўқ эди, довдираб қолди.

– Ҳар сафар келардим, биласиз-ку, – гўлдиради у.

– Билмайман! – шартта кесди кампир. – Қайси куни биттанг чолимни алдаб кетибсан.

– Йўг-е, – донг қотди монёр.

Аммо уй эгасикиссасидан олибузатган дафтарчадаги сўнги белги даъвонинг чинлигидан шаҳодат берарди. Ун беш минг сўм қайд этилган варақда ажи-бужи имзо, остида эса «шахсий кутубхона» деган муҳр.

– Ушандан буён буни ёнимда олиб юрибман, – қўлини пахса қилди хола. – Ҳужжатинг йўқми, тамом, сенгаям бермайман...

– Беминнатгина ёқиш ёқадию, тўлови чақадими? – танбеҳ берди уша кунги назоратчиларнинг ёшроги.

– Бувамиз тенги одам экансиз, бўлмаса, шартта узардик, ана унда энергиянинг қадрини билардингиз, – қизишди наригиси.

Талаб ҳақли эдики, чол бошини эгди. Уғлига неча бор айтди-я.

– Айб бизда, болам, зинҳор узаман деманг, келинимнинг чақалоғи бор, – деб қўл қовуштирди у ва яқинда почтачи ташлаб кетган пенсиясидан ўн бешта минг сўмликни ажратди.

Шундан сўнгина ҳовуридан тушган назоратчилар бу пулда етим-есир ва ногиронларнинг, дўхтир ва домлаларнинг ҳақи борлигини, электр пулини вақтида тўлаш зарурлигини яна бир карра уқтириб, тезгинада жўнаб қолишди...

– Сенга минг марта тайинламадимми? – дея иддао қилди бобой ўгли ишдан қайтгач. – Мен бўлмасам, узарди-кетарди, муштдай болаларга оппоқ соқолим билан қанча ёлвордим.

Бўйни қисилган йигит дафтарни қўлга олгач, фигони фалакка чиқди, кампир жигибийрон бўлди, алданган қариянинг ўзи таъна-дашном остида қолди...

Ана энди бутунги назоратчи ҳисоблагичнинг яқинига ҳам йўлай олмай турарди. У нақд ўн беш мингга «ухлаган» кампирга гап уқтиришга ақли етмади ва гувоҳномасини олиб келгани йўлга туша қолди.

### Ойжон янга

Ойжон янга бу қишлоққа узоқ вилоятдан тушган. Қирқ йил бурун техникум талабаси эди, Нурқул билан ушанда танишган.

Ота-оналарига балли: бу ёқдагиси «минг чақиримлик юртдан келин тушираманми» демади, у ёқдагиси «мусофарчиликка берадиган қизим йўқ», деб оёқ тирамади. Аммо Нурқул деган зот қизга

берган ваъдаларини унутди, шому саҳар ичадиган одат чиқарди, «пиён» деган ном кўтарди.

Ойжон янга бировга тишини ёрмай утаверди, жигарбағри хун бўлди-ю, узгалар олдида қон туфламади. Эридан гап очиб, ўсмоқчилаганларга «эр — ярим пир» дерди, холос. Нурқул пиённинг лойга ботганини биров кўрмади, оппоқ ёқаси кир бўлгани йўқ, шими ҳамиша қиррадор, туфлиси ярқираган...

Янганинг солиҳ ўғиллари эр етди, Худо деган аёлнинг ёруғ кунлари келди, икки йил бурун тўнғичи:

– Юринг, эна, – деди. Она-бола Маккаю Мадинага бориб келдилар...

Ана шундоқ аёл тўсатдан қазо қилди.

– Муҳтарам жамоат, – деди имом-домла таъзия чоғи. – Шу мусофир ҳожи онамиз нимаики топган бўлса, сабридан, қаноатидан, эрининг ризолигидан топди.

Ҳамма Нурқул акага қаради. Эндиликда «ҳунари»ни ташлаб, намоз-ниёзга ўтган Нурқул ўкради:

– Халойиқ, гувоҳ бўлинг, ота-онамга ҳалол хизмат қилган бу аёлдан мингдан-минг розиман, илоё уҳам рози бўлиб кетсин. Билсангиз, Ойжон эмас, Офтобжоним эди у. Анови зормонда эс-ҳушимдан бегона қилган кезлари бирор марта кучада қолдирмаган. Тункадай юмалаб ётганимда гилдирак аравага солиб, ётоғимга етказиб келарди. Биров сўраса, «дадаси кўмир обердилар» дер экан, – Нурқул ака «э аттанг-а» деб пешонасига муштлаб юборди.

Бошқа вақт бўлса, анчайин одамнинг ичагини узиб қўядиган бу гапдан шу топда ҳамманинг ўпкаси тўлди.

### Хотинини енгган эр

Буш-баёв эр билан умри адо бўлаётган Болтанисахоннинг аризаси ўринлаб, сой бўйидан томорқа тегиб қолди.

– Мана ер нақд бўлди, энди ҳаракатингизни қилинг, – қошини керди у Тешавойга.

Тирикчилиги юпунгина эр маош олган куни ярим челак мих, уч-тўртта эскирган ошиқ-мошиқ келтирди.

– Мунақада сиз йигиб-тергунча болаларнинг соч-соқолиям оқариб кетади. Ахир, ер тайёр бўлса...

Тешавой тишини-тишига қўйди, аммо иккита тахта, тўртта шифер, ўн қулоч кабель қабилдаги йигиб-териш аёлнинг жонини ҳиқилдоғига келтираёзди. Баҳор оёқлаганда Тешавой мақтаниб кириб келди:

– Бир арава шағал тўқдирдим.

– Ҳой инсон, – бобиллади Болтанисахон. – Мен ўлгур лумбиллаган ерни қўлингизга бериб қўяй-да, уч ойда сиз топган матаҳ...

Эрининг қовоги уюлаётганини кўрган жувоннинг ҳовури пастлади. Тешавой унинг кўзларига тикилди:

– Гапир, нега тўхтаб қолдинг?

– Илгари ер йўқ эди, мана энди...

– Ҳе, ургидим ўша ерингдан. Энди роса куним тугади шекилли.

Аёл тагин ҳам бўшашди:

– Мен сизга у-бу дедимми?

– Демадингми? Бир пайтлар менга ўхшаган бир шўрлик иморат сопти, унинг худди сенга ўхшаган хотини бор экан. Биттагина ёғоч камлик қилиб, шуни қайнотаси ҳадя қилибди. Икки гапининг бирида:

– Ана шу тўсинни дадам берганлар-да, – дер экан ҳалиги аёл.

Бир дона ёғочнинг миннати қирқ йил давом этиб, ахийри йигит томни очган ва ўша зормондани кўчага улоқтириб қутулган экан. Иморат ўзича битмайди, хотин. Мен қурбим етганича ҳаракат қилиб турай, эрта-индин дадам ўрик билан бодомни сотадилар, унгача бузогимиз ҳам семириб қолади, – давом этди Тешавой. – Ана иннайкейин, пешонамни боглаб лойга тушаман деб юрувдим. Аммо ҳали уй битмай туриб, миннатни бошлаганингга уч ой бўлди. Энди уйлаб қарасам, анави афсонадаги бечоранинг аҳволи меникидан яхшироқ экан. Уям тўсинни бериб, осонгина қутулган. Менга унақа омонлик қайда? Ер сеники бўлса, уни улоқтириб бўлмаса...

Болтанисахон умрида биринчи марта «ғиқ» этолмай қолди. У эрининг кўзига гилтиллаб тикилди:

– Бошингиз омон бўлсин, дадаси.

Тешавойнинг яна аллақанча гаплари бор эди, ўзини тийди. Аксинча, илк бор хотинини енггани учун голибона томоқ қирди.

### От йиғлаган кун

Бу гапни дастлаб эшитганимда ишонмагандим, бироқ Мирзаабдулла ака билан учрашгач...

– Ҳа, отнинг йиғлагани рост, – деди у. – Дадамга ўн бир йил ҳамроҳ бўлган ўша жонивор зулуқдай қопқора эди. Далада тизгинини буйнига ташлаб қўярдилар, бир қадам нари кетмай ёнларида юрар, тухтасалар, кўзларига термилганча қотиб тураверарди...

Ўша куни бомдодга яқин отам узилдилар-у, от безовталана бошлади, зорли кишнашларига, тинимсиз дупур-дупурига тоқат қилиб бўлмасди. Муродилла акамнинг гаплари билан чилвирдан бўшатиб, дарвозахонага олиб чиқдим, аммо боғлагим келмади. Жонивор ўша ерда ярим кун бошини кўтармай турди, ҳеч нарса емадиям. Жаноза ўқилиб, тобут кўтарилганда олд оёқлари билан чўккалаб олди. Бадани титраб, иккала кўзидан шаррос ёш қўйилди. Тоғам, акамлар – ҳаммамиз «дод» деб юбордик. Издиҳом елкасидаги тобут отнинг олдига қўйилди...

Овози титрай бошлаган Мирзаабдулла ака бир ютиниб олиб давом этди:

– Ҳозир сизга айтиб беришга сўз тополмайман, ука. От жонивор кишнамади, худди инсондай ўкраб-ўкраб йиғлади. Қабристонга ҳам тобутнинг ёнгинасида одамлардай одим ташлаб борди, туёқларидан «тиқ» этган товуш чиққани йўқ. Тупроқ тортилиб бўлгач ҳам чўккалаб олган от бошини кўтармай тураверди.

Менга чопон топилмай, отамнинг бир-икки бор кийилган тўнларини беришган эди. Ҳўнграганча

отнинг буйнидан қучоқладим. У таниш ҳидни олиб урнидан турди.

Мотамсаро отнинг ўша кунги ҳолини унгимда кўрганимга баъзан ўзим ҳам ишонмай қоламан. Лекин бу воқеага бутун қишлоқ, таъзияга келганларнинг бари гувоҳ бўлган.

### Замон келди

Аҳмаджон ҳожи пулни санаб оларкан, набирасининг елкасига қоқди:

– Аммо бозорда қилган бутунги ишинг учун қамаб қўйишлари ҳеч гапмасди, ўғлим.

Амиркони маҳсини қолипга тортаётган йигитча елкасини қисди:

– Нимага, бува?

– Ҳунари билан пул топган одамни ғирт текинхур ё ашаддий ўғри ҳисоблашарди-да. Мен ўзим беш жуфт туфли билан қўлга тушиб, ярим йил терговга қатнаганман.

Бу гапга тўртинчи синфда ўқийётган Икромжоннинг ақли бовар қилмади:

– Ўзим тикканман, демадингизми?

– У замонда бунақа гаплар ўтмасди, болам. Кейин идорамизга бир қулоч хат келган. Раҳматли бошлигимиз яхши одам эди.

– Номига бўлсаям сизни жазолаб қўямиз, – деди у киши.

– Хўп, – дедим.

Чунки, органдагилар барибир тиңчитишмасди. Шундай қилиб, бошлиқнинг хонасига катта-кичик тўпланди, мени гўё суд қилишди, қогоз ёзилди. Ҳалиги қогоз билан шофёрликдан бўшатиладим, гулчиликка ўтказиб қўйишди. Олти ойдан сўнггина ўз ишимга тикланганман.

Ўша-ўша нина-бигиз деса безиллайдиган бўлдим. Бувинг тушмагур мендан баттар юрак олдирган экан,

асбоб-ускунамни, шону қолипларгача — барини сандиққа солиб, қулф урди.

– Очимдан ўлсам ўламанки, косиблик қилмайсиз, – деб туриб олди.

Бир йигит умри утиб кетдики, етти отамдан қолган хунарнинг бетига қарашга ҳаддим сигмади, болаларим. Мана энди сизлар қўрқмайсизлар, хунарлининг замони келди.

### Табаррук жой эди

Оёқ-қўли чаққон йигит халта-хулта кўтарган улфати чорнинг истиқболига шошди:

– Чойхонамизга хуш кепсизлар, жойлар бемалол, қозон-товоқ етарли, кўнгиллари нима тусаса, ярим соатда муҳайё бўлади.

– Раҳмат, ука, баковул ўзимиздан, қозон бўлса бас, – деди Валишер.

Жўрабошининг бу гапига жавобан чойхоначи қўлини кўксига қўйди:

– Жоним билан, акахонлар, фақат биттагина утинчимиз бор, бу ерлар жа-а табаррук жой, шунинг учун бошлиғимиз ичкилик масаласига қаттиқ турадилар...

Маҳмуд гурунч тозалашга тутинди, Аҳмад ёг-гўшти «кубик»лашга тушди, қозонни кўриб келган Самихон сабзи-пиёзга уннади. Валишер эса «Осиё»ни қўлга олди-да, бўш чойнакни ишга солди.

– Ошқора савобдан пинҳона гуноҳ яхши.

Жизза билан муздай чойнакни икки дапқур бўшатган улфатлар энди самоварчи тарафга олазарақ қарашни ҳам унутиб, тиллари ечилиб кетди. Ўз таърифича, шакароб устига оқ пиёздан ипак эшаётган Аҳмад ун тарафидаги косагулга эркаланди:

– Сигаретингдан бир донасини лабимга қистириб қўйсанг, отам қилмаган яхшиликни қилардинг-да.

Ўз «ижоди» билан банд Валишер қарай қолмади.

– Сенга айтаман, ҳой, – ширакайф йигит пичоқни у томонга ниқтади.

– Ҳозир-да, сигарет сендан айлансин, – дея қўзгалган Валишернинг кўксига пичоқ қадалди. – И-иҳ...

Маҳмуд билан Самихон нима гаплигини англаб улгургунча жўрабошининг биқинидан қон оқа бошлади. Заррача кайфи қолмаган Аҳмад дўстини бағрига босди...

### Юнгли калиш

Меҳмон бетўхтов келиб-кетиб турибдики, духоба дуппили киши қўзгалай демасди. Шу хонанинг тасарруфи юкланган Сайдулла Саттор ҳар гал одоб юзасидан унга ҳам ош узатар ва ҳалиги меҳмон тавозе билан «баҳузур» дерди. Сайдулла Саттор «баҳузур» калимасини унинчими, ун бешинчими бор эшитганда меҳмонларнинг оёғи тортилиб қолди. Нариги хоналар йиғиштирила бошлагач, у яна духоба дуппининг ҳузурига кирди:

– Чой-пой...

– Йўқ, биродар, башарти бирорта калиш бўлса...

Ҳушёр тортган Сайдулла Саттор остонага қараб, узиникидан бўлак пайабзал кўрмади. Билдики, тала-тўпда кимдир кийиб кетган.

– Ҳозир, тақсир, – деди-да, бир зумдаёқ яп-янги калишни остонага қўйиб утинди:

– Узр, тўйгарчилик-да...

Бироқ меҳмоннинг чеҳраси очилмади.

– Мутлақо кийилмаган, яп-янги, – астойдил изоҳ берди Сайдулла Саттор.

– Маъзур тутадилар, – қўл қовуштирди меҳмон. – Бизники ҳам эскирган эмас, ичида бир энлик юнги бор иссиқ калиш эди, биродари азиз.

Сайдулла Сатторнинг кўз олдига сандиқ ёнида қўлини пахса қилиб, жавраганича қолган хотини келди. У уламанинг қорасоқол, оппоқ чеҳрасига қараб кулимсиради:

- Калишингизни мен олганим йўқ, меҳмон.
- Тўғри, аммо унинг баҳоси...
- Хўп, пулини тўлайми?
- Йў-уқ, ахир, ичидаги юнг..
- Булмаса мундай, - Сайдулла Сатторнинг энсаси қотди. - Агар хўп десалар, калиш хусусида милицияга арз қиламиз. Бироқ ҳозирча кийиб турасиз, бизнинг топганимиз — шу, тақсир. Энди юнг масаласига келсак, кўриб турибсизки, калиш ҳали ёшроқ, юнг дегани ўсадиган бир нарса. Унинг ўсиб етилишини истасалар, бемалол шу тўйхонада кутиб туришлари мумкин.
- Меҳмоннинг юзи бўзарди, юнгсиз калишни апил-тапил кия бошлади.

### Сўнги ҳумор

Ўз иқрорича Аббос Махсум икки кам етмиш йил давомида чеккан нос жамланса, бутун бошли хирмон буларкан. Саксон беш ёшида тамаки хусусида бир ҳикоят эшитдики, нос қовоғини тошга уриб, чил-чил қилди.

Носвойдан қутулган чолнинг ранги ўзгариб, уйқусига ҳаловат кириб қолди. Беш-олти йил давомида қон босими ҳам қийнамади. Бироқ тўқсондан ошгач, одамга барибир ишонч йўқ экан. Пешин маҳали мазаси қочган махсум васият бошлади, сал ўтмай тилдан қолди. Зудлик билан йўқлатилган Сайфи эшонга «келинг» дейишни ҳам удалолмади. Лекин жонсарақ бир алфозда ёнбошини пайпаслайверди.

- Носқовоқ борми? - кўпни кўрган Сайфи ака маъноли бош чайқади. - Суяк-суякларига сингиб кетган экан-да қўргур.

Аксига олиб, ҳеч кимда носқовоқ йўқ экан. Сайфи эшон токчадаги қип-қизил олмани узатди. Уни қўлига олган беморнинг нурсиз кўзлари чарақлаб кетди, тўйиб бир тикилди-да, ташлаб юборди.

Отанинг бош тарафида пичирлаб дуо ўқиётган Сайфи аканинг овози титради:

– Тамом!

### **Рост гапни ким айтади?**

Ҳоким кўрингач, биринчи ўринбосар ва беш директор шоша-пиша девор тагига тизилдилар.

– Салом, ҳоким тоға.

Ҳамма чийиллаган овоздан чўчиб тушди, етти-саккиз ёшлардаги юпун бола қўл чўзиб турарди.

– Ва алайкум ассалом, полвон, кимнинг ўғлисан?

– Фаррошнинг. Пулдан беринг, тоға.

Катта итоаткорлик билан чўнтак кавларкан, сўз қотди:

– Пулни нима қиласан, ўғлим?

– Ойимга ойлик қилиб бераман...

Катта ҳиммат қилганда, кичиклар қараб туришармиди? Ўзини қаёққа уришини билмай каловланган она етиб келди:

– Шарманда қилмай қолгур-ей, жуда шўх-да, хафа бўлманг, – деганча койинар экан, болакай бир даста пулни санаб борарди.

– Энди дарсга борарсан, йигит? – кулди ҳоким.

– Бормайман.

– Нега?

– Хоналар совуқ, қулогим қотиб қолади.

Қовоғи уюлган ҳоким қўл қовуштирганларга танбех берди:

– Бирортангиз ақалли шу болачалик рост сўзни айтолмайсиз.

Барча мум тишлаган. Катта хонасининг эшигига калит соларкан, ёрдамчига тайинлади:

– Отажоновани топинг, соат иккига, ҳамма директорларни йигсин. Ўзимизнинг газначига айтинг, ҳозироқ фаррош опанинг маошини берсин.

## Одам борки...

Чакаги очилган бола музқаймоқ хархашасини, йигисини тўхтатмайди, онасининг юзини тимдалаб, исирғасига чанг солади.

– Амакиси, буни бир уришиб қўйинг, – утинди аёл ёнидаги бадқовоқ ҳамроҳига.

У Али тажанг деган аравакаш бўлиб, носвойнинг хумори тутгани устига, болакайнинг йигисидан обдон тўйиб ўтирганди.

– Овозингни учир, ҳароми, – ўшқирди берилган имкониятдан фойдаланган тажанг. – Ҳе, падарингга лаънат! Отанг муз еб, энанг қаймоққа бошқоронги бўлганми, итвачча?

Боланинг дами чиқмай қолди, онанинг ранги учди.

– Қандоқ одамсиз? – унинг лаблари титради. – Сизгаям айтаманми-я!

– Нима қилай, а? – кузларини чақчайтирди аравакаш.

– Шунчаки қулоғингни кесаман, укол қиламан, десангиз бўлмайдими?

– Уко-ол? Мен сенга духтирманми, ойимтилла?

– Боринг-е, гапингизни ел есин, – юзини терс бурди «ойимтилла».

Али тажанг «дик» этиб ўрнидан турди-да, носқовогини олиб удағайлади:

– Укол дейсан, қулогини кес дейсан, мен пичоқ тақмайман, ахир. Сендақа шаллақи билан йўлдош бўлгунча тушиб кетиб қутулай.

Автобус тўхтади, аравакаш тушиб қолди. Болакай яна фарёд бошлади, лекин унинг «хўнари» ҳеч кимга малол келмасди.

## Қарганинг қилмиши

– Исирғамни берасизми, ука?

Томдан тараша тушгандай савол кичик овсинни кўчанинг ўртасида таққа тўхтатиб қўйди.

– Ҳазиллашманг, опа.

Катта овсин буш турган қулогини курсатиб, умидвор жилмайди:

– Битгаси қани? Кўз олдингизда олиб, жўмрак ёнига қўйдим-ку.

– Зор қолгурингизга қўлимниям теккизганим йўқ, – бўғилди кичкина.

Катта ундан баттар хуноб бўлди:

– Ўсмамни ювдим, уйга кирдимۇ чиқдим. Ҳовлида сиздан бўлак ҳеч ким йўқ эди.

– Сизга ўғри бўп қолдимми, опа?

– Хуп, ўғри бўлмасангиз, беринг-да исиргамни.

Бири айтган, бири қўйган овсинлар уйга қайтиб киришди, туй ҳам қолди. Кечки пайт қизиникидан қайтган кампир аралашди, хуллас, тугишгандай овсинлар орасидан оламушук ўтиб, араз-гараз ойларча ёзилмади...

Кузақда теракка чирмашган қайроқи пишди, узум узгани чиққан Ганитой қийқириб қолди:

– Исирга, тилла исирга.

Қулоги динг қайнона терак шохидаги саватдай уяга қараб койинди:

– Ўғри бўлмай ҳаққа ўлсин. Худога минг шукур, менинг уйимда ўғри йўқ дегандим-ку. Қарга қуриб қолгурнинг қароқчи экани ёдимга келмабди-да.

Икки овсин бир-бирларини қучоқлаб йиглаб юборишди.

## Суюксиз тил

– Даладан қайтишда уйга кирамиз, – деди раис вакилга.

– Қандай бўларкин?

– Барибир тушлик қилишимиз керак, унгача келинингиз ҳам мактабидан кеп қолади, – деган мезбон шофёрга рухсат берди-да, ўзи рулга ўтириб, моторни ўт олдириди...

Йул четидан жилмайиб утган кўзойнакли аёлга ишора қилган меҳмон деди:

– «Очкарик» бўлсаям кетворган эканми?

– Ёмонмас, – кушламайроқ жавоб қилди раис.

– Юзини ёстиққа қўйганда кўзойнагини оп қўярмикан? – сулолди вакил.

– Сураб берайинми? – раис жавобни ҳам кутмай «Волга»ни изига қайтарди ва бояги «очкарик» жувон кириб кетаётган дарвоза қаршисида тормозни босди.

– Қани, тушинг-чи.

– Ростдан сўрамоқчимисиз? – бузрайди вакил.

– Нималар деяпсиз? Бу бизнинг кулбаи вайрона, аввал иқтисод, келинг, дала айланиш қочиб кетмас...

Шурлик меҳмон бир замбил бўлиб қўзғалди. Кўзойнакли жувон эрининг иззатидан очиқ чеҳра билан қаршилади, дастурхонга борини тўкиб солди. Вакил бечоранинг боши тикланмади. Беканинг на юзига, на кўзойнагига қарашга ҳадди сигади. Фотиҳа уқилиб, машинага ўтиришаркан раис:

– Ие, – деб юборди.

– Ҳа-а? – Ҳайрон бўлди вакил.

– Анави гапни сўрамадик-ку, – қувлик билан илжайди мезбон.

Лоладай қизарган меҳмон ерга қаради.

– Ё ўзим айтиб бера қолайми?

– Э-э, қўйинг, – вакил қулини кўксига босганча бош чайқади. – Суяксиз тил ўлсин, биродар...

### **Духтирнинг дарди**

Бир соатдан буён кўчага термилавериб хуноби ошган Абдумажид кечиккан духтирга заҳрини сочди:

– Сизларни чақирган одам келгунингизча омонатини топшириб қўя қолади-да, ўзиям.

– Қўйинг, ака, энди сиз ҳам ярамни тирнаманг, – афтини бужмайтирди беморнинг қон босимини улчай бошлаган оқ халатли йигит. – Врач шу кунда ҳеч кимга одам саналмай қолган...

Машина бу ёққа келаётганда йўл-йўлакай хабар қилишадики, ўртоқ Фалончиевникига кириб ўтиш зарур, ўгилчаси ҳаммаёқни бузаётган эмиш. Кириб билсаларки, кенжатой боқаётган лайчанинг думи узилиб кетган, чақиртирилган ветврач эпломаслигини айтган. Болакай эса тинимсиз фарёд уради, ўртоқ Фалончиев зудлик билан бош ҳақимга қўнғироқ қилади, у эса «03»га...

– Демак, итнинг думини улаб бердим денг?

– Қанақасига улайман, иложи йўқ, ахир, – қулочини керди врач. – Иннайкейин, ака, мен инсонларни даволашим керак, сизга ўхшаган қанча одам йўлимга қараб ўтирибди.

Иситмада куйиб ётган беканинг кўзлари очилиб кетди:

– Вой ноинсофей, – инқиллади аёл. – Итга-я, итга «тез ёрдам» чақирибдими?

– Сиз ташвишланманг, опа – жилмайди дўхтир. – Сал шамоллабсиз, дори ёзиб бераман, икки-уч кун режим қиласиз, ўтиб кетади.

– Кейин нима бўлди? – сўради Абдумажид.

– Нима бўларди, ўртоқ Фалончиевнинг ўгли чинқирганича қолди. «Давлатнинг пулини текинга олиб, ақалли итнинг думини улай олмайдиган сендай оқ халатлиларга ҳайф, еган нонинг ҳаром». Ана шундай баҳони олиб у ердан чиқувдик, бу ерга кириб, сизнинг баҳойингизни...

– Э-э, қўйинг энди, – Абдумажид дўхтирнинг елкасига қўл ташлади.

– Хафа бўлманг, дўхтир, – қаддини тиклаган бемор термосдан чой қўйиб узатди. – Садқайи амалдор кетсин, ўз иззатини билмаган одам экан.

– Қалай, опа, сал енгилладингизми?

– Анча дуруст, – уколдан сўнг ўзига келган аёлнинг чеҳраси ёришганди. – Сиз-чи?

– Яхши, – кулимсаради юрагини бўшатиб олган дўхтир.

## Ота ва ўғил

Немисни қувлаб Берлингача борган Нурмамат буванинг юзига чертсангиз қон томадики, шаҳарлик ўғли ҳавас қилади.

Биринчи қаватда турадиган ана шу ўғил «дом»нинг олдидаги икки бўйра жойга темирдан ишком қилдирган. Якшанба куни сўрига тирмашган бир тупгина узумни хомток қилиб, ҳол-жони қолмаган зиёли тушгача дам олди-да, сўнг қишлоқдаги ота-онаси зиёратига отланди.

Нурмамат бува картошка чопаетган эди. Гурсса-гурсса кетмон солаётган қария ҳар зарбида ярим замбар тупроқ кўпоради. Меҳмон ўғил ҳам енг шимариб, кафтдўйгина кетмонни қўлига олди.

– Сен йўл юриб келдинг, аввал нафасингни ростлаб ол. Манави қўлларга бунақа ишлар нима бўпти?

Йигит отасининг дафтардай келадиган қадоқ кафтига бир қараб олди-да, ўзининг оппоқ, этдор қўлини киссасига яширди.

– Сиз ишласангизу, мен ўтирсам...

Неча йиллардан бери шудгор ораламаган «городской»нинг ишидан чол қониқмасди. Ўғил азбаройи орият учунгина кетмон солаётгани билиниб турибди. Қолаверса, картошка мунақа чопилмайди-да. Терга ботган, толиқиб, адои тамом бўлган йигит бир зум қаддини тиклади. Уни зимдан кузатиб турган ҳушёр қариянинг кўзи кетмон сопи қизариб кетганини илғаб қолди.

– Қўлингни кўрсат-чи?

«Отамдан қолмайман» деб тиришаверган йигитнинг қабарган қўллари қонай бошлаганди.

– Қуй, ўғлим, қийналма, – жони ачиди Нурмамат буванинг. – Юр, энанг шўрва солган, буни эртага ўзим боплаб ташлайман.

– Келинг, дада, тагин бир оз, – чиранди силласи қуриган меҳмон.

– Бас! – чўрт кесди юзи жиддий тус олган чод. – Бу картошка бўлса, сен теплицада ўсган гул бўп қопсан, сенгаям парвариш лозим, шекилли.

Ўз гапи ўзига нашта қилган қариянинг юзига кулгу ёйилди. Отасига тан берган ўғил ҳам жилмайшдан ўзга чора топмади.

### Профессорнинг ҳақиқати

Илк сабоққа кирган профессор Келдиев дарсни танишувдан бошлади.

– Отанг нима иш қилади, болам? – сўради у биринчи қаторда ўтирган талабадан.

– Қурилиш трестида бошлиқ.

– Тушунарли, – қўл силтади профессор. – Сеникичи, қизим?

– Ревизор.

– Ҳа-а... – маъноли томоқ қирди домла, қизча лавлагидай қизаринди.

– Уғлим, сен кўзимга иссиқ куринасан-а? – танишувни давом эттирди Келдиев.

– Шоир Мирқўзи Мирқўчқорийнинг укасиман.

– Ҳа-ай, – ҳафсаласи пир бўлган профессор бош чайқади. – Бирорта ишчи ё деҳқоннинг боласиям борми ораларингда?

– Менинг дадам пахтакор, – қўл кўтарди Тоживой.

– Хайрият, – мамнун жилмайди домла. – Қаранг, биттагина камбагалнинг боласи бор экан, иқтидор барибир енгиб чиқади, порахўрлик илм йўлига гов бўлолмайди. Келинг, ҳурматли амалдорваччалар, оддий деҳқоннинг ўғли бўлмиш мана шу йигит сизларга «староста» бўлади.

... Кечки пайт қундуздай қоп-қора «Мерседес» Кўкчадаги паловхонага йўл олди. Ҳайдовчининг ёнида ястанган Келдиев ҳамроҳига ҳавас билан боқиб деди:

– Меҳнатларингиз бугун яна бир бор тақдирланди, ўғилчани ўттиз талабага бошлиқ қилиб қўйдим, Мирқулмат Миргулматович...

– Манавини хорижда атай сизга олгандим, – Мирқулмат Миргулматович узук узатди. – Сессиядан сўнг амалдорликдан қўл ювдим, менга фермерлик тузук экан...

### Шунақага ўхшайди

– Бу ердан кечалари ўтар бўлсанг, калима ўгириб, тезликни пасайтириб олгин, – уқтирди Ҳожи ака орқа ўриндиқдаги ўғлига.

– Нега, дада?

– Анови тўпсаданинг остидаги эски қабрга улуғ бир одам дафн қилинган.

– Қайси сада?

– Ҳу-ў ана. Чироқ ёниб турибди, – чап қўлида папирос тутган ота ўнг қўлини рулдан олиб ишора қилди: – Пастга қарагин, ана-ана, ҳо-ой, и-и-й...

Орқадаги ўғилнинг боши пешойнага урилаёзди, отанинг кўкси рулга қапишди, «Тико» бугилиб наъра тортди-да, моторнинг уни учди. Машина томбўйи бугдой гарамига санчилганини англагунларича гуё соатлар ўтди. Ота-ўғил тошдай бўлиб сассиз-садосиз қанча ўтирдилар — Худо билади...

– Парвардигор ўзи асради, – деди энди орқага ўтиб олган Ҳожи ака рулдаги ўғлига.

Ҳали ҳам титроғи босилмаган йигит машинага ут бераркан, оҳиста сўзланди:

– Айтганингизча борга ўхшайди, дада.

– Рост-рост.

– Афтидан бу жойларда тамакиям тутатиб бўлмайди шекилли, – кулди ўғил.

Эндигина сигаретини тутатмоқчи бўлиб турган Ҳожи ака қўлидаги зормондани деразадан улоқтирди:

– Шунақага ўхшайди, ҳе-е қуриб кетсин.

## Собир дев

Асирларни Днепрнинг унг соҳили бўйлаб ҳайдаб кетишарди. Улар орасида жуссаси хирмондай келадиган, бўйи икки газдан мўлроқ Собир дев ҳам бош эгиб боради. Немисларнинг кўзойнакли каттакони унга қараб воҳа-воҳа кулади, икки-уч марта «Геракл» деб қўйди. Ит етаклаган биттаси Собир девни унинг олдига судради.

– Жаноби полковник билмоқчиларки, сен азиат қандай қилиб қўлга тушиб қолдинг? – бижиллади таржимон аёл.

– Ярадор эдим.

Немисларнинг каттаси тагин нимадир деди.

– Қанча юк кўтара оласан? Жаноби полковник шуни билмоқчилар.

Ўзига керак сўзнинг русчасини тополмаган ўзбек ўрта ва кўрсаткич бармоғини ҳавога ниқтади.

– Икки юз киломи?

Собир дев бош силкиди, машинадаги немис «во-о» деди. Бадбахтларга эрмак топилди, колонна тўхтади. Сув бўйида занглаб ётган темир сандиқни асирларга судратиб келишди.

– Шуни дарёгача кўтариб борсанг, бир қути сигарет оласан.

Собир дев чекмасди. У юкдан ҳам кўра орадаги масофани чамалади, юз метрдан кам эмас. Юрагида нималигини ўзи ҳам англамаган галати бир умид уйғонди, индамай елкасини тутди. Полковникнинг буйруғи билан асирлардан олти-еттитаси ҳалиги темирни Собир девнинг гарданига қўйгунча терга ботди. Сандиқ савил ун беш пудча бор экан, «дев»нинг бурни ерга тегаёзди. У тобора букчайиб, битта-битта одим ташлайди, бир гала немис ортидан қарсак уриб боради. Мана дарёга ҳам етди, аммо у тўхташни хаёлига келтирмади. Сув тўпигини кўмди, кейин тиззасига чиқди. Анча нарида қолган немислар ҳамон чапак чалиб, қийқиришарди.

Собир дев белигача сувга ботгач, овозининг борича ҳайқирди:

– Эй Худо, ўзинг мадад бер.

У бир силкиниб, елкасидаги юкдан қутулди-да, «ҳайё-ҳайт» деб сувга шунгиди. Томошанинг бундай тугашини кутмаган душманлар оғзи очилганича туриб қолди. Кўзойнакли немис чинқиргачгина ҳаммасининг ҳуши ўзига келди, автоматлар тирилмай кетди, дарё юзига ёмғирдай ўқ ёгилди. Сув остида нафас олмай Сирдарёдан минг марта сузиб ўтган ўзбекни тутиб бупти энди...

### **Ажали етмаган чивин**

Мамажон туртиб юборган немис майсазорга ёнбоши билан тушди.

– Нега уруш бошладинг, аблаҳ?! – бақирди даргазаб наманганлик.

Умрида бирор калима ўзбекча сўз эшитмаган асир атрофидаги партизанларга жавдиради.

– Мана сенга!

Мамажоннинг тепкисини еган немис қорда қолган кучуқдай гужанак бўлди. Яна уч-тўртта этик ишга тушгач, тутқуннинг тумшугидан қон оқа бошлади. Мамажон автоматнинг қўндоғи билан солмоқчи эди, командир тўхтатди:

– Ўлдириб қўйсанг, маълумотни қайдан оламинг?

Шунда кутилмаган ҳодиса рўй берди. Оёқлар остида мурдадай ётган асир ўрнидан туриб, чопа кетди. Кўз очиб-юмгунча чоғроқ ҳовлидай келадиган сайҳонликнинг охирига етиб қолди. Ўндан ортиқ партизан тепкини босди. Немис лаънатига ўқ тегмасди. У шуначалар тез чопардики, ҳаш-паш дегунча дарахтлар ортида кўздан йўқолди.

Йигитлар икки соат қидиришди, немиснинг на ўлиги, на тириги бор эди. Командир афсусланди:

– Аслида ўлдириб қўя қолганимиз дуруст экан.

Мамажон эса поездга чиқаётганида бузаси айтган гапни эслади:

– Қирқ йил қиргин бўлса, ажали етмаган чивингаям ўқ тегмайди.

### Ботқоқликда қолган сир

Бойқурбон ва Дима разведкадан қайтишарди. Йўлни яқинлаштириш учун ботқоқликдан юрдилар. Унинг уртасида қатор-қатор таёқ суқилган сўқмоқ бор, аммо оёғи тойган одам бир зумда тубсиз балчиққа гарқ бўлади...

– Дима-а! – деб бақирди Бойқурбон.

Шошиб қолган Дима автоматнинг қундогини узатди, кўксигача лойга кўмилган Бойқурбон бир силтаниб чап қўли билан осилди. Лекин барибир ўнглолмади, жон аччигида яна бир тўлғонган эди, ўнг қўли ҳам қундоққа етди. Кутилмаганда автомат тириллади, Дима чалқанчасига қулади. Бойқурбон тепкини босиб юборган экан...

У халоскорини опичлаб, ярим тунда ўз қисмига етиб келди. Йўлма-йўл суқиниб келган Дима энди тилдан қолган, хирилларди, холос. Икки санитар уни замбилга олаётганда командир сўраб қолди:

– Пистирмага дуч келдиларингми?

Бойқурбон беихтиёр бош силкиди. Врач операцияга тайёрланиб улгурмай Диманинг жони узилди ва ботқоқликдаги сирни ҳам ўзи билан қабрга олиб кетди.

## ҲАЖВИЯЛАР

### Дайди хўроз савдоси

Қундузхон тун бўйи тўлғониб чиқди, ёнбошини ер искагани йўқ.

– Мен хотинмасманми? – томогига зўр берди у. – Мен ердан чиққанманми? Қачонгача ҳалол тўшагимни ҳаром қиласиз?

У қўлидаги норғучни қарсиллатиб деразага уриб, ойналарни чил-чил қилди. Ҳозиргина эшиқдан кириб келган Турсунбой кўзи қонга тўлган аёлнинг қўлига ёпишди:

– Эсингни йиг, уят бўлади.

– Уят?! – Қундузхоннинг овози икки-уч парда баланглади. – Сиз ҳали уятниям биласизми?

– Жинни бўлдингми, жон хотин? Келининг эшитса...

– Эшитсин, би-ир эшитиб қўйсин, – у товушининг борича шанғиллади: – Ҳой қизим.

– Лаббай, ойижон.

Турсунбой баттар қўнишди. Қундузхон чақирिशга чақирди-ю, гап тополмай каловланаркан, беихтиёр панжара ортидаги хўрозга кўзи тушиб қолди:

– Анави улғурни тутиб чиқинг.

Калайи саҳардаги можаро сабаб ҳали қичқириб улгурмаган бегуноҳ жонивор даргазаб хотиннинг қўлида потирлади.

– Хўроз дегани дайди бир махлуқ бўлади, – дея эрига бепарво қараб олган аёл келинига уқтира кетди. – Қайчини оп келинг-чи, ҳа-а балли. Агар хўрозим дайдимасин десангиз, қуриб кетгурнинг қанот-қуйругини қирқиб ташлайсиз. Бўптими, қизим?

Илло, дайди хўроз савдоси ҳали бошига тушмаган келин ҳеч балони анлагани йўқ. У бир қайнонасига, бир қайнотасига жавдираб олди-да, кўзларини ерга тикиб, бош силкиди:

– Хуп булади, ойижон.

Кескир қайчи шарт-шурт қилаверди, салгина бурун товусдай товланган хўроз бечора лаҳзада хунук бир махлуққа айланди-қолди. Унга раҳми келган Турсунбойнинг қўллари беҳол кўтарилди-ю, ёнига шалпайиб тушди. Гапирай деса, тили айланмайди, «э-э» дея олди, холос.

– Эрингизга айтинг, – буюрди қайнона. – Тезда сўйсин, яхшилаб тозаланг, тушликка шўрва соламиз, илоё дайдимай қуриб кетсин.

Турсунбой хотинига мунгайиб боққанча бош чайқади.

– Ҳа-а, – тикланди Қундузхон. – Нега аммамнинг бузогидай бакраясиз? Силлангиз қуриб, улай деб қопсиз, ана жойингиз тайёр, кириб ёта қолинг.

– Бир огиз мендан ҳам сўрайсанми?

– Сўраб нима қиламан? Баҳонангиз доим тайёр туради. Шунча ёлгон гапириб, тилингиз тортилиб қолмаганига ҳайронман. Нега соқов бўлиб қолмайсиз, а?

– Агар ёлгон гапирган бўлсам...

– Э-э, энди қасамхўрликка ўтдингизми? – Товуқ тозалаётган келин тарафга қараб олган аёл ерга муштлади. – Қасамингизнинг касриям урсинми энди?

– Ахир, Қулматникига меҳмон келиб...

– Қани кетдик, – норғучни қўлига олди тоқати тоқ бўлган аёл.

– Қаёққа?

– Ҳозир уша Қулматингизникига борамиз, дарров олдимга тушинг-чи.

Қундузхон бу сўзларни шундай оҳангда айтдики, шу топда унинг ҳузурида Турсунбой у ёқда турсин, Афлотун бўлса ҳам бўйин товлай олмасди...

– Хўжайин Самарқандга кетувдилар, – уларни кулиб қаршилади Қулматнинг хотини.

– Ахир кечқурун бирга эдик-ку? – Мингирлади бошидан қайноқ сув қуйилган Турсунбой.

– Ярим кечада қунгироқ буп қолди-да.

– Тухтанг, – бир қадам олға босиб, аёлнинг сочига чанг солишга шайланди Қундузхон. – Эрингиз йўқ бўлса, Турсунбой акангизни нега оп қолдингиз?

Қулматнинг хотинини титроқ босди, ранги қув учди. Ҳозиргина кулиб турган кўзларида ёш гилтиллади. Сўнг бир сўз демай дарвозани қарсиллатди-да, жавраганича кетаверди:

– Каллайи саҳарда тухмат қилмай Худонинг балосига учрагин. Эрингни пишириб емайсанми, мен уни бошимгаям урмайман...

– Булар иш бўлди, хотин, шайтоннинг сўзига кирма, – деб ёлворишга тушган Турсунбой бошини нишонга олган норғучни кўриб, ура қочди.

– И-ий, – нотаниш ўткинчи ўзини базур четга олди.

Жон аччигида қочиб бораётган йигит билан гаврон кўтарган аёл ўқдай ўтиб кетдилар.

### Қизил эчки ҳаром ўлди

Тиркашвой шарқираган анҳор бўйига дукон қурди, олд тарафи катта йул, унги томон пахта, чапда тутзор. Савдо ёмонмас. Фақат пештоқидаги «Шорвон чўтир» ёзуви маҳалла оқсоқолига ёқинқирамайроқ турибди. Раҳматли бувиси чўтир бўлгани билан бағоят овози ўткир яллаци эди...

– Дуконлар муборак, – овоз қилди Мирза чулоқ.

– Қуллуқ, ака, – пешвоз чиқди Тиркашвой.

Гап шундаки, эрталаб эгарга ўрнаштириб қўйилган Мирза тоға отдан тушолмасди. Шу боис у тўйхоналар эшигида ҳам чавандоз ҳолича қўл боғлар, «хуш келдингиз, яхши боринг», «опке-обор» қабилида фармонбардорлик қиларди. Баъзилар «у отдан тушмай таҳорат ушатади» дейдиларки, бу муҳтарам тоғага нисбатан бўҳтондан бошқа нарса эмас. Лекин ушбу хусусдаги бир қусур у минган отга хос, яъни суворий тоға тарк этган жойда курак ва супурги ишлатилиши

бор гап. Бу масалада Мирза тоганинг зигирча айби йўқ, албатта. Негаки, от деганлари безабон бир жониворки, «бу ер тўйхона, унақа қилмагин, уят бўлади» деганингизни тушунармиди?

Хуллас, ана шу маълуум ва машҳур тоға Тиркашвойнинг дўкон очганини эшитиб, муборакбодга келганди, остида эгар-жабдуқли ҳамроҳи.

– Илоҳо, омин Худо савдоларингга ривож берсин, Шорвон опагинамнинг руҳлари мададкор бўлин, – дуо қилди «тахти равони»да савлат тўккан Мирза чўлоқ.

– Қарамайсизми, – зорланди Тиркашвой. – Нон емас оқсоқолингиз дўконнинг номини алмаштирасан деб бошимни қотиряпти-да.

– Ҳукуматчилик, ука. Майли, «Саримсоқ кал» деб қўя қол. Локигин буванг ҳам кўп яхши одам эди. Бир улфатчиликда икки яшик вино ичган эдик раҳматли билан.

– Чойимиз бор, – манзират қилди «Шорвон чўтир»нинг соҳиби.

– Чойми? Чой уйдаям бор нарса, – ичкарига имо қилди тоға. – Анавинингдан биронта оча қолсангчи, жа-а аччигидан бўлмасаям майли, «қизил эчки» юмшоқроқ.

– Оҳ-оҳ, – дўконнинг ёнгинасида новда кесаётган Боқи пиёнга жон кирди. – Ширин сўзларга жоним тасадуқ, манавинақа толиқиб турганингда бир пиёла мусаллас...

– Ичкилик ёмон нарса, – уларни инсофга чақирди гўзага сув тараб, тутнинг остида елпинаётган Тожи махсум.

Харажат билан мурасаси йўқ Тиркашга асли махсумнинг амри маъруфи маъқулроқ эди. Негаки, Мирза тоға бировдан қарз олса, икки дунёда қайтармайди. Боқи пиёнда эса сариқ чақа бўлмайди, хотини тушмагур чўнтагини қоқлаб олибгина кўчага чиқаради. «Чавандоз» тоға гап қилди:

– Кўп какиллайверма, ука, пулини тўлайман.

«Тўлаб бўпсан» кўнглидан ўтказди Тиркашвой. Ўзининг ичгиси йўқ эди, аммо ақалли бир улушнинг

кўзи очиқ кетмаслиги учун учта пиёлага қуйди. Тутнинг устида жавраб жонига теккан Боқи пиёнга хўмрайди:

– Сизга қандай узатдим энди?

– Иложи бор, – деган Боқивой ўргатиб турди, Тиркаш лиммо-лим пиёлани кетмоннинг бетига ўрнаштирди ва бўғзидан тутиб, сопини юқорилатаверди.

Бу кори ҳолга кўзи тушган Тожи махсумнинг ранги бўзарди ва:

– Ҳой, бадбахт, кетмонимни мурдор қиласан, – дея Тиркашнинг қўлига ёпишди.

Бир лаҳзагина давом этган «кураш» тошга тушган пиёланинг ноласи билан якунланди. Шурига шўрва тўкилган Боқивой шарт-шурт новда кесаркан, оғзидан боди кириб, шоди чиқаверди.

– Насиб қилса келар Шому Ироқдан, сенга буюрмаган, Боқивой, хафа бўлма, – тасалли берди ўз насибасини қўлига олган Мирза тоға. – Тиниқлигини қара-я, ба нияти шифо...

Ҳалитдан бери гўнгиллаётган сўна биянинг думига қўнди, кейин қуйроққа ўрмалаб... Отнинг тўсатдан шаталоқ отиши билан иккинчи пиёла ҳам завол топди. Оғзига тегиб турган нақд насибадан айрилган Мирза чўлоқнинг сўкиниши олдида Боқи пиённинг деганлари ҳеч гап бўлмай қолди. Нозик жойини сўна чаққан жониворнинг ёнбошига устма-уст қамчи тушаверди, туёқ товуши қирлардан акс садо берди: тақа-тақ, тақа-тақ, тақа-тақ.

Бутун бошли «қизил эчки» ва чилчил бўлган икки пиёланинг доғу ҳасрати Тиркашни адои тамом қилганди. У алам билан ўз улушини қўлга олди-ю:

– Падарингга лаънат! – деб юборди.

Шаробга обдон тўйган пашша эса отаси ҳақидаги бу ҳақоратта парво ҳам қилмади ва май юзида мастона сузишни давом эттирди. Даргазаб Тиркашвой бу сурбетликдан баттар тутоқди-да, лиммо-лим пиёлани қулочкашлаб тошга урди...

Кетмонини ариқ суви билан поклаётган Тожи махсум газак берди:

– Ажаб бўлди, хуб бўлди, «қизил эчкинг» ҳаром улди.

### «Томсувоқ»

Ёнида бир сиқим нос юрмайдиган Собир сурнайчининг мутгасил тилаб чекиши труппанинг жонига тегди.

– Носингдан ол-чи, – ҳар галгидек кела солиб қўл чўзди сурнайчи.

– Қовоғим уйда қопти, – саркашлик билан бош чайқади ногорачи.

– Сенда бордир?

Карнайчи киссасига шапатилади:

– Туйлар тўхтагандан буён ҳамёнда ҳемири йўқ, уста. Носга пул қаёқда?

Хумори тутган сурнайчи ҳамма шогирдларига бир сидра умидвор қараб чиқди ва исённи англади. Ичида «сенларни қараб тур» деб олгач, барини огзига қаратди:

– Битта биродаримиз қиз узатадиган бўлиб...

Шогирдлар шоша-пиша чўнтак кавлагани тушдилар.

– Аввал би-ир ақлни пешлаб олинг, ака.

Уста қатор носқовоқлардан бирига илтифот қилди. Сархушлиқдан кўзлари сузила бошлаган сурнайчига думбирачи илтижо билан боқди:

– Биз қачон борамиз, кечқурунги базмгами ё наҳор ошигами?

– Ўжи жа-а шенларбоп жой, Худо хоҳлаша, биттадан қўй боглаб олашанлар.

Устанинг бу гапидан сўнг юраклар така-пука бўлди, қишнинг касод кунлари қийнаб қўйган санъат аҳлининг хаёли бутун бошли қўйга етадиган бир кунлик тушумга кетди. Сурнайчи тушмагур эса бердисини айта қолмайди.

– Манавиниям бир кўринг, Чинободники. Тамакиси жа-а тоза, – бетоқатланди «ёғоч оёқ».

Собир сурнайчи унинг ҳам сазасини ўлдирмади ва ҳозиргина бўшатишга тилнинг ости тагин бир кафт насиба билан тўлди.

– Энди, укалар, шижларга гап мундоқ...

Шогирдларнинг вужуди қулоққа айланди, бирор-тасининг бирорта киприги қилт этмасди, уста «ўл» деса, ўлишга ҳозир эдилар.

– Ҳаммангни эл хижматига ўжим бошладимми?

– Албатта, ака.

– Карнайни Маргилондан, ногорани Андижондан, қўшнаини Хоражмдан ким ол келган?

– Сиз-да, уста.

– Ёғоч оёқни ўжим мана шу қўлларим билан йўнганимни билашанлар-а?

– Булмаса-чи.

– Мингта тўйга бордикми?

– Бордик, уста.

– Бирор шўмни ортиқча кишшамга урдимми?

– Йўқ, йўқ.

– Булмаша...

Уста оғзини бўшатиб, бир зум тек қолди. Шогирд бечоралар илҳақ. Масхарабоз бош бармоқдай шиша узатди:

– Ака, мана шуниям...

Унга беилтифот қараб олган сурнайчи «ёғочоёққа» ўқрайди:

– Чинободники деганинг маргимуш шекилли, баттол, тилимни қовуриб қўйди-ку.

«Ёғочоёқ» мулзам тортди, умидвор санъат аҳлининг дами ичига тушиб кетди. Жимликни яна устанинг ўктам овози бузди:

– Эртага...

Ҳамманинг юзи ёришди.

– Эртага денг, ака?

– Ҳа, эртага боришимиз керак эди, – дея шогирдларининг юрагини ўйнатиб олган Собир сурнайчи хотиржам давом этди. – Локигин дўстимнинг Учқўрғондаги кичик қудасининг Тўрақўрғондаги катта буваси қазо қилиб...

Ҳамманинг тарвузи қўлигидан тушди, қўлдаги қовоқлар чўнтакка жойланди.

– Нега ушшайиб қолдиларинг? Бир ҳафтага кечиккан, холос. Аммо айтиб қўяй, фақат даврада тушганни оласанлар, қадрдон дўстим бўлади-я.

Шундай дея қатъий бош силкиб олган устанинг охириги сўзи ўлганнинг устига тепгандай эди:

– Бир кунга ҳеч нарса қилмайди, бу ёғи «томсувоқ»...

### «Д»нинг каттаси

– Дадабоев Эркинни омон-эсон кузатиб олсак, битта чойхона палов меъдан, – дея жўмардлик қилди Қозоқов домла.

Директор шундай деб тургач, бошқа муаллимлар ҳам қўлларидан келган ёрдамни аяшмади ва Дадабоев Эркин уч имтиҳондан оппа-осон ўтиб кетди. Сўнги синов куни эди.

– Манави кимники? – эълон қилди у сахтиён бир дафтарни баланд кўтариб.

Парта остидан олинган топилмага назар солган янги муаллима бошини чангаллади:

– Дадабоев Эркин деб ёзилибди-ку, жон болам?

– Ие, ўзимникими? – анқайди Эркинбой.

Нафаси бўғилган муаллима бошини сарак-сарак қилди:

– Фамилиянгниям ўқиёлмайсанми?

– Ўқийман опа, – мултайди Дадабоев Эркин. – Катта «Д»ни энди ўқиб бўлувдим, сиз кеп қолдингиз-да...

Алқисса, Дадабоев Эркиннинг номига ҳам етуклик ҳужжати битилди, ўқитувчилар Қозоқов домланинг ортидан чойхонага йўл олишди. Ўн уч йилда ўнинчини тамомлаган (у пайтларда мактаблар ўн йиллик бўларди – муаллиф) Дадабоев Эркинга эса чақирув қогози келди, онаси уввос солди:

– Энди мен қандоқ қиламан? Элнинг боласидай лоақал қўлингда хатинг бўлмаса...

Аммо бу мушкулотни биринчи синфда уқийдиган сингилча ҳал қилди-қўйди. У алламбалоларга лиқ тўлган қопчиққа бир даста сургучланган конверт соларкан бижиллади.

– Хатлар тайёр, бу ёққа келаверадиган қилиб адресиниям ёзиб қўйдим. Манавини борган кунингиз, манависини бир ойдан кейин... буни қайтадиганда жунатасиз. Фақат бирортасига у ёқнинг адресини ёздириб қўйсангиз кифоя...

Дадабоев Эркин барини чалкаштириб юборди. Уч ҳафталардан сўнг келган мактубнинг мазмуни тахминан тубандагича эди: «Мана, хизматлар тугай деб қолди, яқин орада дийдор кўришамиз, аммам билан холамини соғиндим».

Онаизор оби дийда қилавергач, ҳар эҳтимолга қарши бир ойгача поезд келар маҳалда вокзалга бориб туришди.

Шу-шу дом-дараксиз кетган оддий аскар Дадабоев Эркин уч ойлардан сўнг ўзидан хабар берди: «Мана, омон-эсон етиб келиб жойлашдик, тоғам билан бувамни соғиндим». Бува соқолини силаб дуо қилди, онанинг кўнглига гап келди:

– Оқ сутимни эмган болам бир оғиз «энамни соғиндим» демаса-я!

Қиш чилласи эди, Дадабоев Эркиндан навбатдаги нома келди: «Мана, баҳор яқинлашиб қолди, сумалак егим келди, энамни соғиндим».

– Энанг ўргилсан, – деди ўртанган она изиллаб...

Дадабоев Эркин хизматдан омон-эсон қайтиб келиб, уйланди. Ана ундан сўнг эрининг рус тилини сув қилиб ичгани хусусида келинбола айтган гаплар анчайин қизларнинг ҳавасини келтирди. Негаки, Дадабоев Эркин гўшанга остонасида:

– Издираска, Маржа мая, лубулаю, – деган эди-да.

### **Қассобнинг тўтиси**

– Фалоний шаҳарда бир дўкандорнинг тўтиси бор экан. Шундай гапиради-ки, тирик реклама. Ўша

«маҳмадона» сабаб қачон қарасанг одам тирбанд, сотувчининг қўли-қўлига...

Хориж сафаридан қайтган дўстининг ҳикояси Яшар қассобнинг ичини қиздирди. Пул берди, ўгли Яшар қидириб кетди, бир ҳафта деганда топиб келди. Қийинроқ «сабоқ»қа тили келмай чайналаверган тўтига осонроғини ўргатиш бошланди:

– Гушт олинг, тез олинг, – такрорлайверди дўконни ўглига топширган қассоб.

– Гошш олун, таз олун.

Бириси куни тўрқовоқ дўкон олдидаги мажнунтол булоғига осидди, жонли «реклама» ишга тушди:

– Гошш олун, таз олун.

Яшар қассобнинг қўли-қўлига тегмай, ҳар оқшом ярим тўрва пул санайдиган бўлди. Хуллас, ишлар рисоладагидай эди-ю...

Улоқлар бошланиб, олисдан келган чавандозлар тўппа-тўгри Яшарвойнинг уйига қўндилар. Мезбоннинг зулукдай қорабайири ҳамманинг ақлини олди.

– Сотасан, – дея туриб олди Тугулбек.

– Ололмайсан, кучинг етмайди, – оёқ тиради қассоб.

– Жетсе — малим, жетпесе — жаним, – чиранди тоғ ошиб келган меҳмон.

– Жонинг ўзингга сийлов, тўгон, – беписанд жилмайди Яшар. – Ўтган йили мойи артилмаган «Мерс»га берганим йўқ.

– Жўқ! «Мерседес»га-я! – Қўл силтади Тугулбек. – Инсапинг жўқ, Яшар, «Лимузйн» халайсингбе?

Тугулбекнинг ўгли Сарибойни бу савдолар заррача қизиқтирмасди. От деса, кўпқари деса, ўзини томдан ташлайдиган йигит гапирадиган тўтига мубтало эди.

– Мойли эт, мойли эт, – «таълим» берди у.

– Гошш олун, мўйли ит, – гужурлади осон сўзни дарровгинада ёд олган жонивор.

– Жахси-жахси, – суюнди муаллим. – Айналайин...

Сергап тўти шому саҳар жаврайвериб, мияси суюлди, билимлари уйқошиб кетди:

– Мўйли ит гошши...

Купкарилар утди, меҳмонлар кузалди. Тутининг тарбияси бузилганидан хабарсиз қассоб тўрқовоқни жойига илди-да, пичогини қайрашга тушди:

– Кеп қолинг...

– Мўйли ит, мўйли ит гошш олун, таз олун, – жўр бўлди тўтижон.

Харидорлар бир қассобга, бир сўлоқмондай сон гўштига шубҳали тикилдилар:

– Яшарвой, қўшчангиз бир нима дедими?

Мулазам тортган қассоб бошини қашлаб, сўзга чоғланувдики, тўтижон гал бермай тагин «эълон қилди»:

– Мўйли ит гошший...

Қаҳри келган қассоб қулидаги қайроқни улоқтирди, ўтакаси ёрилган парранда жон аччигида қийқирди, қафас нари бориб, бери келди, шариллаб сув тукилди.

– Падарингга лаънат-ей!

– Гошш олун! – жавоб қилди ўзига келган қўш.

Кайфияти расво бўлган Яшар қассоб тўрқовоқни бир юлқиди-да, дўконнинг тўрига тарақлатиб қўйди ва сахтиён тўрвани устига ёпиб, удагайлади:

– Энди унинг чиқмасин, ит экансан. Ит!

– И-ит, и-ит, ит гошши олун! – чинқирди беақл тўти.

Пештахта олдидаги ҳангоматалабларнинг шарақлаган кулгусидан мажнунтола шохидаги чумчуқлар тумтарақай бўлди.

### **Жўжавнинг киндиги**

Ўзининг ҳар бир асарини «Бурноғи» сўзи билан бошлайдиган Бойдон (аслида Бойдада — муаллиф) Бурноғийнинг илҳоми келди. Ой-куни яқинлаган аёли бундан беҳад суюнди. Белидаги огриқни ҳам унутиб, қўшниларикига чопқиллади:

– Домланинг илҳомлари кеп қолди, барака топгурлар. Шунга энди...

Биринчи бўлиб ёнғоқ қоқаётган боғбон қўшни тушунди ва сершовқин машгулотини бажонудил бас қилди. Беданавоз ҳамсоя эса турқовогини олиб иккинчи хотининикига жўнади. Қаршиларидаги ўн тўққиз йилдан бери бетўхтов жанжаллашадиган эрхотин ҳам оғизга толқон солдилар. Маҳалла аҳли гапни бир ерга қўйдиларки, ем-хашакни аяш йўқ, башарти мол-қолнинг чакаги очилса, Бурногий домланинг тафаккури паришон бўлади. Бир қариндош белгиланган тўй куни хусусида қудасига узр-маъзур қилдики, сабаби аён эди ва қудалар «йўқ» дейишмади, никоҳ келаси ойга қолдирилди.

Хуллас, барча қўлидан келганича «ҳа» деди, маҳалла оқсоқоли, хайрия жамғармаси, ҳатто болалар боғчасидаги мураббиялар ҳам қараб туришгани йўқ. Биқинига «01» ва «03» рақами муҳрланган машиналар бу атрофдан сигналини варанглатмай ўтадиган бўлди. Маҳаллий ТВ шу муносабат ила финал мусобақаси бошқа куни намойиш этилиши ҳақида хабар берганда, футбол ишқибозлари тариқча ранжимадилар.

– Муборак бўлсин, кеннойи, – дерди об-ҳавони башоратқилувчиларнинг каттакони ҳаяжонланганидан сим қоқиб. – Уч кунга ҳарорат ва шамол мўътадил, бизнинг қўлимиздан келгани шу, хотиржам бўлаверинг. Акамга салом, ижодларига барака.

Мушуклар сафарга кетгани ҳақидаги миш-мишлардан кулган ҳамсоя аёл энди ўша гаплар илоё рост бўлсин, деб тиларди. Ахир, мов бўлган модасининг юрак ўйнатадиган фарёдини Худо кўтарсин! Ҳар куни субҳи содиқданоқ гужурлаб безори жон қиладиган қалдиргоч кечагина полапонларини учириб кетгани тақдирнинг инояти эди...

Огриги энди белидан қуйига тарқаган беканинг эса ўз гамхурлигидан кўнгли тўлмасдики, битта муаммо ҳал бўлмаганди. Минг истиҳола билан Фалоний домлага қўнғироқ қилди:

– Ассалом, муаллим. Гап шундоқ ва шундоқ, жуда илҳомлари келган.

– Табриклайман, қизим, – устознинг овози титради.  
– Бу кунни қарийб чорак аср кутдим, менгина эмас, бутун адабиёт мухлислари...

Домла яна анча-мунча гапларни ирод қилгач, деди:

– Менга нима хизмат?

– Темир йўлнинг каттаконлари билан келишдик, аммо ҳар куни ҳовлимиз устидан учиб ўтадиган самолёт масаласи... Халқаро рейс дейишяпти...

– Кифоя, ташвишланманг, келин...

Алқисса, парвознинг номаълум муддатга кечиктирилажаги турли тилларда такрор-такрор айтилишидан йўловчилар сира оғринишгани йўқ. Аксинча, Бойдон Бурногийнинг номи ажнабийчасига ўқилган чоғ қизил майка ва калта иштон кийган кўзойнакли жаноб бахтиёрликдан қарсак урди:

– Брависсимо!

Бурногий битаётган «Палағда булган қора тухум» асари «Янтоқзордаги қонли норғуч» детектив қиссасининг давоми эди. У илк саҳифага нуқта қўяр экан, чуқур тафаккурга берилди, кўнгли тулмади. Негаки, ўзига, сўзига, ижодига талабчанликда Бурногий домла туқсон тўққизтами, икки юзтами роман ёзган Налу Палу Петердиндан (Детердинг эди шекилли — муаллиф) ва Пўла Кўладан кам эмасди-да. У «Бурногий тунда тўққизта жўжа чиққанди, фақат сўнггиси тухум пўчоғига илиниб, киндиги лат еган шекилли...» деб ёзди-ю, кўнглига иштибоҳ оралади. Ахир, жўжанинг киндиги бўлармиди? Адиб ижодхонаси рубарўсида товўқларни қувлаб юрган Зайтунқулни тўхтатди:

– Бечораларни қийнама, ўғлим. Дарвоқе, товўқда киндик бўладими, йўқми?

Иштонсиз болакай майкасини кўтариб хиринглади:

– Мени киндигим иккита...

Бахтга қарши аёли ҳам жўжанинг киндиги хусусида бебилим экан.

– Азизам, китобларни бир тозалаб қўйсангиз, – утинди Бурногий. – Қомусларни қарамасам бўлмайди шекилли, қалам юрмай қолди.

– Кечиринг, хўжайин – ихради машқи пастлаган аёл. – Ҳаммасини қилдим, аммо энди бу ёғига ... Во-ой...

– Ие, ие, сизга нима бўлди? – илҳоми учди Бурногийнинг.

– «Ижодим» бошланиб қолди, – гуноҳкорона илжайди адибнинг аёли.

– Ана холос, илҳом бизда жушиб, асарни ўзлари яратарканлар-да, – мамнун кулди Бойдон Бурногий. – Каминангиз ҳам бўш келмасдим ва лекин, азизам, жўжанинг киндиги хусусида иштибоҳ тугилиб қолди-да. Бу дейман жўжанинг киндиги...

– Жўжанинг киндигини илоё ит есин, итлар есин, – чинқирди жони ҳалқумига келган аёл. – Вой, вой ўлдим. Кеси-инг. Ҳо-ой тезроқ кесинг.

– И-ий, нимани? Нимани кесаман?

– Жўжангизнинг киндигини! – қийқирди дераза қирғоғини ўнта панжаси билан мушқудай тимдалаётган аёл.

«Жўжа»нинг «инга-а»сигина Бойдон Бурногийнинг ҳушини жойига келтирди...

### Куёвнинг сир

– Қизингиз ўлмагур мойил бўп турибди, бир гапи борга ўхшайди, – шипшиди совчиларни жўнатган кампир.

Бировидан бир оғиз сўрамай олти қизни узатворган Матраим бувага бу «хушxabар» малол келди. «Бир гапи бор» эмиш, гижинди у. Кампирининг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамади, эшагини эгарлаб, куёв бўлмишнинг маҳалласига йўл олди. Қизиқ устида боришга бордию, нима қиларини билмай боши қотди. Бировдан хуфёна гап сўрашга ори келди, эсининг борида изига қайта

қолмоқчийди, игтифоқо хушбичим бир йигитчанинг «ассалому алайкум, ота» дейиши билан яна фикрига шайтон оралади.

– Ва алайкум ассалом, – чолнинг тили ўзига буйсунмади. – Шу кўчада турасизми, углим?

– Ҳа, ота, қани уйга кирайлик.

– Раҳмат. Бу Фалончи деган йигитни танирсиз?

– Дўстим бўлади, – ўткинчи бола саволнинг давомини ҳам кутмасдан жавобини бекам-қўст қилди.

– Анави катта корхонада ишлайди, бир ойлик маошига битта бузоқ келади, тагин мукофот олади, ичмайди, чекмайди...

Тақдир битиб турган экан, Матраим бува юмшади, нон синдирилди.

Вақтики, дастурхон теварагида қайнота-куёв илк бор юзма-юз бўлишган чоғ Матраим бува яна бир ёзгириб олди. У ичида «ҳа-а баттол бола, қизимни йўлдан урганинг қолиб, кўчангга борган қайнотангниям болаган экансан-да» деди-ю, сиртига чиқармай қўя қолди.

Аммо сирнинг каттасини оқшом чоғи куёвбола айтиб бердики, хилватхонада келинболанинг ичаги узилаёзди.

– Бир ойлик маошимга битта бузоқ берармиш, – қиқир-қиқир куларди йигит. – Ахир ярим йилдан буён ойлик олмайман-ку. Иннайкейин, биласизми, тўй арафасида нега мазам қочувди?

– Вой-вой, – ҳиқиллади келинчак. – Қулдираверманг, ҳозир ўли-иб қоламан. Ҳа-я, нима бўлувди ўшанда?

– Дўконга сигаретга кетаётувдим, бирданига отам олдимдан чиқиб қолдилар, дарҳол сурашдим. У киши танимайдилар, мен эса илгарироқ таниб олгандим. Ўзимни таърифлаб «ичмайди, чекмайди» деганимда оғзимда қўшнидан тилаб олинган нос бор эди, шошганимдан ютиб юборибман денг. Ярим кечада духтир чақириб....

Қорнини чангаллаган келинчак оҳорли тўшаклар устида юмалаб қолганди.

## Үн олти йилдан сўнг

Абдуллажон домла ўн олти йил алимент тўлади. Собиқ рафиқаси нақдинани тийинигача санаб олиш билан кифояланмас, ой сайин мактабга ташриф буюриб, томоша кўрсатар ёхуд узундан-узоқ арзномалар келтирарди. Жанжалкашлиқда шуҳрат қозонган аёлнинг номини эшитган заҳоти Абдуллажон домлани безгак тута бошлаши эса муаллимлар орасида зарбулмасалнинг ўзгинаси эди.

Икки ойдирки, шу хотиндан дом-дарак йўқ. Томоги тақиллаган ҳазилкашлар тил бириктиришди, Йўлдош домла аламзада аёл номидан қогоз битди. Ҳўқитувчилар хонасига гуноҳкор муаллим кириши билан ҳалиги маломатномани овоз чиқариб ўқиш бошланди:

«Абдулло педагогликка номуносиб одам. У мени гўнгтепадаги шохдор чумолининг ургочиси деб сўккан, яна бир марта урдакнинг макиёнисан деган, онамни шундай ҳақоратлаганки, агар эшитса, илонлар пўст ташлайди. Тагин икки оғиз уят гапи борки, уни ёзишга бетим чидмайди. Абдулло ундоқ, Абдулло мундоқ»...

– Бу хотиндан ўлмадим-қутулмадим, – бошини чангаллади Абдуллажон домла. – Қачонги гаплар-а, ундан буён ўтган ўн олти йилда қонун ҳам гуноҳимни кечиб юборди, ахир.

– Мактабда кечилмайди, – деди пинҳоний «битим»дан бохабар директор ўринбосари қошларини чимириб. – Бу ер маърифатхона, таълим-тарбия ўчоғи, билсангиз, келажакимиз эгалари...

– Кечирасиз, – орага тушган бўлди Йўлдош домла. – Абдулло акани ҳаммамиз яхши биламиз, бу одамда айб йўқ, ўша аёл ўзи жанжалкаш...

Хуллас, «сценарий» бўйича у дедикки, бу кўргуликларга барҳам бериш пайти келди. Буни Амирхонов эплаши мумкин. Фақат оғзи мойланса, сиз бор, мен бор, у-бу десак...

Амирхоновнинг кимлигини Абдуллажон домла мутлақо билмасди. Аммо жон-жонидан ўтиб кетгандики,

шу билан тинчиса, садқайи сар, шавла кетса кетсин, обру кетмасин, деди. Алқисса, жизза эриди, ош пишди, шишалар думалади, «сен же, мен же» зиёфат етти хуфтонда якунланди. Амирхонов ака мактабнинг ва Абдуллажон домланинг кўргулиги бўлмиш бу кўҳна можарони бартараф қилиш мажбуриятини гарданига олди, кейин хайр-хуш айтилди.

Абдуллажон домла қушдай енгил уйғонди, соқол-мўртини тарошлаб, китоб-дафтарини жидга жойлади. Нонушта маҳали аелининг нонга асал суртиб бериши билан вақти яна ҳам хушланди. Ана шундоқ кайфият билан мактабга кириб борган бечора не кўз билан кўрсинки, коридорда ўн олти йил бурун ажрашган хотини турибди-да. Қўлида бир қулоч қоғоз, ёнида бош ирғаб маъқуллаётган Йўлдош домла. Собиқ эрини кўрибоқ жазаваси тутган аёл нақ Азроил қиёфасига кирди:

– Нега бу хотинбозни мактабдан ҳайдамайсизлар, а? Абдулло ундоқ, Абдулло мундоқ...

### «Имтиёз»

Қартайган ёнғоқнинг танасидан тахта тилдирган Шоди муаллим углига битта чорпоя, беш-ўнта курси қилдириб бермоқчи бўлди.

– Уста Олимнинг иши ниҳоятда силлиқ, – деди у.

– Шунақа-ю, оғзиям жа-а қаттиқ-да, дада.

– Ўлдими? Мактабда ўқитганман-а...

Ота-бола етаклашиб кириб боришаркан, Уста Олим кучоқ очди:

– Ассалому алайкум, домла, қаёқдан кун чиқди?..

У ҳайҳотдай дўконнинг тўридаги хосхонага бошлади, нон синдирди, шогирд болалардан бири чой келтирди.

– Келинг, домлажон, келинг, – собиқ ўқувчининг оғзидан бол томарди. – Нечук, не хизматлар билан?

– Бу йигит бизнинг катта ўғил, ука.

– Танийман, устоз, танийман.

– Шу кишига ҳовли қилганмиз, иншооллоҳ, бирор ойда кучириш ниятимиз бор.

– Муборак бўлсин, тўйлар бўлсин, демак, бизниям ҳисса қўшилиши керак, шундайми?

– Шундай, ука, қуриган ёнғоқни тилдирдик, тайёр тахта, у-бу қилиб берасиз, нима кераклигини мана ўзи айтади.

– Бажонудил, домлажон, – қўлини кўксига қўйиб, бошини эгди уста Олим. – Бир ҳафтада «гатоп» бўлади-да, Худо хоҳласа.

Мамнунлигидан еру кўкка сигмаётган Шоди муаллим тобора яйраб борарди.

– Энди бу ишнинг бошиниям очиб олайлик, Олимбой.

– Э-э, домла, от билан туя бўлармиди?

– Шунақа-ю, «хизмат ҳадясиз бўлмаслиги керак» дейилган ҳадисларда.

– Устоздан пул олиш аслида уят, – тагин таъзим қилди уста. – Бироқ манави дов-дасттоҳ, асбоб-ускуна, электр, солиқ...

– Шуни айтаман-да, ука.

– Сиз тилга олмаганингизда ўзим зинҳор индамасдим, майли, ярим баҳосини ола қолай.

– Ҳа-а, балли, – суюнди домла. – Қанча?

– Бошқага икки миллион, сиз бир миллион берсангиз кифоя.

... «Имтиёз» боис тили танглайига ёпишган Шоди муаллим йул-йўлакай гўлдиради:

– Сигирни сотамиз, шекилли.

– Сотсак-сотмасак, аввал туфлини алмаштириб олайлик, дада.

Домла шошилиб оёғига қаради: туфлининг бири ўғлиники, бири ўзиники экан...

### Муллонинг оши

– Ой сайин қалам ҳақини оласиз-кетасиз, бирор гал «бирга тушлик қилайлик» демайсиз-а, домла.

Муҳаррирнинг бу гапи ҳазил эди, албатта.

– Жа-а шунчалик экан, юринг бўлмаса, – манзират қилган бўлди профессор.

– Ресторангами? – кулимсиради хона соҳиби.

– Рестораннинг бети қурсин, – афтини бужмайтирди меҳмон. – Чунтакни чақиши устига қўлини ювиб-ювмайдиган бошланг қизлар... Э-э, уларни қўйинг, уйга бориб, иккимиз бир зиёфат қилайлик, ярим шиша қизил шаробим ҳам бор.

Профессорнинг пишиқлигидан завқи ошган муҳаррир ҳузурланиб хохолади:

– Самарқандда ўқигансиз-а, домла?

Коса тагида нимкосани пайқаган зийрак олим қиҳ-қиҳ кулди ва деди:

– Ушанда Садриддин Айний оғзингизга туфлаб қўйганми-йўқми, демоқчисиз-да, а? Бир-икки суҳбатларида бўлганман. Лекин ижодда ҳам, тежамда ҳам у раҳматли зотга ета олмаймиз, ука.

Гап хонаси келгани учун муҳаррир яна бир «узди»:

– «Чашми муру пойи мору оши мулло кас надид»<sup>\*</sup> деганлари ҳақ экан-да, тақсир?

Жуда жойига тушган лутф боис мўйсафид олим яйраб куларкан, деди.

– Ростликка рост, аммо жиндай ғалатлиги ҳам бор.

– Яъни масалан?

– Сиз айтган нақлнинг охиридаги «оши мулло» ўрнида «оби мулло» бўлсаям катта гап.

– Нега, домла?

– Мулло халқидан ош эмас, аввал Худойимнинг сувини сўраб кўринг-чи. Ахир, олиб урганган одам...

Икков қўл ташлашиб, тагин хохо-хохо кула кетдилар.

---

\* Мазмуни: чумолининг кўзини, илоннинг оёғини, мулланинг ошини киши кўрган эмас.

## ҲАНГОМАЛАР

### Зокир карнай, Фидель Кастро ва бошқалар

Ёлгонни ялмамай ютадиган Зокир карнай даврага қўшилди.

– Олтмиш олтинчи йил эди, – ола кетди у. – Тошкентда Муҳаммад Аюбхоннинг қулига сув қўйиб турсам...

– Шу сафар қулоқни тинч қўйинг, барака топгур, – қошини чимирди асабийлаша бошлаган Турсунали ака. – Бир пас кунгил ёзамиз деб киргандик.

Зокир ака бир огриниб олди-ю, зум утмай зардасини унутди:

– Косигин Наманганга келиб, Зокиржонни топинглар деган экан...

Энсаси қотган Турсунали аканинг жаҳли чиқиб кетди:

– Қанақа ёлгончи одамсиз? Сиз ушанда камомад билан қамалиб кетгандингиз-ку!

Зокир карнайнинг урадай огзи юмилиб, кўзлари катта-катта очилди:

– Қарилик қурсин, ука, ёдимдан чиққан экан.

Даврадошлар суҳбати пенсия устига кўчгач, тагин карнай навоси бошланди:

– Ёшлиқда ишлаб қўйган эканмиз, кеча почтачи бола тўрт боғлам пул ташлаб кетди.

– Биз сизни танаймизми? Уша пулнинг ярмиям сизникимас, янгамнинг пенсияси-ку. Бирор жойда муқим ишлаганмисиз ўзи?

– Турсуналивой, жа-а одамни ерга ураверманг, эллик йил меҳнат қилиб...

– Ҳой мусулмонлар, айтинг-чи, Зокир ака неча ёшда ўзи?

– Ие, булар қаёқдан билади? Икки йилдан кейин пайгамбар ёшига...

– Бўлди! – чўрт кесди Турсунали ака. – Бошни огритаверманг. Яна бир огиз валдирагудай бўлсангиз, ўзингиздан куринг.

Жаҳли чиқса ҳеч кимни аямайдиган Турсунали акадан ҳар балони кутса бўлардики, Зокир карнай тилини тишлади. Дастурхонга палов келтирилган маҳал у тагин гата-гутга тушди:

– Ялтада ош дамлаб, Гагаринга одам юборсам...

Нимадир «қарс» этди, «карнайчи» чорпоя остига кириб кетди.

– Огоҳлантирувдим-а! – деди шапалогини ҳалоллаб Турсунали ака.

– Ҳа-а, гапирганни оғзига уришми? – гўлдиради у ёқ-бу ёғини қоқиб урнидан турган Зокир карнай. – Биз ҳам ердан чиқмаганмиз, бувам раҳматли Парижда Ҳожимуқон билан майдонга тушиб...

Ҳамма шарақлаб кулиб юборди, кимдир луқма солди:

– Карнайнинг овозига шапалоқ чикора.

«Карнай» эса тагин гатиллади:

– Олтмиш иккинчи йили Фидель Кастро билан...

### Пичоқнинг маъракаси

Пичоқ сойга тушиб кетди. Фил суягидан ясалган, сопига олти дона маржон қадалган, олмосдай кескир пичоқ эди. Уч йил кемада хизмат қилиб, уммонларни кезворган Турдиали уни Индонезияда олганди. Кимлар харидор бўлмаган дейсиз, ўтган йили яп-янги телевизорга алмаштирмаган, ахир.

Ўттиз йил ёнидан қўймаган шундай нарсанинг йўқолиши бирорта синфдошининг парвосига келмаётгани ҳаммасидан алам қиларди.

– Қани пичогимни топмаларинг-чи! – таҳдид қилди у.

– Топмасак қўлингдан нима келарди? Ё отанг қилган ишни қилиб кетасанми?

Бемаврид луқма юрагига қил айланмаётган аламзадага калаванинг учини топиб берганди. Ҳа-а, «Дамас»да саёҳатга олиб чиқсин, бир сўм пул олмасин, бурнига куя юқтириб қозон қучоқласин, пичогини йўқотгани

етмай, кулгига ҳам қолсинми? Йу-уқ, бунақаси кетмайди.

– Шунақами? – ошкора пўписага утди у. – Мен сенларга отам қилган ишнимас, отам қилмаган ишни кўрсатиб қўяман!

Нардаю қартага мукка тушган синфдошлар воҳалашди.

– Арзимас пичоққа шунча азами? – аския қилди биттаси...

Ҳамма ўзи билан овора. Турдиали машинани салқинга олган бўлди-да, ошхонадаги бор масаллиқни юклади. Сўнг моторга ўт берди-да, сўри ёнидан ўтаётиб қичқирди:

– Кухнядан хабар ол, номардлар.

Унинг «интиқом» режаси хаёлига ҳам келмаган улфатлар не кўз билан кўрсинларки, ошхонада тўғралган сабзи турибди, холос. Бум-буш қозонда эса бир энлик дуойи салом: «Дам олишга атаганларинг марҳум пичоғимнинг маъракасига буюрган экан, рози бўласанлар. Инсоф юзасидан сабзини қолдирдим, ароққа газак бўлади. Ҳамманг билиб қўй, отам қилмаган ишни қилиб кетдим».

Емак-ичмаксиз ва яёв қолган синфдошлар шу топда шаҳардан олтмиш чақирим нарида эдилар.

## Лафз

Бу гал ютишига шубҳа қилмаган Ўринбоев қоровулнинг йулини тўсди:

– Пул санашамизми?

Қурбон ака беписанд қўл силтади:

– Барибир ютқазасиз.

– Аввал кўрайлик-чи.

Қоровулхонага ҳангоматалаблар тўплана бошлаганди.

Қурбон ака уларга қувлик билан кўз қисди:

– Бўпти, Ўринбоев, шартингизни айтинг.

– Ҳамёндаги бор пулни ўртага қўямиз, кимники кўп бўлса, ҳаммасини олади.

– Лафзми? – деди қоровул.

– Лафз, – қўл ташлади бўлим мудир.

Уринбоевнинг чўнтаклари тўла пул экан, столнинг усти тўлиб-тошиб кетди. Баҳслашувнинг натижасига қизиққан томошабинлар санашга тушдилар.

– Нима бало, банкани ўмардингизми? – гап қилди қоровул.

– Ҳали шошмай туринг, манавинданам бор, – Уринбоев соч қўйган одамнинг сурати солинган кўк қоғозни ўртага ташлади.

– Етти юз тўқсон олти ярим мингдан ортиқроқ, – эълон қилди ҳакамликни зиммасига олган нариги бўлимнинг мудир.

– Анави ёққа олинг, – амр қилди Уринбоев. – Қани энди, Қурбон ака, навбат сизники.

Бурчақда қўнишиб ўтирган қоровул ўрнидан турди-да, тахлоглиқ чопони орасидан отнинг калласидай тугун олиб, Уринбоевнинг қўлига тутқазди:

– Санаб олаверасиз, тўппа-тўтри бир миллион.

– Йўғ-е, – бўлим мудирининг ранги ўчди. – Бунча пулни қаёқдан олдингиз?

– Нима ишингиз бор?

Уринбоевнинг дами ичига тушиб кетди.

– Қани, аввал санайлик-чи, – луқма солди кимдир.

Ҳисоб саккиз юз мингдан ошганда кутилмаган ҳодиса рўй берди: ҳамма қоровулнинг пулига андармонлигидан фойдаланган Уринбоев халтадаги ўз бойлигига чанг солди-да, қочиб қолди.

– Ие-ие, – деди ҳакамлик қилаётган мудир.

– Уят бўлади, Уринбоев, – томоқ қирди қоровул.

Нарироққа бориб тўхтаган қочоқ пулни бағрига босганча иддао қилди:

– Тўй бошлаб қўйганман, ахир.

– Менга нима? – хўмрайди қоровул. – Лафз нима бўлади?

– Хўп, ҳозир берсам, шунча пулни оп кетаверасизми?

– Йўқ, тўйингизга тўёна қилиб борардим.

– Бўпти-да, – жон кирди Уринбоевга. – Уша тўёнани ҳозир бера қоласиз. Сизниям қуруқ қўймайман, тўн кийдираман, тўн...

## Биринчи рейс

Туробжон идораси берган эски «Москвич»ни шаддиратганича эрта кетади, кеч келади. Топгани бир сиқимгина маош, қўшимча беш танганинг имкони йўқ.

– Анави машинада ҳар замон кира қилсангиз-чи, – йўл кўрсатди хотини.

Пул топишга уқувсиз йигит аввалига кулиб қўя қолганди, кейин юраги қизийверди. «Иш вақтигача Олмазор тарафга бир-икки қатнасам нима қипти?» У бир қарорга келди-да, илк бор рейсга чиқди.

– Сизни Худо етказди, – бижиллади кўча бошида тўхтатган девордармиён Шарофат хола. – Олмазорга бориб келайлик, ўргилай, озгина вақтингиз кетади.

Кампир машинага жойлашгач, йўл-йўлакай икки қизи, бир келини ва уч набирасини олажакларини уқтирди. Пана-пастқам кўчалардан учтасида бутланган экипаж Олмазордаги номдор азайимхоннинг дарвозасида тўхтади.

– Бир зумда чиқамиз, – деб зипиллаган мижозлардан икки ош пишгунича ҳам дарак бўлмади.

Бу орада анча-мунча танишлар салом-алик қилиб ўтди, бир-иккитаси мийигида кулди ҳам. Бир ҳазилкаши дедик:

– Ҳа-а, иситма-совутма қилдирыпсизми?..

– Илоё умри узоқ бўлсин, – оғзидан бол томди иши битган Шарофат холанинг. – Ҳам ҳожатимизни чиқарди, ҳам бир тугун олма берди-я! Туробжон, оз бўлсаям мана шуни болаларингизга...

Офтоб терак бўйи кўтарилганда уларни уйма-уй тарқатиб, ўз дарвозаси олдидан утаётган Туробжон тармозни босиб, сигнал берди.

– Ие, ишга бормадингизми? – ташвишланди хотини.

– Кира қиялман.

– Хайрият, – илжайди аёл.

– Мана сенга дастлабки даромад, – Туробжон қўшни берган иккита олмани узатди.

– Олма-ку.

- Йўқ, кира ҳақи.
- ... Энди столига ўтирувдики, бошлиқ қовоғини уюб кириб келди:
- Қаёқларда юрибсиз, ука?
- Мен ҳалиги...
- Ишга вақтида келиш керак. Икки соатдан бери сўрайман.
- Мен, мен...
- Эшитдим, Олмазордаги бахшида ишингиз бор экан, шуни бир оғиз айтиб қўйсангиз бўлмайдами?..

## Гулпак

Адолатхонга илиқиб қолган Тура шофёр уйига келиб-келмасдики, оғироёқ аёлининг арзига парво ҳам қилмади. Ой-куни етиб кўзи ёриган Ҳулкарбиби чақалогини бағрига босиб зор-зор йиғлади: унинг битта қулоғи йўқ ҳисоби, иккинчиси эса супрадай эди.

Исми жисмига мос Нишонтой тили яримта бўлиб улғайди. Адолатхондан алақачон кўнгилсиз бўлиб, болаларининг бағрига қайтган ота тўрт ўғлига бир хилда телпак олди. Аммо бозордан қайтиб, қопчигини ҳарчанд титкилайдики, кенжаники йўқ.

– Гулпак тани? – қўл узатди Нишонтой.

– Бозорда қоп кетибди, ўғлим.

Ногирон бола йиғлади. Унга қушилиб она ҳам кўзига ёш олди.

– Шу бечорани тугилмасиданоқ ўкситгандингиз. Бўлмаса... Мана яна кўнглини чўктириб ўтирибсиз.

Тура шофёр гуноҳкор қиёфада бош эгди:

– Эртага.

Телпак илиёжидаги Нишонтой тонг қоронғисида уйғонди. Не кўз билан кўрсинки, ёстиги олдида қопқора телпак турибди. Суюниб кетганидан шоша-пиша ёнида ётган акасини туртди:

– Йаҳим, ҳой Йаҳим, туй, гулпак, гулпак.

Раҳим истаб-истамай кўзини очаркан, Нишонтой қўл узатган «гулпак»ка жон кириб, «мияв» деганча деразага ўзини урди. Уйқуси ўчган Раҳим тинимсиз

воҳахоларди, гулпак устига гулпак деб қоринини чангалларди...

### «Мешок»

Жингалак сочлари қоп-қора, новдадай хипча бел Темир Йулдош талабалик йиллари кўп қизларни шайдо қилганди. Байту ғазал билан гапга шундай тўн кийдирардики, анча-мунча жонон «акажон» деб юборади. Барини куйдирган Темир Йулдошни қизларнинг оҳи тутди...

Ҳаммаси ўтди-кетди: сочларнинг ярми тўкилди, қолгани оқарди, пешонасида қатор-қатор чизиклар, юзида халта-хулталар пайдо бўлди, каттагина қорин қўйди. Баҳор оёқлаган кунлари ўқишни битирганларининг қирқ йиллигига таклифнома келди...

Алқисса, ҳамсабоқлар Тошкентда жамланишди. Анҳор бўйлаб ёшликни қўмсаб боришаркан, қарама-қарши томондан мовий кўз бир офатижон келаверди. Гилосдай қирмизи лаблари эҳтиросли қисилган, «мини» юбка тирсимлайди, «босайми-босмайми» деб солланади. «Вой-вуй» дейишди олтишидан ошган «йигитлар». Бундай пайтларда давранинг пешқадами бўлиб утган Темир Йулдошнинг ихтиёри қўлдан кетди. (Ўрганган кўнгил уртанса қўймас).

– О-о, моя черешня, о моя сладкая, – гап отди у бақбақаларини селкилатиб.

Ҳеч кутилмаганда ҳалиги «черешня» таққа тўхтади, сўнг бояги хиромон юришида Темир Йулдошнинг рўпарасига келди-да, кўзларига бақрайди:

– Ну-у, старый мешок, чего хочешь?

«Мажнун» тахта бўлиб қолди, дўстлари эса қоринларини чангаллаб хохолашди. Билардиларки, унинг уйидаги лақаби «мешок» эди. Унга бу «рутба»ни берган Нинахон аввалига Темир Йулдошга илашганларнинг биридай эди. Аммо у темир тирноқ чиқиб қолди, шундай ёпишдики, ҳалигача бўшатган эмас. Неча йилдирки,

«Темирчик»ни оғзига олмай қўйган рафиқаси ҳар замон «Мешочек» деб эркаларди.

Анҳор бўйида юзлари сидирилиб тушган Темир Йўлдош мингирлади:

– Опаси билан гапи бир жойдан чиқди-я...

### «Пол Робсон»

Занжилардай қоп-қора Жунашевнинг лақаби «Пол Робсон» эди.

– «Пол Робсон»га саломлар, – уйчилик Мирасалов қўнғироқ қилиб қолди. – Менда ҳам, Чортоқнинг мудиридаям ҳам машина йўқ. Агар Попга борсалар...

– Оп кетаман.

... Учовлон Попдаги мудирлар кенгашига йўл олдилар: орқа ўриндиқда пўрим кийинган Мирасалов ва чортоқлик Марбадалов, рўлда ёқавайрон Жунашев. Дастур бўйича биринчи тадбир нонушта экан. Шотирлардан бири «Пол Робсон»нинг йўлига кўндаланг бўлди:

– Шофёрларга алоҳида чой қилинган.

«Шофёр»нинг энсаси қотди.

– Чойингизга ўлиб турганим йўқ, тақсир.

– Ундан нари, – деди оғир муомаладан оғринган мезбон бетакаллуфлик билан ва ортиқ қистамади.

Беш дақиқача машинада сўррайиб утирган «шофёр»га ўз ҳолидан алам ўтди ва бояги мезбонни имлади:

– Мен олиб келган анави бир жуфт балохўрга Жунашев кетяпти, деб қўясиз. Уйинг куйгурлар чиқса-чиқди, бўлмаса мен кетдим.

У ҳам бор гапни оқизмай-томизмай етказди ва ўзидан ушбуларни қўшди:

– Шофёрларингиз қанақа одам? Оғзидан шоди кириб, боди чиқади. Шундай дедики...

Кайфи учган мудирларнинг томоғига овқат тиқилаёзди. Икковлон оёғи куйган товукдай потирлаб ташқарига отилишди:

– Узр-маъзур, муҳтарам, «Пол Робсон». Ош устида меҳр кетар бўпти, бир қошиқ қонимиздан кеча қолинг ва ҳоказо.

Ҳалиги мезбон «шофёр»нинг гаройиб исми-шарифдан бир таажжубланса, савлатидан туя ҳуркадиган мудирларнинг ялиниб-ялтоқланишидан икки карра ҳайратда эди.

### Қулга тушган ҳайдовчи

– Хотин, энди сенинг навбатинг, – деди қул силкийвериб толиққан Исмоил ака.

– Во-ой, менгина ўлай, – қиқирлади аёл. – Қандоқ қиламан? Иннайкейин, сизга тухтамаган нарса...

– Келаётган машинага қул кутарасан, холос. Фақат юзингни қаттиқроқ ўраб ол.

– Нега, дадаси? – бақрайди содда хотин.

– Шафтоли қоқи экан, деб...

Ёшлигида «Олмачахоним», деб эркалаб, жонини бериб юборадиган одамнинг гапи шуми? Унга жуда ботиб кетди:

– Эр зотига қирон келсин, илоё, – лабини бурди хотин.

Зум ўтмай қоп-қора «Нексия» «Олмачахон»нинг ёнига келиб тўхтади. Аёлнинг мунчоқ жемпери билан ярақлаган туфлиси олма-кесак териб келаётган шофёр боланинг назарига тушган эди. У олд эшикни очиб, хушамод билан манзират қилди:

– Ўтира қолинг, опажон, ўзим оп кетай.

Умрида бировнинг машинасига ёлғиз утирмаган аёл каловланди. Ўғли тенги боланинг галати қарашидан юраги ўйнаб кетди. Муроди ҳосил булган Исмоил ака тутнинг панасидан чиқиб келиб дуриллади:

– Опажонингиз билан кетадиган поччажонингиз ҳам бор.

Аёл талмовсирагандаёқ «шафтоли қоқи»ни кўриб улгурган ҳайдовчининг ҳафсаласи пир бўлди. Бало-

қазодай оёқлари остидан чиққан «почча» эса ниҳоятда энсасини қотирди:

– Ҳа-а, оқсоқол, гўзаллар конкурсидами дейман?

– Топдинг, ука, – буш келмади Исмоил ака.

– Холамга мукофот ҳам катта булар? – ошкора мазаҳлашга ўтди аддангани малол келган йигит.

– Жуда катта, – ўнг қўлининг бош бармоғини ҳавога ниқтади ўз ақлига беш кетган Исмоил ака ва орқа ўриндиққа ўтириб олган хотинига кўз қисди. – Башарти соврин тегиб қолса, йўлкираям нақд, онаси. Қани, юргиз машинангни, ўгил бола.

### Бобой уйланмоқчи эди

Анчадан буён ўз тенгини тополмай юрган Қўчқор бува эшитдики, ёш аёл одамни ёшартирармиш. Унинг кўнгли новдадайгина богча мудирасига кетди.

– Бир оғиз айтиб кўргин-чи, – шипшиди укасига. – Ҳовлининг ярмини хатлаб бераман.

Мудира Қўчқор чолнинг ўртанча қизи билан бирга ўқиганди.

– Майли, – деди у совчининг кутганига қарши.

– Фақат битта шартим бор: чордона қуриб ўтирган ўринларидан таянмай туриб олсалар бўлди.

– Ахир у киши...

– Гап шу, – чўрт кесди «келинбола». – Жойни, вақтни тайин қиласиз, мен панароқдан кузатиб тураман — шартни бажарсалар кифоя. Ана ундан кейин синфдошимга онабошилиқ қилавераман-да, ака...

Жигарсўхта Қўчқор чол «машқ» бошлади. Раҳматли кампиридан қолган якандозни қўшқават тўшаб, минг марта чордона қуриб, минг бора йиқилди. Суяклари қақшади, бели жингиртоб бўлди. Кечки пайт кириб келган ука сўнги гурсиллашни кўриб, кулгидан узини тиёлмади.

– Кулма! – иддао қилди «ошиқ». – Ҳали кўрасан...

Кунлар ўтди, машқлардан эса натижа йўқ. Бир ойлардан сўнг вакил ота астойдил қистовга олди:

– Синовга борамизми ўзи?

Қўчқор чол дами чиққан пуфақдай бушашиди:

– Булмаяпти, ука, анавининг шартини бажаришга ақлим етмай қолди.

– Ие...

– Бел савил адои тамом бўлган кўринади, уша жувонмарг менга бопмас ўзиям.

– Ахир, унда...

– Эс борида этакни ёпган маъқул, – бош чайқади жигарсўхта бобой. – Қариганимда кулги бўлиб ўтирмайин. Сал ўзимга бопрогидан суриштира қолгин, ука...

### Чанқоқ отга ҳуштак чикора?

Ўзингиз ўйлаб кўринг, лабсиз одам ҳуштак чала оладими? Нишон қоровулни эса «ҳуштакбоз» демаса биров танимайди. Бу лақабни у болалигида орттирган: юқори лабида тангадай эт йўқ бўлса-да, тенгқурларига қўшилиб ҳуштак чалишга уринаверар, аммо йиртиқ лабидан ёшиллаган овоз чиқарди, холос...

Бироқ у гап келса отасини аямайдиганларданки, аския чоғи Тупатилла ферманинг ҳам дамини чиқармай қўяди.

– Пенсияга яқинлашиб қолдим, биродар, – арз қилди у ферма мудирига. – Мабодо иш-пиш бўлса...

– Иш бор, сиздақа бир одамни қидириб юрувдим ўзиям.

– Ҳўш-хўш? – умидланди Нишон қоровул.

– Ҳар куни йилқини суғоргани сойга ҳайдаб бориш керак.

– Майли, Тупатиллахон, бажонидил суғориб келаман, – шоша-пиша розилик изҳор қилди «ҳуштакбоз».

– Йу-у, отбоқаримиз бу ишни эплаб турибди. Сиз уша пайтда сой бўйида кутиб оласиз, холос.

– Хуп, кутиб оламан, локигин нима иш қиламан ўзи? – бақрайди қоровул.

– Қанақа одамсиз, ака? – жўрттага қошини чимириб, овозини кутарди мудир. – От жонивор тўйиброқ сув ичиши керакми-йўқми?

– Ҳа-а, ичиши керак, – маъқуллайди қоровул.

– Бўпти-да, шунинг учун сиз ҳуштак чалиб берасиз.

Ҳамма шарақлаб кулиб юборади, Нишон қоровул ҳам обдон хохолаб булгач, жавобга ўтди:

– Мен сизга қойилмасман, Тўпатиллаxon.

– Ие, нега энди?

– Ўша йилқи чанқаганми, ахир?

– Чанқаган-да.

– Билмайсизми, чанқоқ отга ҳуштак чикора?

Кулги яна авжига чиқади.

### «Мукофот»

Надирматовнинг саркашлигидан қиёфаси тундлашган мудир гапни қисқа қилди:

– Сизга керак бўлмаса, идорага керак, туринг, тезроқ ҳаракатингизни қилинг. Қимматрогидан бўлсин, куйиб кетмайди, ахир.

Надирматов юз минг сўмга олинган телевизорни омборчига ўз қўли билан топшириб, уйига жўнади.

– Костюм-шим нима бўлди?

Хотинининг томдан тараша тушгандай саволи Надирматовнинг бир дардини икки қилди.

– Бу нима деган гап? – бобиллади телевизор хусусида хабардор қилинган аёл. – Ўз пулингизга ўзингизни мукофотлашадими? Ахир, қуданинг туғилган куни... Тухтанг, ҳой сдам, ўтган йилиям шунақа қилиб болашганди, а?

– Қўй хотин, юрагимни сиқма, – ранжиди Надирматов. – Эртага анжуман ўтади, телевизорни қарсақлар билан ўзимга қайтаришади, кейин қудангникига олиб кетаверамиз.

Аёлнинг қўлидан нима ҳам келарди, кунмасдан иложи қанча? Фақат тагин бир жавраб олди:

– Уларникида ҳар хонада бир телевизор, шим-костюм яхши эди-да, отаси...

Эртаси бир автобус булиб вилоят марказига кетишаркан, мудир Надирматовнинг қулогига шивирлади:

– Ўтган йилиям телевизор билан мукофотланув-дингизми?

– Ҳа-а, – овозини баландлатиб киноя қилди Надирматов. – Жуда «мукофотлангандим-да».

– Бўлмаса, бу йил навбат Қодирматовга, рўйхатта унинг фамилиясини ёздирамиз.

– Ахир, нақд юз минг санаб...

– Бас! – қўл силтади чўрткесар мудир. – Улар жойдамасмиз, биродар, иннайкейин Қодирматов ҳам беш-ўн сўми бор йигит, суришиб кетарсизлар.

### Автол «синди»

Саксон йилча бурун Гирвонга трактор келди. Девдай бақувват, қирқ ҳўкизнинг юмушини бажаради деб таърифи обдон келтирилган муъжизанинг бир зумда тинкаси қуриб қолди. Шапкали йигит аввалига челақ кўтариб у ёқдан-бу ёққа юрди, кейин қоратолнинг соясидаги ажриққа ёнбошлаб ётаверди.

Бу хусусда хабардор қилинган раис ҳаллослаганича етиб келди:

– Жониворга нима бўлди, ука?

– Мазаси қочди, – умидсиз қўл силтади тракторчи.  
– Автоли синиб қолган.

Раиснинг диққати ошди:

– Ёмон синганми?

– Майда-майда буп кетди, ака, энди сизгаям, менгаям гап тегаети.

– Тузатса булар, а? – Ранги ўчган раиснинг кўзлари умид билан жавдиради.

– Қийин, жуда қийин. Камида икки челақ сариёғ кетаети.

– Шу холосми? – қулочини керди юзига қизил югурган раис.

– Шу холос, синган автолни улашга уриниб кўраман-да, хўжайин.

Алқисса, Гирянда сигир сероб эдики, уч пақир сариёғни азбаройи «муолажа» учун қабул қилган тракторчи ишга киришди. Ярим соатча уринди, юз-кўзи қорамойга беланди ва ахийри синган автолни тузатди. Ана ундан сўнг оғиз-бурнидан дуд бурқситган махлуқ наъра тортиб, пайкалнинг у бошидан-бу бошига бориб-келаверди, кун ботаргача алақанча хўкизнинг қайдовини удалаб қўйди.

Шомга яқин туманнинг каттаси келди:

– Трактор қалай экан?

– Гап йўқ, – раис ўнг қўлининг бош бармоғини пўрсатди. – Айниқса, тракторчингиз азамат экан, хўжайин.

– Тошкентда ўқиб келган-да.

– Ўқигани рост экан, – оғзидан бол томди раиснинг.

– Ахир, тракторни сариёғ билан даволай олди-ку.

– Сариёғ билан? – анқайди амалдор.

– Рост, автол деган нарсаси синиб, реза-реза бўлиб кетган экан...

Катта қорнини ушлаб хохолайверди, мақтовини тутатолмаган раиснинг эса боши қотди.

### Нега қулишди?

– Келинг, амаки, – меҳмонга пешвоз чиқди етти яшар Нозима.

– Мана шу қизим зўр-да, – мақтади мезбон. – Онаси бўлмасаям меҳмон кутишни қотириб қўяди, амакиси.

Мақтовдан эриган Нозима елиб-югуриб хизмат қила кетди. Дастурхон ёзилгач, отасининг амри билан помидор, пиёз олиб кирди. Мезбон совутгичдан яхна гўшт ва яримдан мўлроқ «Халқобод» олди.

– Иккаламизга етиб қолар.

– Бемалол, – қувватлади меҳмон. – Зўр коньяк-да...

Пиёлалар жаранглади.

– Ҳа-а, олинг, – қистади мезбон бир ҳўплаганича қотиб қолган меҳмонни.

– Ҳзингиз олинг-чи.

– Ба нияти шифо, – мезбон ҳам таққа тўхтади.

– Ичмайсизми? – қувлик билан илжайди меҳмон.

– Ие, – хижолатланди уй эгаси. – Нозима, ҳо-ой

Нози.

– Ҳа, дада.

– Бу ёққа қара-чи, қизим.

– Чой оп келайми, дада, – бижиллади остонада пайдо булган қизалоқ.

– Мабодо манави шишага тегиб-нетиб... – чайналди мезбон.

– Ичидаги яхна чойни боягинда янгилаб қўювдим.

– Янгилаб? – кути учди отанинг. – Нимасини янгилайсан?

– Чанқаб кетиб бир ҳўпласам, аччиқ экан. Айниб қопти-да, дада...

– Шарманда қилдинг-ку, жиннивой, мен сени мақтаб ётибман-а. Бир огиз ойингдан сўрамадингми?

– Сурадим, «илоё қуриб кетсин» девдилар, кейин бошқа чой қуйиб...

– Ёмон бўлди-ю, – хижолат билан илжайди мезбон.

– Энди дўконга чиқиб келаман-да.

– Э-э, қўйинг, ўша қургурни ичганимиздаям мунчалик маза қилолмасдик, – меҳмон хиринглайверди, унга бақрайиб турган мезбон ҳам аста хохолашга тушди.

Кап-катта одамларнинг кулгисидан ҳеч бир маъни топмаган қизча ҳайрон эди.

### «Фарзинни жойига қўйинг!»

Толиповнинг лақаби «Уйғонмасин» эди. Қабулига кирган одамни бақрайиб тинглай бошлайди-да, лаҳза ўтмай кўзлари чиппа юмилади. Сўзловчи асосий мақсадга ўтар-ўтмас хонани хуррак овози тутлади.

Ҳафсаласи пир бўлган меҳмон беҳуда жаврашни бас қилади. Шунда хуррак тўхтаб, «Уйғонмасин»нинг кўзлари катта-катта очилади:

– Гапираверинг, биродар, қулогим сиз-да.

Зум утмай хуррак тагин хуружга киради, унинг қаршисидаги бечора зарда билан лабини тишлайди. Ҳозиргина донг қотиб ухлаётган хона соҳиби эса луқма салади:

– Кейин нима бўлди, тез-тез гапиринг, менинг вақтим зиқ.

Хуллас, гап якунига етади. Уйқу ва хуррак ичида ҳеч балони эшитмагандай туюлган Толипов бинойидай хулоса чиқаради ва ҳар қандай масалани тўғри ҳал қилади.

Шоҳмот устида ҳам шу аҳвол. Дона терилган заҳотиёқ Толипов туш кўра бошлайди. Бир гал шундай бўлди: хуррак авжига чиққан маҳал Тошматовни шайтон йўлдан оздириб, фарзинни алмаштирди ва:

– Гал сизда, – пишанг берди Толиповга.

Хуррак тинди, ҳамон кўзлари юмуқ рақиб деди:

– Гирром ўйнаманг, жаноб Тошматов.

– Аввал уйғонинг, ошна, – сир бермади меҳмон.

– Шунақами? Қани дарҳол фарзинимни жойига қўйинг-чи, – тикланди «Уйғонмасин».

### **Имом мум тишлади**

Худо инсоф берди, етмиш ёшида ҳам ичкиликни косада сипқорган Соқи пиён масжидга қатнаб қолди. Авваллари унинг беҳурматлигидан тўлиб юрган имом-домла бир аламдан чиқмоқчи бўлди:

– Намоз пайтида у ёқ-бу ёққа қаралавермайди, – танбеҳ берди у.

Соқи пиён бировда ҳақини қўйган эмаски, хонаси келса, отасини аямайди.

– Сиз нега одамни изза қиласиз? – тирғилди у имомга. – Ваҳоланки, ўзингиз «иззайи мўмин — ҳаром» девдингиз.

Домла бир кизаринди, аммо буш келмади:

– Үзи кечагина пешонангиз саждага тегди, бир огиз «хўп» деб...

– Хўп демайман, – чўрт кесди Соқи ака. – Чунки сиз илмига амал қилмайдиган мулла экансиз.

– Наузамбиллоҳ. Нега туҳмат қиласиз? Ахир...

Соқи пиён гал бермади:

– Намоз пайтида сиз олдинда утирасизми?

– Ие, ахир, имомнинг жойи... – чайнади домла.

– Унда айтинг-чи, ўзингиз ҳаммадан олдинда була туриб, орқадагиларнинг кўзи қаёқдалигини қандай кўрасиз?

...

– Ана, жавоб беролмайсиз. Чунки намоз пайтида ўзингиз тўрт тарафга аланглаб утирасиз.

Мулзам бўлган домланинг ёнини олишга шайланганларнинг ҳам дами чиқмай қолди. «Астағфируллоҳ» деган имомнинг ўзи эса мум тишлади.

### Урикзор йўлидаги воқеа

Бозор-ўчарни қудаларбоп қилган Камолиддин «Тикок»ни Урикзорга бурди. Аммо уйигача бўлган шунча йўлни ақалли бирор сўм кирасиз ўтиш алами юрагини туздай ачиштириб борарди. Қарангки, доди Худого етиб, икки аёл қўл кўтарса бўладими?

– Урикзорга ташлаб қўйинг, иним.

– Бу ёққа доим буш қайтаман, йўлиям чатоқ, – нархини оширди шофёр.

– Қиз кўргани кетяпмиз, вақтимиз зиқроқ, қанча олсангиз...

– Беш минг.

– Йўге, куни кеча икки мингга борувдик, майли, сиз уч минг олинг.

Тўрт минг сўмга шартлашиб, йўлга тушдилар. Камолиддин халта-хултани хотинига ташлаб ўтиш учун ўз кучасига бурилгач, аёллардан бири тилга кирди.

– Худди биз борадиган жойни кўргандай кетяп-сиз-а.

У ўз дарвозаси қаршисида тормозни босганда пул узатган иккинчи аёл ҳам ўзини тутолмай сўзланди:

– Қойил, укажон, биз қидирган қиз мана шу уйда эди ўзиям.

Камолиддиннинг ярим чўзилган қули ҳавода муаллақ қотиб қолди.

### Гули қаҳ-қаҳ

Абдумуталнинг пешонасида эгиз туққан ёлғизгина эчкиси бор эди. Тилла тиш дардидаги аёли улоқларга кўз тикиб туриб олди:

– Икковини сотсангиз, оғзим бутун бўларди-қоларди...

Бироқ Санталатхон ниятига етгач, шому саҳар кулгани кулган эдики, ҳеч лабини йиғиштиролмади қолди.

– Оғзингни юм, онаси, – танбеҳ берди Абдумутал.  
– Уят бўлади.

– Нимаси уят, кулиб ҳам бўлмайдимми?

– Кулавер, фақат эви билан-да. Ёруғ дунёда тилла тиш қўйдирган биттагина сен эмассан, ахир.

– Вой ордона-ей. Гулимхон оғиз очса, кўзингиз қамашади, оғзи ойнадай ярақлайди. Ўзим боққан улоқнинг пулига икки донагина қоплама қўйдириб, бошимни ёрсангиз сизга уят эмасми?

Абдумутал чўрт кесди:

– Эртага эчкиниям сотаман, душанба куни яна тиш дўхтирига борамиз.

Тушуниб-тушунмаган аёлнинг юзида иссиқ-совуқ бир ифода зоҳир бўлди:

– Пулига нечта тиш қўяркин-а?

– Нима-а? – туюқди Абдумутал. – Неча минг кетса кетсин, оғзингдаги анави қопламаларни ҳам олдириб ташлайман. Сен гули қаҳ-қаҳ тилла тишни энди тушингда кўрасан!

«Гули қаҳ-қаҳ» биладики, бундай пайтда эри билан ади-бади айтишиб бўлмайди. У шоша-пиша кафтини оғзига босди.

### Даладаги қассоб

Тиктепа ва Бойқўргоннинг деҳқонлари мусобақалашиб ишлайдилар, борди-келдилар қалин. Меҳмон бўлиб келган Тиктепа вакиллари Бойқўргонни обдон айланишди. Аён бўлдики, пайкалнинг юқориси «ҳай-ҳай», ичкариса «бай-бай», «Гулобод»да сув кўлаган, «Қумкент»ни алаф босган, «Алимкент» сувчилари маош олмаган.

Бу гапларни эшитиб утирган Носир Содирович қошини чимириб, «Алимкент»нинг каттаконига юзланди:

– Нега сувчига пул бермайсиз, а?

– Баҳорда мол сўйиб, гўшт тарқатганмиз, ўтган ойдаям шундай қилдик, сувчилар учун эликта хўрозни...

– Қўй-чи, қўй сўймадингизми? – истехзоли кулим-сиради Носир Содирович.

– Бўлган, бўлган.

– Индук-чи?

– Унисиям бўлди.

– Бўлмабди, – ўрнидан қўзгалди амалдор. – Туппа-тузук ҳунарингиз бор экан, далада хор бўлиб юрасизми? Сизга рухсат, бориб қассоблигингизни қилинг, мол сўйинг, қўй сўйинг. Биз бу ишни қассобликни эпполмайдиган бирортасига топшираимиз...

Мажлис аҳлининг ярми оғзини тўсди, роса куладиган гап эди-ю, ҳеч ким кулолмасди. Негаки, раиснинг бобосини Пирназар қассоб, отасини Эрназар қассоб дердилар. Мана энди тиктепаликлар ташрифи баҳона ўзи ҳам Ғайназар қассоб бўлди.

## Зокир дов

Қоратепага театр келди, Гофир билан Жамиланинг асадай турмушига оғу соладиган Солиҳбой дегани бор эканки, андишанинг отини қўрқоқ билди. Гофир аслида бегона эмас, қоратепалик Ҳожиакбарнинг ўзгинаси, яъни Аҳмад кўсанинг шаҳарда ўқиб, театрда ишлаётган ўғли.

Йигитлар саҳнадаги бедодликка қарши муштларига туфлаб зўрга утиришибди. Сўлоқмондай икки номард Гофир бўлмиш Ҳожиакбарни дўппослашга тушгач, пичоқ бориб суякка қадалди.

– Ҳой халойиқ, орият борми сенда? Битта қоратепалигингни ўлдириб қўйгунчаям мўлтайиб ўтираверасанми, а! – ҳайқирди Зокир дов.

Ярим томошабинни не жин урдик, хохолаб кулади, қолган ярми эса гувраниб жунбушга келди:

– Рост-да, қоратепалик одам эмасми?

Қаҳри келган Зокир дов гурсиллаганича саҳнага чиқиб борди, уч-тўрт актёрни у ёққа-бу ёққа улоқтирди-да, «Солиҳбой»нинг гирибонидан тутди:

– Ҳа-а, хотинбоз, соқолингнинг қораси қолмабди-ю, Ҳожиакбарнинг хотинига кўз олайтирасан! – У актёрнинг юлинган соқолини улоқтириб ҳайқирди. – Бу ерни Қоратепа дейдилар, мен эса Зокир довман. Мана шу болага тагин у-бу десанг, кўзингни ўйиб оламан! Иннайкейин, Ҳожиакбарнинг отасиям унча-мунча одамларданмас, кимсан Аҳмад кўса дейдилар.

– Илоё «кўса» деган тилинг қирқилсин! – томошабинлар орасидан овоз берди артистнинг отаси...

## «Рогатка»

Ун яшар Раҳмонжон ўринга киришдан бурун бир бурда ноннинг ярмини кавшаб, ярмини ёстиғи остига қўйиб ётиши тоғага аён эди. Шу бола шўрлик меҳмонга келди-ю, ҳазилкаш тоғага Худо бериб қолди.

– Кеннойингнинг феъли ёмон, – жиддий тусда сўз бошлади у. – Шомдан сўнг нонсандиққа қулф

уради, анави болалар тугул, менгаям битта ушоқни кўрсатмайди. Эрталабгача очликдан бигиллаб чиқамиз.

Бу гапдан Раҳмонжоннинг юрагига ёмон гулгула тушди. У икки бурдани куз остига олиб турувдики, тоға тушмагур бирини олди-да, индамай гипиллатаверди. Жиян ҳам буш келмади, сўнгги бурдани секингина кўрпача остига яширди. Тоға ўзини кўрмаганга олди...

Раҳмонжон кўрпага кириб уввало тимирскилайдики, бояги улжадан ном-нишон йўқ, кузлари жиққа ёшга тўлиб, ҳиқиллашга тушди. Чироқни учирмай бақрайиб ётган тоға бепарво сўз қотди:

– Ҳа-а, бирон ниманг йўқолдимми?

Сири очилишидан чўчиган жиян йиғи аралаш гўлдиради:

– Рогаткам...

Ҳазил деса ўзини томдан ташлайдиган тоға қаҳ-қаҳ урди:

– Манавимасми ўша «рогатка?»

Бола бошини кўтарди, тоғанинг қўлида йўқолган бурда турарди...

### **Велосипед минини биладиган куёв**

Нишаблиқдан ўқдай учиб келаётган велосипедли йигитчанинг ҳайқириги бобойларнинг юрагини ёргудай эди:

– Қочингла, тормозим синган.

Йўлни кесиб ўтаётган тўрт қария ўзини у ёқ-бу ёққа урди. Утирса туролмайдиган, турса ўтиролмайдиган Асқар бува икки сакрашда кўчанинг у тарафига ўтди-да, жағига куч берди:

– Падар лаънатией, илоё валасапит минмай...

– Куёвниям қаргайдими, биродар? – мийиғида кулди Матрайим бува.

– Қанақа куёв?

– Набирангиз Шодиқулнинг ўглига фотиҳа бўлдимми, ахир?

- Асқар чол бош ирғади.  
 – Ұша бола-да.  
 – Танидингизми ўзи?  
 – Ие, нега танимайман? Отаси менга жиян-ку.  
 – Азамат экан-да, а, – мингирлади гап тополмаган қайин бува.  
 – Ёмон боламас, – тасдиқлади Матрайим чол.  
 – Ҳа-а, – энди дуога ўтди Асқар бува. – Илоё кам бўлмасин. Қаранг, уни шопирликка ўқиган дейишувди, валасапит минишниям биларкан-да, а...

### Ресторандаги «кулфат»

Чорвадорлар орасида энг пулдори булган Тиллабоев тийин топса юз еридан туғиши билан машхур эдики, харажат деса юраги ёриларди.

– Тиллабоевни шундай тушираманки, нақд ресторандаги зиёфатнинг сарфини, тўлатаман, – дея чиранди ферма мудирини Ёқубжон.

– Тиллабоевнинг танасини жодида тилиб, жон томиридан қон ололмайсиз, – дейишди билгичлар.

Ёқубжоннинг режаси пишгач, бир куни баҳона топди-ю, тўрт жўрани шаҳарга бошлади.

– Ҳаммамизда либослар пўрим, сахт-сумбат жойида, туриш-турмушимизда биттадан раиснинг сиёқи бор, – деди Ёқубжон зиёфат якунланар чоғ. – Йиг-йиг қилиб юрсак уят бўлади. Лоторея қиламан, кимнинг чекига тушса, ҳисоб-китоб қилади, суришиб кетармиз.

Мудир тўрт бўлак қозоғга чизар экан, Тиллабоевнинг ранги ўчаверди. Барибир у қўрққан ҳодиса содир бўлди: тўлаш кулфати унинг чекига тушди.

– Ҳой, мусулмонлар, наҳотки тўрт кишининг еган-ичганини менинг гарданамга юкласаларинг! Сизларда инсоф борми, ахир?

Тиллабоев, фарёд қилавергач, такрорий ўйин ўтказилди ва биринчи бўлиб қул чўзган Тиллабоевга яна «омад кулиб боқди». Шўрлик зарда билан пулни шарт-шурт санади-да, қайтимга ҳам, шерикларига ҳам қарамай қарсиллаганича чиқиб кетди.

Мудир қувлик билан илжайиб, қўлидаги лотереяларни узатди: ҳаммасига Тиллабоевнинг номи битилган эди.

### **Лифтнинг кира пули**

Харажатни хушламайдиган Аҳмад акага чойхона палов ҳақидаги таклиф дард устига чипқон эди.

– Қўй, ука, – деди у метрога киришаркан ва Алишерни бу кори баддан қайтариш учун астойдил далиллар келтирди. – Ўзимиз мусофир бўлсак, ортиқ чиқимдорлик зарурми? Иннайкейин, Тошканда пирожкани жа-а боплашаркан, қалампирга бўктириб олсанг, чой билан шундай кетадики...

Кутилмаганда гапга андармон Аҳмад акани эскалаторнинг «қоровули» қисиб қолди.

– Ие, пулини бердик-ку, ҳунарини қара-я. Кечагинда лифтдаям шунақа бўлувди.

Ана шунда Алишер «воҳ» деб юборди.

– Лифтга танга ташлаганмидингиз?

– Йу-уқ, – анқайди Аҳмад ака. – Уям пул оладими?

– Ие, шу топда бепул нарса қоптими? – Темирни қизигида босди Алишер. – Айтиб қўяй, лифт жуда қаттиқ қисади одамни. Сизни майиб ҳолда обориб, янгамнинг калтагига қолмайин. Менга жиндай пул бериб қўйинг, метро ва лифтга узим йўл бошлайман.

– Шунақа қил, ука, – чеҳраси очилди илк бор Тошкентга келган Аҳмад аканинг ва бир халфанага етгудай пул узатаркан, қўшиб қўйди. – Орамизда қолсин-у, ҳалигача лифт деганига бирор тийин тулаганим йуқ эди-да...

### **Ўринбосар нега терлади?**

Мажлисни очибоқ танқидни ола кетган муовин сўзни бошлиққа берди. Қовоғидан қор ёққан Жўра Салимович бўлим мудирларини оёққа турғизиб,

масъулият устига масъулиятдан гапириб турувдики, кимнингдир телефони «сайраб» қолди.

– Ақалли мажлисда учириб қўйса Асакаси кетадими-а? – деди бошлиқнинг сўзи бўлинганидан кайфи учган ўринбосар.

Бир безовталаниб олган нотиқ ўзининг ишдан мутлақо қоникмаслигини изҳор қила бошлагач, бояги телефон яна устма-уст хуруж қилди. Бошлиқ ҳайъат столига назар ташлади, мажлисни олиб бораётган муовин эса жаҳл отига қамчи солди:

– Бу ҳам интизомсизликнинг бир намоиши-да, Жура Салимович.

Маърузачи тараддуд ичида «меҳнат интизоми айрим боқибегамлар учун» девди ҳамки, ўша «сотка» яна жунбушга келди.

– Учир-е! – деди даргазаб ўринбосар. – Кучага чиққин-чи, сендаги матах лўлининг хуржунидаям, пивосотарнинг ҳамёнидаям бор, ҳе...

Минбардаги бошлиқнинг галати имоси уни сўздан тўхтатди. У қора сумкага ишора қилди:

– Анави портфелда эди. Очиб тугмачасини босиб қўя қолинг, ука.

– Ие? – тили танглайига ёпишган ўринбосарнинг манглайдан тер қуйилди.

### Маставали қатиқ

Пойгакка чўккалаган мезбон мастава узатаркан, манзират қилди:

– Қани меҳмонлар, олинсин, олинаверсин.

Турдаги Алижон ака қатиқдан ўз косасига бир қошиқ солди-да, ўнг ёнидаги муовинга тутди:

– Қатиқдан қўшинг.

У ҳам керагини олиб, Валижонга узатди. Валижоннинг қошиғи тез-тез қатнай бошлагач, ҳазилкаш йигитлардан бири санай кетди:

– Икки, уч, тўққиз, ўн бир...

Ахийри қатиқнинг юқи қолди, холос. Иштаҳа сақлаб ўтирганларнинг ҳафсаласи пир бўлди. Алижон ака вазиятни юмшатиш учун кулди:

- Валижон.
  - Лаббай, ака.
  - Зур ҳангома қилдингиз-да.
  - Шунақами? – илжайди у. – Айтинг-чи, хўжайин.
  - Мана, қатиқли мастава эмас, маставали қатиқ ичадиган одамни кўришгаям Худо етказди-да.
- Ҳамма кулиб юборди.

### Ғулом қора ва тамаки

Жин кўчанинг бошида шошиб-пишиб келаётган Ғулом қорани кўрган Саримсоқ муаллим дарвозани таққа ёпди-да, кампирига тайинлади:

– Ғулом тагин келяпти, қўшнисидан ҳасрат бошлаб, миямни суюлтиради. Яхшиси мени «йўқ эдилар» деб қўя қол.

– Кучага кетувдилар, – жавоб қилди кампир зум ўтмай бало-қазодай кириб келган арзгўйга.

Ғулом қора ҳозиргина оқсоқол ташлаб кириб кетган сигаретга бир қараб олди:

– Икки оғизгина гапим бор, холос.

– Йўқ бўлсалар, мен нима қилай? – энсаси қотди беканинг.

– Майли, келгунларича кута қоламан, – у дарво-захонадаги курсига чўқди-да, ҳамон паровоздай тутаб ётган сигаретга термилиб ўтираверди. Кейин узидан-узи ҳиринглаб олди:

- Хола, бир гап айтсам...
- Кампир хушламай тикилди:
- Хўш?
  - Аёллар тамаки чекмайди-а?
  - Шуми топган гапингиз?
  - Ғалати-да. Домлам йўқ бўлсалар, анави нарсани қаранг, шу топда калламга нохуш хаёл келиб...

Меҳмонхонанинг эшиги «ғийқ» этиб очилиб, тоқати тоқ бўлган оқсоқолнинг боши кўринди. Кампирнинг эса афти бужмайди:

– Нохуш хаёлингизгаям, тамаки ўлгургаям қирон келсин. Сиздақа одамдан маҳаллада тўртта бўлса, кампир тугул, бешиқдаги гўдаккача хумор бўлиб ўлади, ахир. Ана домлангиз ўзлари, сизга кўзлари учиб турганди.

### Парининг момоси

Жонон пиёланинг ноласидай «алё» калимаси Баҳодировнинг оромини олди, у Қосимовга арзи дил қилди:

– Янги котибангизнинг овозидан атиргулнинг ифори келади-я, ҳа-а, ўтқирсиз.

– Сиз унинг ўзини кўринг, ўзини...

Эртасигаёқ Баҳодиров «висол»га отланди. У бағридаги дўстини ҳам, салом-аликни ҳам унутиб шивирлади:

– Қабулхонангизда ҳеч ким йўғ-у?

– Ҳозир чақираман.

Ҳаяллаброқ кирган хўппа семиз жувоннинг гўштдор лаблари қимирлади:

– Хуш кептилар, меҳмон. Узр, Осимжон Қосимович, мени муовин йуклатиб...

– Битта чой, Холбодомхон опа.

Котиба «жоним билан» дея кетмондай кафтини куксига босиб, бош ирғар экан, иягидаги уриқдай хол селкиллаб кетди.

Телефондаги жонон пиёланинг жарангини аллақачон таниб бўлган Баҳодиров бақадай бақрайди. Қосимов эса унинг ярасига туз сепди:

– Қалай экан?

– Дидингиз чаккимас, – меҳмон қўл силтади. – Холбодомхон опамиз парилар зотидан булсалар керак?

- Йу-уқ, уша маҳалладан, – қиқирлади мезбон.
- Топдим, – унга қўшилиб кулди Баҳодиров. – Парининг ё онаси, ё момоси...

### Томошадан кейинги томоша

Қишлоққа ажойибхона келди. Ҳаммага алламбало жонзотлар бир қизиқ булса, ёш-ялангга ярим ялангоч хонимчаларнинг сиёқ-сумбати минг бир қизиқ эди. Панжарадан мўралаган йигитчаларни ўшалардан бири имлаб қолди:

- Баранчук, сюда, кил, кил.
- Икков бир-бирларига бақрайишди.
- Чақиряпти, – таржимонлик қилди Одил.
- Юр-чи, – туртди Азим.
- Ишак бар? – ўзбекчалади маржа.

У бир бало қилиб тушунтирдик, анави ўқирган шерлару илон-пилонларга емиш зарур. Бекоргамас, пулга, каламуш, сичқон тутиб келганга ҳам мукофот бор — томоша бепул.

Икков кунни кеч қилиб овга чиқишди, сой лабида қозиққа боғлиқ турган эшакнинг яйдоқ сағрисига мингашдилар-да, ажойибхона эшигида трусичан Женя хонимга рўбарў бўлдилар. Булар пулни санаб олишди, эшак шўрликни эса болта кўтарган малласоч одам етаклаб кетди. Оёғи олти, қўли етти синфдошлар йўл-йўлакай ғойибдан келган даромадни арра қилдилар...

Тонгда онасининг жонсарак овозидан ороми бузилган Азим кўрпани бошига тортди:

- Озгина ётай, ойи.
- Тур, тезроқ тур, отанг қиёмат бошлайди ҳозир, эшакни ўғри урган кўринади.
- Қанақа эшак, ахир?.. – боланинг қути учди.
- Билмабмидинг? Кеча даданг бир қўйнинг пулига олиб, сой бўйига қозиқлаб қўйгандилар.

Ташқаридан дарғазаб овоз эшитилди:

- Ўғри лаънати шервачча бўлсаям, энасини Учқур-ғондан кўрсатаман!

## «Пулини ким тўлайди?»

– Қўйларнинг пичоққа илинадигани йўқ, ака, – деди қўрага бориб келган ферма мудирини гуноҳкорона қўл қовуштириб. Раис қовоқ уйди:

– Ернинг тагидан бўлсаям топасан.

Мудир қассоб укасининг дуконига борди:

– Анави кунги қўчқорингни гаражда сўйгин, ука.

– Нега?

– Шунчаки, номига-да. Каттамиз келади-кетади, оёғи остига жонлиқ думалатган бўламиз, оп келиб дуконингда пулайверасан...

Қўшқарнайнинг гата-гути, ноғоранинг гумбура-гумидан гараж гўё тўйхона бўлиб кетди. Шотирлар қуршовидаги азиз меҳмон ичкарини кўздан кечиргани йўл олди. Бошқарма бошлиғи ферма мудирининг тирсагидан тутиб, қассобнинг олдига етаклади:

– Узингиз биласиз, каттанинг вақтлари тигиз, тушлик бошқа жойга айтилган. Аммо бизнинг қуруқдан-қуруқ кузатмоғимиз ҳам уят. Думба билан иккала сонни юкхонага ташлаб қўййлик.

Буни жон қулоғи билан тинглаб турган раис қассобга пишанг берди:

– Имилламанг, тез-тез қимирланг, ҳозир чиқиб қоладилар.

– Тинчликми ўзи? – қадини тиклади қассоб. – Ўтган куни беш юз мингга олинган, ака, пулини ким тўлайди?

Раис мудирга қаради, мудир ерга.

## «Ўпаётгани йўқ, ахир»

Эшик-деразалардан аланга аралаш тутун бурқсийди, бир йигит фарёд қилади:

– Хотиним қолиб кетди!

Газ ниқобни чала-чулпа кийган лейтенант ичкарига отилди. Бир-икки дақиқадан сўнг у остонада пайдо бўлди, қўлида кўҳликкина жувон.

– Тезлик билан нафас бериш зарур, – буюрди майор.

– Ут ўчирувчилардан бири беҳуш аёлнинг карахт озгига пуфлай бошлади. У чуқур нафас олиб, қирмизи лаблар томонга учинчи бор эгилар экан, ранги бузарган уй эгаси дўриллади:

– Бўлди-да энди.

– Ие, мен ҳалиги, – каловланди хизмат вазифасини бажараётган йигит.

– Жа-а индамаса, унинг эри мен бўламан, ахир.

– Эри бўла туриб, уни ўтга ташлаб, ўзингиз қочиб чиқибсиз-ку! – ўнг қўлининг кўрсаткич бармогини силкиди майор. – Энди бизнинг ишимизга халақит берманг, у ўпкага ҳаво беряпти, хотинингизни ўпаётгани йўқ, ахир.

### Ўғрига мол қаҳатми?

Абдулҳайнинг ёнида лаш-лушларини машинадан тушираётган коржомали кишини кўрган Комила «хайрият» деди. Уста чувалчангдай чувалган резина ичакларни у ёқ-бу ёққа қиларкан, аёл эрини четга тортди:

– Қўшнидан ҳол сўраб қўйинг. Бечоранинг ўн беш коп бутдойини ўғри уриб кетибди.

– Ие, чакки бупти-ю, – ачинди Абдулҳай. – Аммо айб узида, ҳовлининг тўрида дон сақламасин эди.

– Тўғри-ю, эгаси минг пойласин — ўғри бир пойласин. Ҳаммаёқни тинтиб чиққан милисаларниям тоза боши қотди...

Асбоб-ускунасини созлаб бўлган уста темиртешар оловини бовиллатди.

– Қувурни оп келинг-чи, – буюрди у.

Нарвонга тирмашганича йўқ бўлиб кетган Абдулҳайнинг асабий овози эшитилди:

– Қувур қаёқда?

– Турувди-ю, – лол бўлди аёл.

Ҳовлини титиб юборишди, зилдай темир ҳеч қаерда йўқ. Комила тўлага қараб юрувди Абдулҳай жерқди:

– Эсинг борми, хотин, саккиз қулочлик нарса ертўлага сигади? Мен уни томга қўйгандим, ахир.

– Кечаям кўрувдим-а.

– Топ бўлмаса, – захрини сочди у. – Бошинг устидаги буюмни ўғрига олдириб... Ҳа-а, нега куласан, ё бирор жойим?..

Аёлнинг лаблари эса баттар ёйилди:

– Ўғрига мол қаҳатми, хўжайин?

Қўшининг ҳоли беш дақиқа ўтмаёқ ўз бошига тушганидан Абулҳай гап тополмасди.

### «Класс»

Шерали ёнига Тошдавлат акани утиргизиб, «Нексия»га ўт берди.

– Манави нимаси? – сўради меҳмон.

Бардачқодан бир учи чиқиб турган оппоқ шлангни Шерали ўзи боягина қўйганди. Унинг қувлиги тутди, соддагина оқсоқолни лақиллатгиси келди.

– Остида компрессори бор, янги моделда моторга зўр келмаслиги учун шуни ўйлаб топишибди.

– Ичак-чавоги бу ёққа чиқиб ётибди-ку.

– Майли, ака, ҳозир йўлдан қолмайлик. Башарти жиндай зўриқиб қолса, бир-икки пуфлаворарсиз..

Машина тепаликка тирмаша бошлагач, Шерали жўрттага тезликни алмаштирмади, мотор йўталиб-йўталиб олди.

– Жон ака, пуф деворинг.

Ҳайдовчи «Нексия»ни ўзига келтириб, «булди-булди» деганда ҳам Тошдавлат ака «компрессор»га зўр берди.

– Ҳарна-да, Шераливой, тўйхонага барвақтроқ борганимиз маъқул. Дарвоқе, ҳадеб пуфлайвериш одамни сал қийнаб қўяркан.

– Бу ёққа ўтинг, – илтифот қилди уйқу босаётган Шерали. – У ёқни ўзим эплайман.

Ҳозиргача учта енгил машинани қаритган Тошдавлат ака рулга чапдаст эди. «Нексия» қушдай учди, Шерали

уйқуга кетди. Тўйхонада ҳамма билан қучоқлашаётган оқсоқол янги моделдан ва компрессордан сўз очди:

– Компрессорсиз ҳам шундай елдирдимки, манави акам йўлма-йўл туш кўриб келдилар, – у Шерали томонга ишора қилди. – Бирор мартаям пуфлатганим йўқ. Буни «класс» дейдилар...

### «Гулдай ҳунар»

Саксон яшар она Кишваровнинг бошини силаб, юм-юм ёш тўқади.

– Бир оёқ билан энди қандоқ яшайман, зна? – укиради йигит.

Кампир гапиролмайди.

– Укамга айтинг, мотоциклни эртагаёқ сотворсин, кўрарга кўзим йўқ.

– Айтаман, болам. Локин ўша темирда нима айб? Ҳамма бало ичкилик улгур-да. Шу касофатни энди ичмагин, жон ўғлим.

Кишваров тавба-тазарру қилди, анчагача ҳеч-ҳеч оззига олмади.

... Дарвозасига тамба қўйгани чиққан Журавой тога қараса, симёгоч тебранаётганмиш. Кейин ўша тарафдан Кишваровнинг овози эшитилди:

– Ас-с-сало...

– Э-э, сизми, ука? – хафа бўлди қушни. – Ичмай қўйгандингиз-ку? Ахир, шуни деб...

– Р-ра-аҳмингиз к-келмайдими? – Уни уялтиришга тушди тили айланмаётган Кишваров. – Қ-қултиқтаёгим...

Жура тога ерда ётган ҳассани қўлига олиб, бир оёқли пиёнистанинг қўлтигига кирди. Уни онаси, бола-чақаси қўлига топшириб, тагин насиҳат қилди:

– Дўхтир деган номингиз бор, отангиз билан қирқ йил қушничилик қилганмиз. Болаларингизга, онангизга раҳмингиз келмайдими? Ташланг бу касофатни.

Кишваров унинг қўлларига ёпишиб дўриллади:

– Гулдай ҳунарни-я...

Ҳалитдан бери ерга қараб ҳиқиллаётган кампир койинди:

– Илоё ҳунарингга ут тушсин!

### Жигарсўхта

Аёлларга суяги йўқликда оғизга тушган Абдуллажоновнинг лақаби Ўрмон суюқ эди. У Яккатут бекатида шериклари билан андармон булиб, ёнгинасидан ўтиб кетган хушқомат жувоннинг юзини кўролмаганиди. Доғда қолган Ўрмон суюқ ўртаниб гап отди:

– Ҳа-а, аканг ўргилсин. Қадамларингга жоним фидо.

Улфатларининг қийқиригидан илҳоми жўшган ширакайф ошиқ энди баралла нола қилди:

– Ман санга қурбон ўлам, жо-он, қурбон ўлам. Улдирдингиз-ку...

Ўрмон суюқнинг ақлини олган жонон таққа тўхтади-да, аввалига бир ёвқараш қилиб, сўнг индамай тикилиб тураверди.

– Ҳа-а, Ўрмонбой.

– Таниш чиқиб қолдиларингми?

– Буш келма, суюқ.

Негадир бу олқишларнинг ҳеч бири Абдуллажоновга қор қилмас, ҳозиргина булбулигўёдай сайраб турган одам гўё соқов бўлиб қолганиди.

– Ҳа-а, поччажон, – қошларини чимириб, Ўрмон суюқнинг кўзларига бақрайди ҳалиги жувон. – Арпа уннинг ачиган аталасидай суюлиб-суюлиб, мана шу ерларда ўлиб кетсангиз, жиянларим нима қилади?

– ...

– Опам бечоранинг шўри-я! – деган жувон бош чайқаганича ўз йўлига кетди.

Ҳеч балони англамаган шериклардан савол ёғилди:

– Ким бўлди у?

– Дард бўлди, бало бўлди, – дами чиққан пуфақдай шалвиради жигарсўхта. – Кенжа қайинсинглим экан.

## Мундарижа

### ҲИКОЯЛАР

Қоронғи боғ .....	3
Шубҳа .....	9
Тушлар ва яна тушлар .....	14
Қарз .....	22
Жиян .....	25
Қарғиш билмас Қамбар чол .....	31
Нажот куни .....	45
Берлиндаги нос дукони .....	52
Кино .....	55
Менга қолган юлдузлар .....	62
Ким олдин-у... ..	75
Апирис .....	77
Ҳасан йигит .....	79
Девор .....	81
Ниқобдор .....	82
Ҳисобли дунё .....	83
Жодугар .....	84
Во дариф .....	85
Сутдан огзи куйган .....	86
Ойжон янга .....	87
Хотинини енгган эр .....	88
От йиглаган кун .....	90
Замон келди .....	91
Табаррук жой эди .....	92
Юнгли калиш .....	93
Сўнги хумор .....	94
Рост гапни ким айтади? .....	95
Одам борки... ..	96
Қарганинг қилмиши .....	96
Суяксиз тил .....	97
Духтирнинг дарди .....	98

Ота ва ўғил .....	100
Профессорнинг «ҳақиқати» .....	101
Шунақага ўхшайди .....	102
Собир дев .....	103
Ажали етмаган чивин .....	104
Ботқоқликда қолган сир .....	105

### ҲАЖВИЯЛАР

Дайди хўроз савдоси .....	106
Қизил эчки ҳаром ўлди .....	108
Томсувоқ .....	111
«Д»нинг каттаси .....	113
Қассобнинг тўтиси .....	114
Жўжанинг киндиги .....	116
Куёвнинг сири .....	119
Ҳн олти йилдан сўнг .....	121
Иштиёз .....	122
Муллонинг оши .....	123

### ҲАНГОМАЛАР

Зокир карнай, Фидель Кастро ва бошқалар .....	125
Пичоқнинг маъракаси .....	126
Лафз .....	127
Биринчи рейс .....	129
Гулпак .....	130
Мешок .....	131
«Пол Робсон» .....	132
Қўлга тушган ҳайдовчи .....	133
Бобой уйланмоқчи эди .....	134
Чанқоқ отга ҳуштак чикора? .....	135
«Мукофот» .....	136

Автол «синди» .....	137
Нега кулишди? .....	138
«Фарзинни жойига қўйинг!» .....	139
Имом мум тишлади .....	140
Ўрикзор йўлидаги воқеа .....	141
Гули қаҳ-қаҳ .....	142
Даладаги қассоб .....	143
Зокир дов .....	144
«Рогатка» .....	144
Велосипед минишни биладиган куёв .....	145
Ресторандаги «кулфат» .....	146
Лифтнинг кира пули .....	147
Ўринбосар нега терлади? .....	147
Маставали қатиқ .....	148
Гулом қора ва тамаки .....	149
Парининг момоси .....	150
Томошадан кейинги томоша .....	151
«Пулини ким тўлайди?» .....	152
«Ўпаётгани йўқ, ахир» .....	152
Ўғрига мол қаҳатми? .....	153
«Класс» .....	154
«Гулдай ҳунар» .....	155
Жигарсўхта .....	156

84 (59)6  
У48

Умматов, Рустамжон  
Одам борки...: ҳикоя, ҳажвия ва ҳангомалар/  
Р. Умматов. – Т.: «DAVR PRESS», 2009. 160 б.

ББК 84 (59)6

Рустамжон УММАТОВ

ОДАМ БОРКИ...

Ҳикоялар, ҳажвиялар, ҳангомалар

Бош муҳаррир Муроджон Тиллаев

Муҳаррир Муҳайё Рихсибекова

Техник муҳаррир Жаҳонгир Абдужалилов

Саҳифаловчи-дизайнер Мулптарий Абдужалилова

2009 йил 3 июлда босишга рухсат этилди.

Бичими 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>, «Baltica APP» гарнитураси.

Шартли босма табоги 5,0. Нашриёт ҳисоб табоги 5,73.

Адади 2000 нусха. 222-сонли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет «DAVR PRESS» нашриётида тайёрланди.

«MAXIGRAF PLUS» МЧЖ нинг матбаа бўлимида  
офсет усулида чоп этилди.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100156, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, 20<sup>А</sup>-даҳа, 42-уй. Тел 8(371) 120-1299.

Маркетинг бўлими: 8(371) 120-1233, 420-1233

Web: [www.mgp.uz](http://www.mgp.uz); [www.kitoblar.com](http://www.kitoblar.com). E-mail: [davr-press@mail.ru](mailto:davr-press@mail.ru)